

# МАМЛАКАТДА ЯГОНА

ГБ УССР  
Ж

Тошкент Трактор заводи мамлакатда пахта модификацияси тракторлари етказиб берадиган ягона корхона ҳисобланиб, пахтачиликдаги фан-техника тараққиёти ва суғориладиган деҳқончиликнинг бошқа тармоқларидаги муваффақиятни кўп жиҳатдан шу завод белгилаб беради.

Ш. Р. РАШИДОВ

**У**ЗБЕКИСТОН пахтачилигининг мислсиз ғалабаси дунё халқлари диққатини тортмоқда; республика пахтакорлари 10—15 йиллик тараққиёт маррасини эгалладилар, бутун мамлакатимиз назарида Ўзбекистон рекорд ҳосил чўққисини тобора юксалтириб бориши табиий ҳодисага айланди. 1980 йилда мамлакатимиз қарийб 10 миллион тонна, серқуёш ўлкамиз 6 миллион 237 минг тонна «оқ олтин» етиштирди. Жаҳон пахтачилиги тарихи бундай суръатни билмас эди.

Ўзбекистон пахтакорлари қозонаётган ғалабалар энг аввало совет воқелигига хос ҳақиқатнинг мужжасам тимсоли эканлиги — ўз ижтимоий мазмуни билан аҳамиятлидир. «Бугун биз беш йил, ўн йил олдинга назар ташлаб, айни йилларда халқ хўжалик структурасига асос солиниши ва у вужудга келтирилишини унутмаймиз,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик

партияси XXVI съездидаги Ҳисобот докладыда.— Мамлакат ана шу структура билан йигирма биринчи асрга қадам қўяди. Бу структура янги жамиятнинг асосий қабилатлари ва идеалларини мужжасамлаштириши, тараққиёт авангардида бўлиши, фан билан ишлаб чиқариш интеграциясининг, ижодкор тафаккур билан ижодий меҳнат бузилмас иттифоқининг тимсоли бўлиши лозим».

Ана шу истиқбол структурасига асос солаётганлар ва уни вужудга келтираётганлар сафида Ўзбекистон пахтакорларининг ўрни аниқ. У ўз ўрнини янада мустаҳкамлаши учун саноат ва фан катта ёрдам бермоқда. Чирчиқ капролактами, Навоий катарани республикаимиз пахтачилиги уфқларини янада кенгайтираётганини эслаш мумкин. Чиндан ҳам илмий-техник революция даври пахтакори ўз соҳасида мислсиз ғалабаларни қўлга киритиш учун битмас-туганмас ижтимоий имкониятларга эга. У барча совет кишилари каби экономика қонунларини, табиат қонунларини, илмий-техник революция самараларини ўз эъгу мақсадларини рўйбга чиқаришдаги ҳамкорларига айлантира олган шахс. Қишлоқ хўжалигида янги сиймо — деҳқончиликни саноат негизига кўчиришда масъул шахс бўлган механизатор ўз ижодий меҳнати билан фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг тобора мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшмоқда. Вертикал шпинделли, икки қаторли ХТ-1,2 машинасини яратган конструкторлар билан биргаликда, уни қишлоқ хўжалигига татбиқ этган механизаторлар — Турсуной Охунова, Жавод Кўчиев, Валентин Тюлко Ленин мукофоти лауреати бўлганлари бу катта ҳаётий ҳақиқатнинг тимсолидир.

Аммо ҳозирги даврнинг қатъий талаби — илм-фанни ишлаб чиқариш билан яқиндан интеграциялаш нуқтаи назаридан қараганда, қишлоқ хўжалик машинасозлиги илмий ва конструкторлик базаси орқада қолмоқда. Бу ҳолга ортиқча тоқат қилиш мумкин эмас. Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, машинасозлик янгиликлар учун кенг имконият очиши, илмий ва инженерлик тафаккури вужудга келтираётган илғор нарсаларни дарҳол ўзлаштириши, юксак самарали пухта машиналар, приборлар, технология линияларида мужжасамлаштириши лозим.

Илмий-техник революцияси даври талаби ана шундай. Бу катта ижтимоий эҳтиёжнинг ҳал этилиши Иттифоқимизда, жумладан, республикаимизда пахтачилик тараққиётини янада юксак босқичга кўтариш учун имконият яратади. Бинобарин, «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»даги «Тошкент Трактор заводида... қувватлар фойдаланишга топширилсин» деган кўрсатма замирида бутун мамлакатимиз, республикаимизда деҳқончиликни, хусусан пахтачиликни янада тараққий эттириш истиқболи намоёндыр.

«Тошкент Трактор заводида янги цехларни фойдаланишга топшириш вазифаси ўн биринчи беш йилликнинг иш программаси қилиб белгиланган. Бу вазифани ҳал этиш республика партия ва совет органларининг, корхона кўпминг кишилик коллективининг сира кечиктириб бўлмайдиган иши ҳисобланади. Тошкент Трактор заводи мамлакатда пахта модификацияси тракторлари етказиб берадиган ягона корхона ҳисобланиб, пахтачиликдаги фан-техника тараққиёти ва суғориладиган деҳқончиликнинг бошқа тармоқларидаги муваффақиятни кўп жиҳатдан шу завод белгилаб беради,— деб таъкидлайди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов.— Конструкторларимиз яратган ҳамда кўплаб ишлаб чиқаришга қўйилган кўп қаторли ва кенг қаторли пахтачилик машиналари кучлироқ трактор бўлишини талаб этмоқда. Ҳозирги Т-28-Х4 тракторининг эса энергия билан таъминланиши унчалик юқори эмас. Пахтачиликда ишлатиладиган 80 от кучига эга бўлган тракторларни тез фурсат ичида кўплаб ишлаб чиқа-

ришни кенг йўлга қўйиш, яқин келажакда эса 100 ва 150 от кучига эга бўлган тракторларни ишлаб чиқариш лозим бўлади. Корхоналарни реконструкция қилиш суръатларини анча ошириш зарур. Уртага қўйилган вазифани СССР Қишлоқ хўжалик трактор машинасозлиги министригининг ғоят актив иштироки билангина ҳал этиш мумкин».

Мамлакатимиз коммунистларининг улғу аңжуманида иштирок этган бир гуруҳ ўзбекистонлик делегатлар «Партия режалари — ҳаётга!» деб мурожаат қилдилар. Ун беш ишлаб чиқариш илғори эса ўнинчи беш йиллик топшириқларини мўддатидан илғори бажариб, ўн биринчи беш йилликда ўн йиллик ва ундан кўпроқ ҳам топшириқларни бажариш юзасидан ажойиб ташаббус билан чиқдилар. СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент Трактор заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари бу ташаббусни яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар. КПСС XXVI съезди делегати, 7-цех соловчиси Мухаммадҷон Туробов, Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати, 7-цех тоқари Лира Дубинина, 26-, 28-, КПСС XXVI съезди номидаги 31-цех илғор бригадалари коллективларининг заводнинг барча меҳнаткашларига «Шахсий беш йилликни 3,5 йилда, 1981 йил топшириқларини Улуғ Октябр социалистик революциясининг 64 йиллигига, бригада беш йиллигини 1985 йил 1 январда бажарайлик!», деган мурожаати ўн бешлар ташаббуси билан уйғунлашиб кетди.

— Заводимиз,— деди КПСС XXVI съезди делегати Мухаммадҷон Туробов,— ўнинчи беш йилликда мамлакатимиз пахтакорларига 132 мингдан кўпроқ трактор, 184 минг трактор прицепа, 20 миллион сўмлик қисмлар етказиб берди. Шу даврда меҳнат самарадорлигини 29 процентга кўпайтирдик. 1980 йил биз учун катта муваффақиятлар йили бўлди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида тўрт квартал давомида юқори ўринларни эгалладик. IV кварталда эса, министрлигимиз ва соҳамиз касаба союзи кўчма Қизил байроғини қўлга киритдик. «КПСС XXVI съезди шарафига—26 зарбдор ҳафта!» социалистик мусобақаси ишчиларимиз, инженер-техник ходимларимизнинг ташаббускорлигини яна бир марта намойиш этди. Утган йили 31-цех заводимиз миқёсидаги социалистик мусобақада ўн марта ғолиб чиқди. Партияимиз буюк аңжумани шарафига ўтказилган социалистик мусобақа якунларига кўра, 31-цехга КПСС XXVI съезди номи берилди. Бизнинг 7-цехимиз 1980 йил социалистик мусобақасида 11 марта юқори ўринларни эгаллади. 1981 йил I кварталда эса ҳар ой биринчи бўлди. Мана шу—7-цехда 21 йилдан буён ишлаётибман. Бу бир йигит камолга етадиган умр. Илғари 7 дастгоҳда 6 киши ишлар эдик. 1970 йили ишчи кучини 3 марта қисқартириш—6 кишининг кунлик топшириғини 2 киши бажариши мумкин, деб таклиф киритдим. Ҳозир мен ҳам, шеригим ҳам 3 тадан дастгоҳда ишлаймиз: аввалги 6 ишчининг, 7 дастгоҳнинг нормасини адо этаётибмиз. Меҳнатимизнинг самарасини кўрганнимиз сари ғайратимизга ғайрат қўшилади. Яқинда трактор прицепини янада мукамаллаштириш—кузовининг ҳажмини катталаштириш йўлини топдик. Энди терим машинаси бункеридаги пахта прицепага ағдарилганда ерга тўкилмайди, нобуд бўлмайди. Бу ғояни министрлигимиз маъқуллади. Заводимиз шу йилнинг IV кварталдан бошлаб, кузовининг ҳажми катталаштирилган трактор прицепларини ишлаб чиқаришга киришади.

Заводимиз рационализаторлар сафи тобора тўлаётгани ҳам қувончлидир. Ишлаб чиқаришда қўлланилган рационализаторлик таклифлари 772 минг 800 сўмлик иқтисодий самара келтирди. Слесарь Шавкат Каримовнинг 7 та рационализаторлик таклифи 1 минг 352 сўмлик фойда берди. А. Ғаффоров, А. Отахўжаев, Т. Мухаммадиев каби рационализаторларнинг ютуқлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадиий журнали



№ 7 (377)  
Июль  
1981

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг нашриёти



Ленин ордени кавалери, 18-цех соловчиси Махмуджон Тешабоев.

Кремлнинг Съездлар саройида ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёрқин ва сермазмун докладини тинглар эканман, шу ҳақда — биз совет кишилари меҳнати тобора ижодий бўла бораётгани тўғрисида ўйладим. Дарҳақиқат, Ҳисобот докладыда уқтирилганидек, «қўл билан бажариладиган, кам малакали ва оғир жисмоний меҳнатни тугатиш бу соҳада фоят муҳим роль ўйнамоғи лозим. Бизда миллионлаб кишилар ҳамон шундай меҳнат билан банд бўлиб турибдилар. Бу фақат иқтисодий проблема бўлибгина қолмай, балки жиддий социал проблема ҳамдир. Буни ҳал қилиш — меҳнатни ҳар бир кишининг энг биринчи ҳаётий эҳтиёжига айлантириш йўлидаги муҳим тўсиқларни йўқотиш демакдир».

Бу доно сўзлар бизнинг кўнглимиздаги муддаони тўла ифодалайди. Ўз тажрибамдан мисол келтирай: кунлик нормам — 85—90 та деталь. Ҳар бир деталнинг оғирлиги 40 кг. Ҳар бир деталь, яъни трактор вилкаси 4 марта қўлимдан ўтади. Демак, 90 та деталь тайёрласам, 14,5 тонна юк кўтарган бўламан. Узоқ вақт бу жаранни механизмлаштириш йўли топилмади. Пиро-

вардида, В. П. Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси конструкторлари янги дастгоҳ яратдилар. Улардан икkitаси ҳозирги 6 дастгоҳнинг ишини бажаради. Лекин авторлар шу дастгоҳларнинг камчиликларини тузатиб, ишга тушириб бермаётирлар. Заводимиз маъмурияти эса талаб қилиб, ишни тезлатмаётибди. Ваҳоланки, Асосий йўналишларга киритилгач, заводимиз ўн биринчи беш йилликнинг қаҳрамонларидан бирига — партия ва давлатимиз, бутун совет халқи диққат марказида турган корхонага айланди. Бинобарин, биз мавжуд имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланишимиз, ҳар жиҳатдан илғор бўлишимиз керак. Зеро, мен янги дастгоҳни ишлаб чиқаришга имконини бори-ча тез жорий этиш тарафдориман. Яна бир таклифим: бир дастгоҳ бузилса, уни тез алмаштириш тадорикини аввалдан кўриб қўйишимиз керак. Ана шунда ишимизда тасодифий узиллишлар содир бўлмайди.

Заводимизда қуюв комплекси фойдаланишга топширилгандан кейин ишимизнинг миқёси янада кенгайди. 1985 йилда корхонамизда 14 минг ишчи меҳнат қилади. Демак, одатдагидек, шогирд тайёрлаш масаласи кун тартибда. 1975 йилгача 30 та шогирд етиштирдим. Кейинги йилларда шогирд тушадиганлар камайди. Бунинг бизга боғлиқ сабаблари ҳам бор. 1968 йилда 500 хонадон заводга ишга таклиф қилинган эди. Бир ой ичида уларнинг ҳаммаси, яъни 500 хонадон уй-жой билан таъминланди. Ҳозир ўша кишиларнинг, боринги, 30 проценти заводда ишлайди. Қолганлари бошқа корхоналарга ўтиб кетган, лекин биз берган уй-жойда яшаётибди. Назаримда, масалани завод манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал эттиш керак: ё ўша ўртоқлар яна завод бағрига қайтсинлар ёки меҳнат қилаётган корхоналари уларни уй-жой билан таъминласин. Бу борада баъзи тажрибалар ҳам мавжуд. Завод маъмурияти ҳақли тарзда талаб қилган эди, 7 хонадон заводга ишга қайтди. Бу масалани тобора мақсадга мувофиқ тарзда ҳал қилиб боришимиз табиий. Заводимизда ишчи сулоалари ташкил топаётгани шундай деб ўйлашга асос беради. Коммунист, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Аъзам ака Мамаюсуповнинг қизлари: Гавҳарой, Турсуной, Лариса, Мавлуда, Райҳоний коллективимизда ҳурмат-эътибор қозонди. Аъзам аканинг Совет Армияси сафида хизмат қилаётган ўғли Олим, кенжа қизи Равшан ҳам тракторсоз бўлиш ниятида. Мамаюсуповлар каби, заводнинг чинакам фидойилари кўпаяётгани, ишчиларимизнинг актив ҳаётий позицияда турганликлари аниқ намоён бўлмоқда. Чунки бутун мамлакатимиз, жумладан, республикамиз бўйлаб ижодий меҳнат жўш урмоқда: Андижон тажрибаси. Тошкент технологияси. Ўн

бешлар ташаббуси. Бу ватанпарварлик ҳаракатлари серкўёш ўлкамиз меҳнаткашларининг 80-йиллардаги қаҳрамонлиги тимсоли сифатида тарихга киради, албатта.

Муҳаммаджон Туробов айтганидек, ана шундай янги туғилган ижтимоий тўлқинларга яна бир қудратли тўлқин қўшилди: бригада методи. СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент Трактор заводи бу илғор ишлаб чиқариш методининг ташаббускорларидан бири бўлиб майдонга чиқди.

Бригада методининг моҳияти нимада? Бошқа ватанпарварлик ташаббуслари каби, етук социализм жамияти меҳнат аҳллариининг бутун истеъдодини тўла рўёбга чиқаришда, замондошларимизнинг ижодий имкониятларига нисбатан чексиз ишончда. Дарҳақиқат, КПСС XXVI съезди материалларида таъкидланганидек, «Совет жамияти — меҳнат аҳллари жамиятидир. Партия ва давлат инсон меҳнати яна ҳам унумли бўлибгина қолмай, шу билан бирга мазмунли, мароқли, ижодий бўлиши учун ҳам кўп куч-ғайрат сарфлаб келдилар ва сарфламоқдалар».

Бригада методи меҳнатнинг унумли, мароқли, ижодийлигини таъминлай оладиган омил сифатида давр талабига тўлиқ жавоб беради. Тошкент Трактор заводининг КПСС XXVI съезди номидаги 31-механика-йиғув цехи тажрибаси шу нуқтаи назардан аниққиса эътиборга лойиқ.

Цех 1979 йилнинг март ойида ташкил этилган. В. И. Ленин номидаги Минск Трактор заводи етказиб берадиган 80 от кучига эга бўлган тракторлар худди шу цехда пахтачилик талаблари асосида модификация қилинади. Бу ерда Минск тракторининг мотори, кабинаси, пардозидан бошқа ҳамма қисмларни янгидан қўядилар. 31-цехда 20 та бригадага бирлашган 400 киши ишлайди.

— КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездида Ҳисобот докладыда кўпчилик совет кишилари ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилаётганликлари, улар жамият бераётган жуда хилма-хил неъматлардан оқилана фойдаланаётганликлари, халқимизнинг бойлигини эҳтиёт қилиб, бойликка бойлик қўшаётганлари таъкидланди, — деди 31-цех технолог-инженери, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Н. Абдуллаев. — Назаримда, мамлакатимиз бўйлаб кундан кунга оммалашиб бораётган бригада методи, нарядсиз система каби янгиликлар замондошларимизнинг энг яхши фазилатлари янада ёрқин ва тўла-тўқис намоён бўлишига ёрдам беради.

— Ҳар бир корхонада бутун коллективни, орақасидан эргаштира оладиган пешқадам кишилар бўлади, — деди цех бошлиғи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Антон Казаков. — Биз ана шундай пешқадамларни — ишнинг кўзини биладиган, шахсий таъсирнинг зўр кучини ўзида мужассамлаштирган ажойиб кишиларни бригадирликка кўтардик. Улар яқдил, катта мақсадларни амалга оширишга қодир коллектив ярата олдилар. Лекин бригада методини тўла қўллана олишлари учун улар муайян тайёргарлик кўришлари зарурлиги сезилиб қолди. Экономика, бригада меҳнатини илмий ташкил қилиш, нормалаш ва ҳақ тўлаш, коллектив психологиясини ўрганиш, техника хавфсизлиги бўйича машғулотлар ўтказдик. 1980 йилнинг бошларида цехимиз ишчилари, инженер-техник ходимлари янги, илғор — бригада методини қўллаш даражасида камол топганини сездик. Ундан қайси участкаларда фойдаланиш маъқуллиги тўғрисида маслаҳатлашдик. Катта мастерлар, меҳнат ва иш ҳақи бюроси, конвейер ва техника бўлими ходимлари бригада методини татбиқ этиш борасида кўп тadbирларни амалга оширдилар. Умумий-ташкилий мажлислар кун тартибларида бригада аъзоларининг бир-бири билан руҳий муносиблиги ҳақидаги масала муҳокама этилди.

— Дарҳақиқат, бригада методи ишчининг энг яхши инсоний фазилатлари юзага чиқиши учун имконият яратади, — деб суҳбатга қўшилди соловчи Носир Йўлдошев. — Чунонки, электриклар бригадасининг 5 аъзоси ҳозир 6 ишчининг топшириғини бажармоқда. Улар, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини 4 йилда бажарамиз, деб аҳд қилдилар.

— Бригада методиде ишлаш учун коллектив ҳар томонлама камолга етган бўлиши керак, — деди мастер Раҳим Йўлдошев. — Бизнинг 2-участка 180 хилдан кўпроқ деталь ишлаб чиқаради. Авваллари бунча детални вақтида етказиб бера олмай қолган пайтларимиз ҳам бўлар эди. Ҳолбуки, деталь кам тайёрланса, иш тўхтади. Шунинг учун кўпгина бошқа участкалардан бизга ҳашарга келар эдилар. Абдусалом Абдукаримов старший мастер бўлдию, иш юришиб кетди. Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир ишчи, мастер, раҳ-



Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, мастер Баҳри Иброҳимов (чапдан), 2-участка мастери, цех партия ташкилоти секретари ўринбосари Раҳим Йўлдошев, соловчи Носир Йўлдошев КПСС XXVI съезди номидаги 26-цехда бригада методи тўла-тўқис жорий этилиши йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Н. ШАРИПОВ фотолари

бар ўз истеъдодига мос ўринда меҳнат қилса, бутун коллектив ютади... Биз, ишчилар, қурувчилар, партиямиз, халқимиз ишончини оқлаймиз, Асосий йўналишларда белгиланган ҳамма вазифаларни ошири билан бажарамиз, чунки пахтачилик, умуман, деҳқончилик муваффақиятини таъминлашдек юксак масъулият бизнинг зиммасига тушгани билан фахрланамиз.

Раҳим Йўлдошев ҳақ гапни айтди. Ишчилар ҳам, қурувчилар ҳам ўз вазифаларини сидқидилдан адо этадилар. Буни ўнинчи беш йиллик натижалари, ўн биринчи беш йиллик дастлабки йили ютуқлари аниқ кўрсатиб турибди. Тошкент Трактор заводи ва Тошкент Трактор қурилиши трести коллективлари ўнинчи беш йилликда тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 1,5 баравар кўп капитал маблағни ўзлаштирдилар, қурилиш сифатини янада яхшилашга ҳаракат қилдилар. Ишга туширилган ва муҳим объектлардаги кучларни ва ресурсларни концентрациялашга, уларни ўз вақтида фойдаланишга топширишга, чала қурилишларни камайтиришга асосий эътиборни қаратдилар. Натижада ўнинчи беш йиллик давомида трансмиссия, шунингдек, темирчилик-пресс корпусларида, бир қанча ёрдамчи объектлардаги янги қувватлар муддатида ишга туширилди. 1980 йилда бошланган қуюв комплекси қурилиши муваффақиятли давом эттирилмоқда. Келажакда у қуюв ишлаб чиқаришининг энг йирик намуналаридан бири — Ўрта Осиёда ягона қуюв комплекси бўлади. У йилига 110 минг тонна қуйма тайёрлайди, трактор цехинигина эмас, Ворошилов номидаги Тошкент Қишлоқ хўжалик машинасозлиги, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик машинасозлиги, Тошкент Агрегат заводини ҳам ўз маҳсулотлари билан таъминлайди. 1983 йилда ремонт-қуюв цехи, ёрдамчи цехлар корпуси, қозон цехи ишга туширилади.

Қуюв комплекси тўла ишга туширилгандан кейин завод ҳозиргидан уч марта кўп маҳсулот ишлаб чиқара бошлайди. Бинобарин, ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси XX съездидаги Ҳисобот докладада айтганидек, ўн биринчи беш йилликда янги машина ва механизмларни жорий этишни тезлаштириш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш зарур. Уларнинг ҳозирги энг юксак талаблар даражасида бўлиши жуда муҳимдир. Демак, Тошкент Трактор заводининг қувватларини 80—100 от кучига ва келгусида 150 от кучига эга бўлган тракторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берадиган даражада ошириш зарур.

Доҳиймиз Владимир Ильич Ленин пахтачиликни оламшумул масала деб баҳолаган эди. Эндиликда Советлар мамлакати, унинг ажралмас бўлаги Ўзбекистон республикаси пахтачилик соҳасида эришган муваффақиятлар жаҳонни тонг қолдирмоқда.

Доҳиймиз Владимир Ильич Ленин бутун мамлакат 100 минг тракторга эга бўлишини орзу қилган эди. Ҳозир биргина Тошкент Трактор заводи пахтачиликка мўлжаллаб ишлаб чиқарган тракторлар миқдори 250 мингдан ошиб кетди.

Доҳиймиз Владимир Ильич Ленин Мирзачўлнинг, Далварзиннинг, Учқўрғон даштларининг ўзлаштирилиши тўғрисида декрет чиқарган эди. Унинг орзулари тўла-тўқис амалга ошди.

«Тонг ёришар-ёришмас тракторимни ўт олдираман. Ғўзага ишлов бераётганда, пахта тераётганда, ё шабада, ё субҳидам, ё офтоб қўлогимга шивирлаб: «Ленин ота назари тушган ерларни обод қилаверинг», — дегандек бўлади. Ҳаяжонланиб кетаман...— деган эди суҳбатларимиздан бирида Бекобод районидagi «1-Далварзин» совхози 1-бўлимининг илғор механизаторларидан бири Абдуқаҳҳор Маматқулов.— Тошкент тракторлари яқин келгусида 100—150 от кучига эга бўлишини билиб, баайни кучимга куч қўшилди».

Асосий йўналишларда уқтирилганидек, Ўзбекистон ССРда ўн биринчи беш йиллик давомида 450—465 минг гектар сугориладиган ерлар фойдаланишга топширилади. Қарши ва Жиззах даштларини ўзлаштириш давом эттирилади. Узумчилик, полизчилик ва мевачилик жадал ривожлантирилади. Пахтачилик уфқлари эса янада кенгайди; йилига ўрта ҳисобда 5,9 миллион тонна, шу жумладан 400—420 тонна ингичка толали пахта етиштирилади. Энг муҳими, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 17—19 процент кўпайтирилади. Бу улғувор режаларни амалга ошириш қийинчиликларининг кўп қисмини Тошкент тракторлари ўз зиммасига олади. Ёрқин истиқболни, унинг шарафли масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда қаҳрамонона меҳнат қилаётган Тошкент тракторсозлари билан учрашганда, биз бунга амин бўлдик.

**Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ**



## БУЮК МУҲАББАТ РАМЗИ

Навқирон Жиззах областининг меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликни ғоят кўтаринки руҳ ва зўр меҳнат иштиёқи билан бошладилар. Қўриқ ерда дур ундираётган чўлқуварлар шу кунларда ҳар қачонгидан кўра ғайрат-шижоат билан ишлаб, республикамизнинг 6 миллион тонналик улкан хирмонига ўзларининг 360 минг тонналик ҳиссаларини қўшиш учун қурашмоқдалар. КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш борасида Дўстлик ва Октябрь, Мирзачўл ва Арнасой, Пахтакор ва Зарбдор сингари қўриқ районларининг барча хўжаликлари ҳамда меҳнат коллективларида социалистик мусобақа авж олиб кетган.

Жиззах областининг ташкил этилганига эндигина ўн йил тўлаётир. Асрлар бўйи қақраб ётган чўл ўрнида қад кўтарган шинам шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар, ям-яшил боғ-роғлар қўли гул совет кишиларининг чўлда мўъжизалар яратаётганликларини тасдиқлайди. Худди шу эзгу ишларга монанд равишда область маркази Жиззах шаҳри ҳам йилдан-йилга гўзал ва обод шаҳар қиёфасини олаётир.

Яқинда Ленин орденли Жиззах областининг меҳнаткашлари яна бир тантанали, қувончли воқеанинг гувоҳи бўлдилар. Шу йил 22 апрелда — В. И. Ленин туғилган куннинг 111 йиллиги айёмида дунё пролетариатининг доҳийси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлатининг асосчисига ҳайкал очилди. Ҳайкал Жиззах шаҳарининг В. И. Ленин номли марказий майдонига ўрнатилди. Бундан буён улкан байрамлар, тантаналар ана шу майдондан бошланади.

Улуғ Лениннинг Жиззах шаҳрига ўрнатилган ҳайкали москвалик ҳайкалтарошлардан РСФСР халқ рассомлари И. Бродский ва В. Дюжев ҳамда СССР Давлат мукофоти лауреати, архитектор С. Одилов ҳамкорлигида яратилган.

Суратда: Жиззах шаҳрининг марказий майдонида қад кўтарган В. И. Ленин ҳайкали.  
Р. СОДИҚЗОДА фотоси

# ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ ИШИГА КАМАРБАСТАМИЗ

Сарвар АЗИМОВ,

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи  
правлениесининг биринчи секретари

## АДИБЛАРИМИЗНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

**У**ЛУГ ЛЕНИН ишининг толмас давомчиси, партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг КПСС XXVI съездига қилган Ҳисобот доклади инсониятнинг жаҳонда мустақкам тинчлик ўрнатиш умидига, ғолиб ва тобора кенгайиб бораётган социализм ҳаракатининг кучига, иқтисод, фан ва маданиятнинг янги парвозига, Совет Иттифоқи халқлари ва барча миллатларнинг ўзаро яқинлашувига қудратли ишонч уйғотди.

Қадрдонимиз Л. И. Брежнев докладининг «КПССнинг халқаро сиёсати ҳақида» сарлавҳали бўлими билан танишар эканмиз, беихтиёр эйни ўзбек пойтахтида туғилган Осие ва Африка мамлакатларининг халқаро адабий ҳаракати, «Тошкент руҳи» деган қанотли ибора ёдга тушди.

Совет ёзувчисининг мафкуравий душманларимиз хуружларига беларво қараб туришга, ер юзининг қайси бурчагида рўй беришидан қатъий назар, империалистлар кирдикорининг хотиржам қузатувчиси бўлишга ҳаққи йўқ.

Бизнинг давлатимиз қудратли, қардош халқларимиз дўстлиги муқаддасдир. Сўз санъаткори мана шу дўстлик ҳақида, совет кишисининг камол топиши тўғрисида, Улуғ Октябрь туфайли қўлга

киритилган ҳаётни ардоқлаётган, уни кўриқлашга ҳамisha тайёр турган ёшлар хусусида маҳорат билан ёрқин ҳикоя қилмоғи лозим.

Кишиларимизда энг яхши инсоний фазилатларни тарбияловчи асарлар ва барча китоблар дўстлик, интернационализм, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик пафоси билан суғорилиши даркор.

Коммунистик реализм асосида ижод қилаётган совет ёзувчисининг вазифаси омманинг бунёдкорлик қудратини юксак бадиият билан тасвирлаш, замондошларимизнинг баркамол образларини яратиш, улардаги олий эътиқод, ғоявий-ахлоқий хислатларни ҳаққоний кўрсатишдир.

Сўнги йилларда ёзувчиларимиз асарларининг тематикаси янада кенгайди. Ишчи ва пахтакор, сув иншооти бунёдкори ва ер ости разведкачилари, олим ва ижодкорлар талайгина китобларимизнинг қаҳрамонлари бўлиб қолдилар.

Лекин жиддий ўйлаб кўришга арзийдиган муаммолар ҳали кўп. Катта камчиликлардан бири — майда, икир-чикир мавзулар атрофида ўралашиб қолишдир. Тор оилавий, маиший турмуш «муаммо»лари тасвирланган китоблар кўп учрайди. Баъзи ёзувчиларнинг фикрлаш уфқи тор, баъзилар доимо ҳам жўшқин ҳаётни тасвирлашга

қунт қилаётганлари йўқ, инженер ва қурувчи, ишчи ва пахтакорнинг қаҳрамонона меҳнати кам акс эттирилмоқда.

Айрим асарлар тилининг қашшоқлиги ва чуч-маллиги кишини ташвишга солмоқда. Шундай очерк ва ҳикояларни, қисса ва романларни ўқиганингда, қаерда пионер, қаерда пенсионер гапирётганини тушунмайсан. Ҳар иккала ўринда ҳам автор сўзлайди. Аммо у фақат ўзига хос тилда, ўзича эмас, ўртача адабий тайғоқ тилида гапирди.

Биз ҳар бир янги китобнинг юзага келишидан қувонамиз. Агар у бунинг устига қизиқарли, маҳорат билан ёзилган бўлса — нур устига нур. Лекин шу пайтгача китоб қандай қийинчиликлар билан нашр этилаётганлигини очиқ айтмоқ керак. «Ёш гвардия» нашриёти ходимларининг гувоҳлик беришича, шеърлар ёки ҳикоялар тўплами ўзининг чиқишини кам деганда тўрт-беш йил кутар экан. Бундай аҳволни қандай тузатиш йўллари ўйлаб кўриш лозим. Ёш ёзувчилар ўзларининг истиқболларини аниқ кўришлари, ўзларига бўлган эътиборни сўзда эмас, амалда ҳис қилишлари лозим.

Коммунистик жамият қурилишининг ҳозирги босқичида партияимизнинг диққат-эътиборида совет кишиси характерини камол топтириш масаласи турибди. КПСС XXVI съезди санъаткорлар олдига ҳам, адабиёт олдига ҳам бениҳоя масъулиятли вазифалар қўйди. Бугунги кунда адабиёт ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ халқ манфаатларини ифодалаш руҳи билан суғорилмоғи зарур, танқидчилик эса бу юксак бурч ҳақида доимо эслатиб туриши керак.

Совет адаби халқ меҳнати ва идрокининг жарчисидир. Иттифоқимиз ёзувчиларининг VII съезди хайрли кунларда ўз ишини бошламоқда. Хайрли нарсанинг заминида ва истиқболда эса барака ётади.

Комил ЯШИН,

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

## СЎЗ — БИЗНИНГ ҚУРОЛИМИЗ

**Ў**ЗБЕКИСТОН ёзувчилари доимо коммунистик идеаллар учун олиб борилаётган курашнинг энг масъул марраларида бўлиб келдилар ва бўлиб келмоқдалар. Ҳа, биз — коммунистларнинг келажакка ишончимиз зўр, биз рақамларни, километрларни, қурилажак биноларни аниқ санаб бера оламиз, ҳатто айтиш мумкинки, кўз олдимизда келажакни тасаввур эта оламиз.

Инсон-чи, у қанақа бўлади?

Бу муаммога санъат жавоб бериши мумкин ва жавоб бериши зарур. Бу инсоннинг асосий

хислатлари ҳозир ҳам кўринмоқда, хаёлий эмас, балки реал инсон — келажакка хос фазилатлар акс этган меҳнаткашда кўринмоқда, чунки бугунги кун ғалабалари ва йўқотишларида, курашларда давримиз тўла намоёндыр.

Ўзбекистон ёзувчилари олдида партиямиз XXVI съезди қўйган замонимиз қаҳрамони — коммунистнинг ёрқин образини яратишдек муҳим вазифа турибди.

Съезд ҳужжатларида санъатда янги изланишлар, ҳаётимизнинг ҳаққоний тасвири, ҳозиржавоблик, мақсад сари изчил интилиш намоён бў-

лиши зарурлиги таъкидланди. Биз адабиётимизни етук, ҳаққоний, кўпқиррали ҳолда кўришни истаймиз.

Ҳозир, буржуа мафкурачилари ҳужум ўтини бизга қаратган пайтда ҳар қандай йўл, ҳар қандай восита билан бўлса-да, ғанимларимиз бутун мамлакатимиз меҳнаткашлари онгини заҳарлашга интилаётган, ҳаққоний жамият қуриш учун курашаётганларни йўлдан уришга уринаётган бир даврда, биз — ёзувчилар, рассомлар, шоирлар, драматурглар, санъат арбоблари ўз меҳнатимиз билан уларни фош этмоғимиз, ҳар бир инсон онгига тинчлик, тинчликни сақлаш учун изчил ва собитқадамлик билан курашаётган партиямиз ҳақидаги ҳақиқатни етказишимиз даркор. Биз болаликдан «Шоир бўлмаслигинг мумкин, аммо гражддан бўлишинг шарт», деган ақидани хотирамизда сақлаб келамиз.

Биз ўз қуролимиз — оташин ёзувчилик сўзимизни ғоявий муҳолифларимиз тарғиботига қатъий қарши қўямиз.

Александр УДАЛОВ,

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

## МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

**М**ЕҲНАТИНГ билан одамларга қувонч келтириш — бу буюк бахт.

Масъулият ҳисси — бизнинг партиямиз олдидаги, халқимиз олдидаги биринчи галдаги бурчимиздир.

Ўзбекистонда рус ёзувчиларининг катта ва

кучли отряди меҳнат қилмоқда. Кўпларнинг номи аллақачон Бутуниттифоққа танилган, улар кенг китобхонлар аудиториясига эга. Москвада М. Швердиннинг бир қанча романлари катта нусхада нашр этилди. Б. Пармузин «Воениздат»нинг домий муаллифларидан ҳисобланади.

О. Сидельников, Г. Реськов ва Н. Морозов ҳамкорликда яратган «Хукм ижро этилди» китоби учун яқинда СССР Ёзувчилар союзи, СССР Ички Ишлар министрлиги Бутуниттифоқ конкурси махсус ёрлиги билан мукофотландилар.

Н. Сафаров ва Ю. Ковалев, Ҳ. Фулом ва В. Тюриков сингари ёзувчиларнинг ижодий ҳамкорликларини қузатиш эса ҳаммамиз учун ҳам қувончлидир. Бу адибларнинг республика бўйлаб биргаликда қилган сафарлари бир қанча муҳим ҳаётий муаммолар кўтарилган очеркларни юзага келтирди, ўйламанки, бундай ҳамкорликни ҳар томонлама табрикламоқ ва рағбатлантирмоқ лозим.

# ЁЗУВЧИ МЕҲНАТИ— МАТОНАТЛИ МЕҲНАТ

**П**АРТИЯМИЗНИНГ Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади, партиямиз XXVI съезди материаллари ҳозирги давримиздаги энг муҳим, энг буюк ҳужжат, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатидаги ғоятда порлоқ йўл, ишимизда дастуриламалдир. Бу ҳужжат бошқа соҳалар қатори Совет адабиётининг келгуси камоли ва тараққиётига ёрқин йўл очиб беради,— деди ўртоқ Ш. Р. Рашидов.— Дунёда энг инсонпарвар ва ҳаққоний адабиётимиз яна ривож топади. Бу буюк ҳужжатни биз ўрганиб, чуқур мутолаа қилишимиз керак, мамлакатимиз, халқларимиз ҳаёти ва равнақи ҳақида асар ёзар эканмиз, бу улғу ҳужжатни теран ўрганмай туриб, ҳавас қилиб ўқиладиган, баркамол яхши асар ёзиб бўлмайди. Ёзувчи киши замондан, сиёсатдан узилиб яшолмайди. Биз замонамиз, башарият афкор оммаси ҳаёти ва ку-

рашини кузатар эканмиз, В. И. Ленин ва Л. И. Брежнев асарларини ўрганишимиз ижодга равнақ, адибга камол беради. Дунёда ҳеч қачон халқ дарди, ватан тақдири билан қизиқмаган, ёнмаган гуманист адиб бўлмаган.

Адабиёт ҳамма вақт энг яхши, ҳаққоний асарлар ҳисобига бойиб келган. Кўпчиликни ташкил этувчи чинакам талант эгалари, заҳматкаш ёзувчиларимиз борлиги сабабли ҳам ўзбек социалистик адабиётимиз Иттифоқ миқёсида янграмоқда, ўз қобилигимизга ўралиб қолганимиз йўқ. Бунинг учун партияга ташаккур айтаемиз!

Партиямиз съездларидан кейин Ёзувчилар союзимиз яна ҳам қад кўтариб, адабий ҳаёт жонланиб кетди. Осууда кўл бўлиб, сал-пал тўпанак босган Ёзувчилар союзимизга баланд тоғлардан оқиб тушган мусаффо сой ва шалолалар

Асқад МУХТОР,  
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

## ТАРЖИМАЧИЛИК— МУҲИМ СОҲА

**Р**ЕСПУБЛИКАМИЗДА анча йил муқаддам таржима бўйича С. Шермухамедов раислигида республика комиссияси тузилган эди, аммо вақт ўтиши билан тарқаб кетди, ҳолбуки, уни ҳеч ким тугатгани йўқ, уни ҳаётнинг ўзи инкор этди.

Таржимачилик соҳасига ўзгартиришлар киритишни эртaroқ англаган айрим республикаларда диққатга лойиқ бир мунча тажрибалар ҳам бор. Грузин ўртоқларнинг айтишича, Грузия ССР Министрлар Совети ҳузурида таржима бўйича маош олиб ишлайдиган ўнларча мутахассислардан иборат редакция коллегия ташкил этилган. Бу омилкор редколлегия ўз адабиётини қандай

синчиклаб ўрганиб, китобларни таржима учун ажратса ва тавсия этса, Иттифоқимиздаги бошқа барча адабиётларни ҳам, жаҳон адабиётини ҳам худди шундай ўрганиб таржимага тавсия қилади. Улар таржима савиясини яхшилаш чораларини белгилайдилар, йирик илмий-ижодий мунозаралар уюштирадилар, таржимонларни бутун мамлакатга — асарлари таржима қилинаётган адиблар ватанига сафарга жўнатадилар, таржима назарияси ва мактабини яратиш билан шуғулланадилар.

Зотан, замонамизда бадий таржима энди фақат адабий меҳнат тури бўлиб қолмай, Ёзувчилар союзларининг салкам ярим ижодий маҳ-

Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,

«Юность» журналининг бош редактори ўринбосари

## ЁШЛАР—КЕЛАЖАГИМИЗ

**Б**ИЗНИ Ўзбекистонга яқинлаштиришда улкан хизмат қилган барча ёзувчиларни санаб ўтирмайман, мен фақат Ш. Р. Рашидов китоблари ва Зулфиянинг шеърий мажмуаларини тилга олиб ўтмоқчиман.

Назаримда, ўзбек адабиёти, сўнги йилларда бадийят ва инсонпарварликнинг ажойиб дово-ларига кўтарилди, замондошларимиз маънавий дунёсининг теран бағрига кириб борди.

Ёшлар — бу эртанги кунимиз. Мени Ўзбекис-

Рамз БОБОЖОН,

СССР Давлат мукофоти лауреати

## САДОҚАТИМИЗ—ЧЕКСИЗ

**Ё**ЗУВЧИ столи — унинг асосий иш жойи. Лекин адиб бу столга фақат ленинча партия ишига, улғу меҳнаткаш — совет халқига ўз қалами билан астойдил хизмат қилиш истаги бутун юрагини тўлқинлантирган тақдирдагина ўтириши мумкин.

Ўзбекистон Ёзувчиларининг VIII съезидан

кейин Союзимиз ҳаёти республикамиз истиқболлини белгилаб берган Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди, бутун Ватанимиз тўғрисида улкан ғамхўрлик кўрсатган, жаҳон тинчилиги ва прогрессив инсоният қудратини мустақамлашга интилган КПССнинг тарихий XXVI съезди воқеалари билан чамбарчас боғланиб кетди.

ҳаёт ҳамда гўзаллик бағишлади, адабиётдек соф денгизимиз яна тўлқин отиб кетди.

Бу жуда яхши! Буни халқ сезиб турибди.

Ёзувчи меҳнатининг пахтакор меҳнатидек ғоятда жиддий ва матонатли эканини кўп айтдик, лекин баъзида дўстларимиз анча хом, ишланиши керак бўлган қўлёмалар олиб келадилару редакция ходимлари фикрини эшитишни хоҳламайдилар. Муаллиф жиддий иш олиб бормас экан, хижолатбозлик, шикоятбозлик бошлана беради.

Адабиёт ниҳоятда мураккаб бир ижодий жараёнлики, у — тинимсиз меҳнат, тажриба, изланиш, қайта ёзиш, соатларча хаёл суриш, одамлар ичига бориш, ўйлаш, манбаларни излаш, ўқиш, ҳаяжон ва баъзан ниҳоятда босиғлик билан ёзиш, қайта кўчириш, таҳлил, имлони тўғрилаш ва яна ёзиш, қидириш демакдир. Бу гап ёши катга оқсоқолларимизга жуда таниш ва маълум, улар ҳамма вақт бу гапни бизга такрор-такрор айтиб келишган. Адабиётимиз катта авлоди бу гўё қора иш деб аталган меҳнатдан ҳеч қачон қочишган эмас. Фақат меҳнат, ҳаёт илҳоми уларга маҳорату камол берди, улар адабиётимиз фахри бўлиб қолдилар. Оқсоқолларга ҳурмат, ёшларга меҳрибонлик совет ёзувчиларига хос фазилатлардан биридир.

Биз жонажон партиямизни ишонтириб айтмизки, ҳамма вақт катта энергия билан ишлаганимиздек, бундан кейин ҳам ғайрат билан ишлаймиз, қалбимиз кўри халқимизга бағишланади.

сулотини ташкил этган бутун бир соҳадир. Шу сабабли мен, энг аввало, шундай конкрет таклиф киритмоқчиман: бадий таржима бўйича Ёзувчилар союзи секретари лавозими таъсис этилсин!

Ўзбек адабиёти ҳозир асосан сўзма-сўз таржима орқали бошқа тилга ағдарилади. Шу сабабли бизда сўзма-сўз таржималар сақланадиган кутубхона ҳаракатга тушмоғи керак. Бу кутубхона фонди ҳар йили юқори савиядаги янги сўзма-сўз таржималар ҳисобига бойиб бориши зарур.

Болгиқбўйи республикалари ҳар бир съезд олдидан ўз шоирлари ўтган беш йилликда яратган шеърийнинг энг яхши намуналаридан икки-уч томлик сўзма-сўз таржималарни кўп миқдорда нашр эттирадилар. Бунда янги нусха кўпайтириш техникаси ҳеч қандай қийинчилик тўғдирмайди, бироқ ҳар бир халқ шоири таржима қилиши учун бу китоблардан ўзларига маъқул асарларни ажратиб олиш имконига эга бўлади.

Украинада энг яхши таржимонлар учун ҳатто иккита — Павло Тичина ҳамда Максим Рильский номларида мукофотлар таъсис этилганлигини биз яхши биламиз. Мана шунга ўхшаш тадбирлар таржима ишларининг кейинги равнақини белгилаб беради, деб ўйлайман.

тонда ёшлар журналини нашр этиш тўғрисидаги хоҳиш жуда қувонтирди, агар шунга эришилса, мен «Юность» 25 йил давомида орттирган тажрибани ўртоқлашиш учун журналининг бутун коллективини сафарбар этишга ҳам тайёрман.

Ўзбек адабиёти мавжуд барча анъаналарни зарра-зарра йиғади, энг муҳими, совет даврида туғилган янги анъаналарни юксалтиради. Халқлар дўстлиги тўғрисида кўп гаплар айтилган КПСС XXVI съезди бизнинг худди мана шу — халқларимиз бирга яратган социалистик маданиятни, сиз билан биз бунёд этган санъатни, ота-боболаримиз яратган, бугун хизмат қилаётган адабиётни бойитишга чақирди.

Республикамизда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталик газетасининг пайдо бўлишини биз қутлаймиз. Бу КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларининг ҳаётбахш самараларидан биридир.

КПСС XXVI съезидан кейинроқ Союзимиз ташаббус билан чиқди. Республикаимизда Бутуниттифоқ Бадий адабиётни пропаганда қилиш Советининг кўчма пленуми ўтказилди, партиямиз буюк анжумани қарорларини таниқли ёзувчилар — совет адабиётининг кўпмиллатли вакиллари отряди томонидан тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистонда Совет адабиёти кунлари байрам қилинди. Бу кунлар «Ёзувчилар меҳнати — партия ва халққа» шиори остида ўтди. Биз ўн биринчи беш йиллик мобайнида худди мана шу шиор остида ишлаймиш даркор.

## ТАШВИШИМИЗ — ХАЛҚ ТАШВИШИ

**Қ**ОРАҚАЛПОҒИСТОН ёзувчиларини ҳам-ша диёримиз тақдири, унинг иқтисодий равақи ҳаяжонлантириб келган ва бундан

кейин ҳам уларни тўлқинлантираверади. Демак, бу — денгизимиз, Оролимиз тақдири ҳамдир. Орол яшаса, бизнинг бутун ўлкамиз гуллаб-яш-

найди, тараққий этади. Бироқ бугунги кунда биз фақат Ўзбекистоннинг денгиз шифохонасинигина йўқотаётганимиз йўқ, балки республиканинг улкан балиқчилик корхоналарини ҳам бой бераётимиз, сувсиз Устюрт билан икки бепоён сахро — Қорақум ва Қизилқум учрашган жойдаги содиқ иқлим қўриқчисини йўқотаётимиз. Чунки Орол денгизининг суви йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Айниқса, Қорақалпоғистонга жуда ҳам тааллуқли бўлган атроф-муҳитни асраш муаммолари биз — ёзувчиларни ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Аминманки, аниқ ифодаланган ва асосланган, ёзувчининг ҳаққоний сўзи билан янада кучаяжак жамоат овози янги асарларимизда ҳам янграйверади.

С. СИРОЖИДДИНОВ,

Ёзувчилар союзи Самарқанд бўлимининг секретари

## ФАОЛЛИГИМИЗ ОШДИ

**О**БЛАСТИМИЗ ёзувчилари КПСС XXVI съездининг илҳомбахш қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун янги куч би-

лан тўлиб-тошганлар. Съезд ўтаётган кунлардаёқ улар колхоз-совхозларда бўлдилар, кўплай умумхалқ митингларида қатнашдилар, партия

анжуманида иштирок этган кишилар ҳақида очерклар ёздилар.

Ун биринчи беш йиллик вазифаларини Самарқанд области меҳнаткашлари тўла ва ошириб адо этишларига бизнинг ишончимиз комил. Зотан, ҳозир ҳар бир киши, у ишчими, пахтакорми, куч-ғайратга тўлган, илҳоми жўшган пайт. Биз — ёзувчилар эса асарларимизда халқимизнинг қаҳрамонона меҳнатини акс эттиришимиз зарур.

Раҳмат ФАЙЗИЙ,

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

## САФАРБАРМИЗ

**Ў**ЗБЕКИСТОН Ёзувчилар союзи Авторлик ҳуқуқи бўйича Бутуниттифоқ агентлигининг Ўзбекистон бўлими совет кишиларининг меҳнат ғалабалари тасвирланган, ривожланган социализм жамиятининг эстетик ва ахлоқий идеаллари илгари сурилган, Улуғ Ватан урушида қаҳрамонона жасорат кўрсатган совет халқининг фидокорлиги акс этган ўзбек совет

бадий адабиётининг энг яхши намуналарини саралаб олмоқда ва чет элларда тарғиб этмоқда.

1947 йилдан 1981 йилгача бўлган даврда бадий асарлар экспорти бўйича 62 шартнома имзоланди. Улар орасида Ойбек, Ғафур Ғулом, Шароф Рашидов, Уйғун, Зулфия ва бошқа адибларнинг асарлари бор..

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи

ва Авторлик ҳуқуқи бўйича Бутуниттифоқ агентлигининг Ўзбекистон бўлими ҳамда республикамизнинг барча нашриётлари ЎзССР нашриётлар Давлат комитети билан биргаликда шу йил 2—8 сентябрда Москвада ўтажак халқаро китоб кўргазма-ярмаркасига қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Чет эл ноширларига тавсия этиш учун 30 дан зиёд номда бадий адабиёт асарлари ажратиб олинди.

Авторлик ҳуқуқи бўйича Бутуниттифоқ агентлиги Ўзбекистон бўлими коллективи КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ўзларининг бутун кучларини сафарбар этадилар.

Георгий ВЛАДИМИРОВ,

«Звезда Востока» журналининг бош редактори

## ТАРИХ ВА ЗАМОНА

**Ў**ЗБЕК ёзувчилари ҳозирги адабий жараёнда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Асқад Мухторнинг «Бўронларда бордек ҳаловат...» қиссаси, Мирмуҳсиннинг «Чотқол йўлбарси», Иброҳим Раҳимнинг «Инсон қандай

тобланди» романлари, Пиримқул Қодировнинг «Мерос» қиссаси, адабиётимиз ёш авлоди вакилларининг энг яхши ҳикоялари фикримизнинг ёрқин исботи.

Замондошимиз руҳий оламини теран тадқиқ этиш борасидаги ижодий изланишлар прозамизнинг муҳим белгиларидир.

Айтиш мумкинки, кейинги ўн йилликда ўзбек халқи тарихига қизиқиш сезиларли даражада ўсди. Назир Сафаровнинг автобиографик «Наврўз», Мирмуҳсиннинг «Меъмор», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романлари шулар жумласидандир. Аммо шуниси характерлики, сўнгги йилларда тарихга мурожаат этган айтиш шу ёзувчилар санъаткорона кўз билан замонавий муаммоларни ҳам кўтариб чиқмоқдалар. Бу адибларнинг кунларимиз талаби билан ёзилган бир қанча очерк, қисса ва романларини эслашнинг ўзи кифоядир.

Туроб ТўЛА,

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

## КўНГИЛ ЭҲТИЁЖИ

**К**ЕЙИНГИ даврда қишлоқ меҳнаткашлари билан алоқамиз кучайди. Ўзбекистоннинг барча жойларида қишлоқ қурилиши кенг тус олган ва, бизга яхши маълумки, республикамиз Компартияси Марказий Комитети ҳамда шахсан ўртоқ Ш. Р. Рашидов қишлоқ тур-

муши маданиятини юксалтириш тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Ёзувчилар билан қишлоқ аҳолиси ўртасида мунтазам учрашувлар ўтказилиб турилиши ўзбек қишлоқ маданиятининг энг ёрқин аломатларидандир.

СССР Адабиёт пропагандаси бюросининг кўч-

ма пленуми ва Совет адабиёти кунлари шаҳар ҳамда дала меҳнатчиларининг руҳий эстетик озиққа эҳтиёжи нақадар кучлилигини яна бир бор тасдиқлади.

Совет кишиларининг адабиётга, маънавий бойлик ижодкорларига қизиқиши жуда кучлилигини кўрсатувчи далиллар кўп. Агар ёзувчилар совет китобхонлари ҳурмати ва муҳаббатига худди адабиёт мухлислари каби меҳру муҳаббат билан жавоб қайтармасалар, кечириб бўлмас иш бўлар эди.

Мамлакатнинг катта ҳаётига аралашуш, халқ иши билан яшаш, партиянинг чинакам кўмакчиси бўлиш — бу, ёзувчиларимизнинг қатъий позицияси, бу, ҳар бир сўз устаси учун улкан шарафдир.

# БАҲОР ЛАҲЗАЛАРИ

## Саболар ўйини

Баҳорқиз табассум айлади,  
Қиш эса ёшлади кўзини.  
Бинафша малика сайланди,  
Қор ташлар тарновдан ўзини.

Эшигим очилди. Ким бўлди?  
Келди у оҳиста гул билан.  
Келди-ю кетди у, жим бўлди.  
Не деди, билмадим, шу билан.

У очиқ қолдирди хонамни,  
Кирдилар шивирлаб саболар.  
Юр, деди кезайлик оламни,  
Тинглагин баҳорий саболар.

Тоғларнинг бошига борди ул,  
Уйғотди ирмоқни уйқудан.  
Биргина нидога зор-ди гул,  
Лаб очди — чиқди у тугундан.



Саболар кетдилар сар-сари,  
Қўлида не эди нопормон?  
Ул излар боғларнинг сарварин  
Излар у, билмадим, топарми?

Саватча ушлаган келинга  
Не дер у, соҳилга бошлайди.  
Яшиллик, нурга ўч элимга,  
Гуллардан қаламча ташлайди.

Сўнг аста уйғотар бобони,  
Тур деҳқон, она ер кутмоқда.  
Ахир сен боқарсан дунёни,  
Дунёлар ундириб куртакдан.

Дастхат бит зафардан, эҳсондан,  
Юрт тўлсин, эл қилсин дилшодлик.  
Таъзимлар этай сен инсонга,  
Тилай мен ободлик, ободлик.



## Жилғалар

Диққинафас бўлди жилғалар,  
Қачон эрир оқ дубулғалар?  
Қуёш кўкдан бир қараб ўтди,  
Илиққина нур тараб ўтди.

Жилғаларга тушди ҳаяжон,  
Юр, ўртоқжон, уйғонар жаҳон.  
Уйғонса не ажаб шу куйдан  
Асрий тоғу тошлар уйқудан.

Тоғлар ўрар зар сунбулларин,  
Чорлаб ошиқ жўр булбулларин.  
Жилға ювиб тоғлар тошини,  
Олиб кетар қаён бошини?

## Анҳор

Энтикар анҳорлар тўлқинлар ичра,  
Энтикар соҳиллар ўлғинлар ичра,  
Булутлар булутни ўтар опичлаб,  
Туғёнли анҳорни титар чекичлаб.

Одобда турарлар унсиз қирғоқлар,  
Ўтса ҳам жонидан бу хил қийноқлар.

Тўлқинлар минг дарда ёнур, тўлғонур,  
Соҳиллар уйқудан аста уйғонур.

Сокинлик, шўхликни мен бирга қўшиб  
Анҳорга термулиб тинглайман кўшиқ.  
Баҳорқиз ўтарди анҳор ёқалаб,  
Гулдирак йўрттарди отин тақалаб.

## Бойчечак

Осмонда ой чечак, ой чечак,  
Заминда бой чечак, бой чечак.  
Бойчечак болалар кундузлар,  
Ойчечак боласи — юлдузлар.

Бир тутам бойчечак бойланар,  
Бир олам сурурга айланар.  
Ўпар у қизларнинг лабини,  
Йигитнинг пинҳоний гапини —

Етказар бойчечак сулувга,  
Айланар иштибоҳ — ғулугва.  
Кўкда ой, заминда бой чечак,  
Мангуга бунда қол ҳой, чечак!



## Шодлик ва ғам

Шод онингда ҳаммаёқ ёруғ,  
Ҳатто тунлар чироқли.  
Журъат ўзин тутмайди дариг,  
Ёндираган фироқни.

Ғам келганда туман тўсади,  
Равонгина йўлингни,  
Тутқун бўлган юрак қисади,  
Кишан чирмар кўлингни.

Шодлик укпар қаноти билан  
Олиб учар сени самода.  
Орзуларнинг сайёди билан  
Сен кетасан улкан кемада.

Ғурбат келиб, қиличи билан,  
Бор вужудинг қилади пора.  
Андуҳ деган хивичи билан,  
Оқ тонгларинг қилади қора.

Шодмиз, нечун мудроқ ичрамыз —  
Уйқуларда ўтар кўп кунлар.  
Ғам кўрганда бизнинг кўчамиз  
Ҳар сония — улкан юк бўлар.

Соат сўзлаб турар чиқиллаб,  
Ҳар он дилга тортади чизиқ.  
Азиз ҳислар оқар чакиллаб,  
Ҳар томчи ул — умрнинг ўзи.

## Ҳамон билмайсиз

Сизга бўлган ҳурматимни ҳамон билмайсиз,  
Ҳурмат дея ғурбатимни ҳамон билмайсиз.  
Буюк ғурур асрамоқлик қудрати менда,  
Жон ўрнида суратимни ҳамон билмайсиз.

Денгиздирман, тўлқинларим ўзимга аён,  
Оташдирман, ёлқинларим ўзимга аён.  
Оташ ёқиб, ўт тўлқинлар оқизмоқ истар,  
Бу — дафтарга битган ўтли сўзимга аён.

Мен сўзимни авайладим, елга отмадим,  
Ой мисоли тўлмай туриб ерга ботмадим.

Ёқам тутдим, нурни исроф айласалар ким,  
Туйғу — кимё, тарозуда ўлчаб тортмадим.

Туйғу — кимё, тарозуда тортиб бўлмайди,  
Лоқайд айтган сўзнинг тошдан фарқи бўлмайди,  
Ҳурматларнинг осмонида яшаймиз энди,  
Юрак буюрмаган сўзни айтиб бўлмайди.

Ғийбатга солсангиз қулоқ, эслаб қўярсиз,  
Ёмондан олсангиз сабоқ, эслаб қўярсиз.  
Ҳаёт — денгиз, дур — остида, хор-хас — устида,  
Бўлса гоҳи ҳаёт жумбоқ, эслаб қўярсиз.

## Нечун яна...

Нечун ҳаргиз хаёлингиз тинчлик бермайди,  
Аҳволини сўзламас ҳам, аҳвол сўрмайди.  
Уйлайсизки таъқиблардир унинг билгани,  
Бу кўнгилнинг уйи асли бусиз тўлмайди.

Орзуларин қанотида сақлар, билмайсиз,  
Маҳзун кечган дамларида алқар, билмайсиз.  
Сиз илғамай, дил пинжида қолдирган дурни,  
Ул кўксига ноёб қилиб тақар, билмайсиз.

Ёнган дилми, қоғозмиди унинг ўтида,  
Қалам битган сўзлармиди дафтар бетиди.  
Сўзлар эмас, инжу эди денгиз яратган,  
Энди эса хазинадир олтин қутида.

Буни ул айтмайди, хаёл аён айлайди,  
Хаёллари васлу висол баён айлайди.  
Бир ҳовуч нур олиб қайтар остонангиздан,  
Офтоб чиқар бўлса, ўзин шоён айлайди.

## Тўй ўлани

Андижоннинг сойига  
Тушди тилло узугим,  
Бунча тўкин-сочиндир  
Ўзбекистон кузаги.

Ўзбекистон кузига  
Тўйларимиз ярашиқ.  
Тўй тўрида келиннинг  
Бунча нозли қараш.

Қарашидан ўт ёнар,  
Кулгусидан гул унинг.  
Бахт-иқбол ҳаёда этар  
Замонамнинг ҳар кун.

Кувё кўнгли мисли тоғ  
Севган гули ёнида,  
Май сипқарар — масрур, шод,  
Муҳаббатнинг жомида.

Тўйда машъал ёндириб,  
Гул улашинг, яхшилар.  
Алёр, ғазал, соз ила  
Ишқ сўйлашинг, бахшилар.

# П А Р В О З

«Қарши ва Жиззах даштларини ўзлаштириш давом эттирилсин. 450—465 минг гектар сугориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин. 1,5 миллион гектар яйловга сув чиқарилсин».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан).

**Х**ОЛБУВИНИНГ чўлга отланиши қандайдир фавқулодда юз бергани йўқ. Газета-журналларни ўқиб юриб, чўлқуварлар ҳаётига қизиқиб қолди. Шифокор бўлиб ишлаб туриб, механизаторлик курсида ўқиди. Ёшлик романтикаси чўлда жасорат кўрсатишга ундади. 1975 йилнинг май ойи эди. Кечга яқин хизматдан қайтган Холбуви дастурхон устида аясига маслаҳат солди:

— Тунов кунги гап бўйича чўлга бориб келмоқчиман...

— Қачон, ҳозирми?— деб сўради Мунаввара опа қизининг шу пайтда йўлга тушишдан чўчиб.

— Йўқ, аяжон, бугун эмас... Эртага навбатчилигим йўқ. Барвақт туриб кетмоқчиман.

— Қайси районда девдинг ўша совхозни?

— Ульянов номли совхоз-да. Жиззах чўлида очилган биринчи хўжалик... Узоқ эмас, аяжон, Ҳамид Олимжон номли колхоз ерлари тамом бўлган жойдан ўша совхоз бошланади. Жиззах аэропортининг кунчиқар тарафида.

— Хайрият, жудаям узоқ эмас экан,— деди Мунаввара опа кўнгли таскин топандек.— Бахтингни берсин, қизим. Сен менинг ҳам қизимсан, ҳам ўғлимсан. Олти ёшингда отадан етим қолдинг. Лекин етимлик нималигини билдирмай ўсирдим сени. Уқитдим... Мана ҳозир оқ-қорани ажратадиган, яхши-ёмонни танийдиган ёшдасан... Майли, йўлинг оқ бўлсин, йўлдошинг ҳақ бўлсин, қизим. Уткиржондан хавотир олма, неварам ўзимнинг бағримда ўсаверади.

Қизи бундоқ қараса, Мунаввара опанинг киприклари тўла ёш.

— Нега йиғлаяпсиз, аяжон?— деди Холбуви кулиб.— Сиз рози бўлмасангиз бормайман чўлга.

— Йўқ, боравер, қизим. Аммо ўзингни оғир меҳнатга чоғлаб бор. Инсон ўз қадрини меҳнатдан топади. Чўлда ишлаб, озгина номинг чиқса, сенинг ҳам, менинг ҳам обрўйимиз.

— Тушунаман. Панд-насиҳатларингиз ҳамиша ёдимда бўлади, аяжон...

\* \* \*

Совхоз директори идорада йўқ экан. Холбуви бош агроном Йўлдош Зоҳидовга учрашди.

— Келинг, синглим. Хўш, хизмат?

— Ўтирсам майлими?— деб сўради қиз.

— Ўтиринг,— деди Йўлдош Зоҳидов хиёл жилмайиб. «Жуда шаддод қизга ўхшайди»,— дея ўйлади ўзича.

— Совхозга ишга кирмоқчиман,— деди Холбуви стулга ўтирар экан.

— Қасбингиз нима?— деб сўради агроном.— Сизни қаердадир кўрганга ўхшайман.

— Кўрган бўлишингиз мумкин, Жиззах область касалхонасида ишлайман,— деди Холбуви.

— У ердан нега бўшадингиз?

— Ҳали бўшаганим йўқ. Бу ерга ишга ўтсам, кейин бўшайман-да.

— Совхозда меҳнат очибга тайёргарлик бор, синглим...

— Мен бу ерга ҳамшира бўлиб эмас, чўлқувар бўлиб келмоқчиман. Ишдан ажралмаган

ҳолда механизаторлик курсини битирганман. Дипломим бор.

Бош агроном бир муддат ўйлаб ўтирди-да:

— Бир ойлик синов муддати билан слесарликка қабул қиламиз,— деди.— Хўп десангиз, директорга ўзим тушунтираман.

— Майли, слесарь бўлиб ишлай.

Йўлдош Зоҳидов Холбувига қоғоз билан ручка узатди.

— Директор номига ариза ёзинг...

Холбуви Рустамованинг чўлқуварлик фаолияти ана шундай бошланди. Уша йили у совхоз гаражида салкам уч ой давомида слесарь бўлиб ишлади. Август ойида Холбувиға эндигина заводдан келтирилган пахта териш машинаси топширилди. Чўлқувар қиз бир неча кун давомида машинасини созлади. 8 сентябрь куни совхоздаги бошқа механизаторлар қатори машинада пахта теришга тушди. Мавсумда «зангори кема» бункеридан 70 тонна «оқ олтин» тўқди...

Лекин, баъзан, ҳар қандай одам ҳам кайфият билан боғлиқ бўлган— жуда нозик дақиқаларни бошидан кечиради. Ушандай пайтда бирор маслаҳатгўй топилса яхши. Акс ҳолда, инсоннинг келажаги, тақдири бутунлай ўзгариб кетиши ҳеч гап эмас.

Холбувида ҳам шундай ҳолат юз берди. Ўз ишидан кўнгли тўлмай юрган экан шекилли, кеч кузда чўлдан кетиш ҳаёлига тушиб қолди. Уша кунларнинг бирида ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиб, совхоз бош агрономи Йўлдош Зоҳидов ҳузурига кирди.

— Нега бундай қарорга келдингиз?— деб сўради агроном.

— Пахта теришга келгуси йили келарман,— деди Холбуви нима дейишини билмай.— Унгача зора анови уйлар ҳам битиб қолса... Аям билан ўғлим ҳар замонда келиб турар эди.

Йўлдош Зоҳидов ўйлаб қолди. «Ҳаво совиб боряпти,— деб ўйлади у.— Шийпонлар иситилмаяпти... Чўлқуварларга иссиқ уйлар керак».

— Совхоздан кетмайсиз,— деди агроном.— Ҳозирча ётоқхонадан битта хона берамиз. Чўлга керак одамсиз. Сиз ҳақингизда директорнинг ҳам, бўлим бошқарувчисининг ҳам фикри дурст. Яхшиси, совхоздан йўлланма қоғоз берайлик, институтнинг сиртки бўлимига кириб олинг.

— Қайси институтга?— деб сўради Холбуви.

— Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтига.

Холбуви жим туриб қолди. Назариди унинг учун келажақдаги ёрқин уфқларнинг эшиги энди очилаётгандек туюлди. Йўлдош Зоҳидов қизнинг ишдан бўшаш ҳақидаги аризасини йиртиб, хона бурчагидаги сим саватга ташлади...

Ноябрь ойида Холбуви Рустамова институтда кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширди. Бир ой ўқиб, совхозга қайтди.

1976 йил бошқа чўлқуварлар сингари Холбуви учун ҳам яхши келди. Январ ойида уни пахтачилик бригадасига бошлиқ қилиб тайинладилар. У ўз бригадаси аъзолари билан ҳамкорликда 50 гектар ердан мўл ҳосил олиш тарафидида эрта кўкламдан кураш бошлади.

Август ойида чўлқувар қиз КПСС аъзолигига кандидат бўлди. Бундай ишонч Холбувининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди... Уша мавсумда унинг бригадаси ҳар гектардан пландаги 17 ярим ўрнига 35 центнердан пахта топширди. Рустамованинг ўзи терим машинаси бункеридан 150 тонна «оқ олтин» тўқди.

Уша йили октябрь ойи охирида ёнғингарчилик бошланиб кетди-ю, терим машиналари пайкалларга киролмай қолди. Шийпонлар ёнида кўрак чувиш машиналари ишга тушди. Пахта топшириш суръатини пасайтирмаслик— барчанинг мақсад-муддаосига айланди. Шундай кунларнинг бирида Жиззах область партия комитетининг иккинчи секретари Е. А. Клемёнов Октябр ва Пахтакор районларидаги бир неча хўжаликларда бўлиб, тунги соат уч-тўртларда Ульянов номли совхоздан ўтиб қолди. Тасодифан бир шийпон ёнида ишлаб турган кўрак чувиш машинасини кўрди. Бригада боғбони Убайдулла ота уйқули кўзларини уқалаб энгил машинага пешвоз чиқди.

— Ворох ёнида ишлаётган йигит ким?— деб сўради обком секретари.

— Йигит эмас, Холбуви,— деб жавоб берди қария.

— Холбуви?

— Ҳа. Бригадиримиз.

Обком секретари кўрак чувиш машинасиға яқинлашди. Холбуви машинаға паншаха билан кўрак ташлар, нариги тарафга ўтиб чувиш пахталарни олдинга сураб, хуллас куймаланиб юрар эди. Устида қалин пахталик фуфайка, оёғида кирза этик, бошида эркачка қулоқчин.

— Ҳорма, қизим,— деди Евгений Александрович. Холбуви қўлларининг чангини қоқди-да, обком секретари билан кўришди:

— Бор бўлинг, ота.

— Раҳмат қизим, сендай азаматларимиз бор бўлса, чўлларимиз гулистонга айланаверади.

Холбуви алюмин чойнақдан бир пиёла чой куйиб, обком секретарига узатди:

— Озгина совиб қолган бўлса ҳам, бир пиёла чой ичинг...

Обком секретари чойни ичди, чўл қизига қайта-қайта ташаккур билдирди-да, изига қайтди...

Уша йилги ишларнинг якуни бўйича Холбуви Рустамова Ҳурмат белгиси ордени билан мукофотланди...

Ютуқлар янги зафарларни бошлаб келади, меҳнатнинг қадрланиши жасоратга чорлайди. 1977 йили Холбуви бошлиқ бригада аъзолари 52 гектар ердан пландаги 19 центнер ўрнига 42 ярим центнердан «оқ олтин» териб топширдилар. Август ойида Холбуви Рустамова КПСС аъзоси бўлди.

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, дейдилар. Холбуви бошлиқ бригада аъзоларининг рўйхати унча катта эмас: бригадирнинг ўзи билан ўн беш киши. Улар орасида Мўмин Отабобоев, Ҳамид Абдулҳақимов сингари кекса пахтакорлар ҳам, Мўминжон Саъдуллаев, Мўминжон Бўлтаков, Акрам Олламуродов каби қалб кўрини чўлга бағишлаган йигитлар ҳам бор. Шамши Ҳўрозов, Эргаш Эшонқулов, Умнат Тўраев, Тоштемир Қўшмонов эса, зарур бўлганда механизаторлик қиладилар, ўрни келганда сувчиликни, кетмончиликни ҳам ўрнига қўядилар. Ана шу фидокор чўлқуварларнинг меҳнати туфайли Рустамова бошлиқ бригаданинг иш кўрсаткичи йилдан йилга кўтарилиб бормоқда. Бригадада 1978—1979 йиллари 55 гектар ердан 52—55 центнердан пахта етиштирилди. Холбувининг ўзи шу икки йил ичида «зангори кема» билан 370 тонна пахта териб берди.

Холбуви Рустамова бошлиқ бригада 1980 йили ҳам яхши юнланди. 60 гектар пахта майдонидан 54 центнердан «оқ олтин» топширилди. Илғор бригадир терим машинасида 250 тонна пахта терди. Унинг кўксини яна бир мукофот— Меҳнат Қизил Байроқ ордени бегади. Айниқса Холбуви Рустамованинг жонажон партияимиз олий анжумани КПСС XXVI съездиға делегат қилиб сайлангани ва съезд кунларида унинг КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат бўлиб сайлангани фақат Ульянов номли совхоз чўлқуварларини эмас, бутун Жиззах области меҳнаткашларини беҳад кувонтирди.

\* \* \*

«Бахт ўзи нима?» Бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб бериши мумкин. Чунки одамларнинг фикр-ўйлари, характерлари, хулқ-атворлари, дунёга қарашлари турлича. Бахтли бўлишни биров меҳнатда деб тушуна, бошқа бир одам муҳаббатда деб билади. Бир инсон ўз билимини

Ёндаги бетда: 1. КПСС XXVI съездининг делегати, Жиззах область, Пахтакор районидидаги Ульянов номли совхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Холбуви Рустамова. 2. Холбуви Рустамова ўз бригадаси аъзоларига КПСС XXVI съездидан олган таассуротларини сўзлаб бераётир.

Ж. ТУРАЕВ фотолари

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ





1

2



3

4

чуқурлаштириб, бу ажиб дунёни янги бир кашфиёт билан бойитишни, ёшартиришни орзу қилса, яна бир кимса ресторанима-ресторан кезиб, айш-ишратда вақт ўтказишни ҳамма нарсдан афзал кўради. Бахт ҳақидаги баҳс-мунозараларда фазо сингари қамрови кенг ниятларни ҳам, ўз аҳамияти жиҳатидан бир донга зиғир донидек арзон истакларни ҳам учратиш мумкин.

Лекин, умуман олганда, бахт деган сўзининг мазмуни ҳеч қачон бизнинг давримиздаги деген кўламни забт этмаган бўлса керак. Бахт — тинчлик самараси. Мамлакатимиз меҳнаткашлари бутун дунёда тинчликни сақлаб қолишни ўзларининг муқаддас бурчлари, мақсадлари деб биладилар. Зеро оламда тинчлик барқарор бўлса, қуриш, яратиш, бунёд этиш, кашф этиш, чўлларни бўстонга айлантириш, ноз-неъматларни кўпайтириш сингари олижаноб ишлар амалга ошаверади.

Асримизнинг эллигинчи йилларидан бошлаб совет кишилари кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, чўл ва саҳроларни боғ-бўстонга айлантиришдек эзгу меҳнатга қўл урдилар. Партиямиз ва халқимиз иродаси билан бошланган бу кураш эндиликда совет кишиларининг бунёдкорлик қудратини бутун дунёга кўз-кўз қилаётир. Чўлни боғ-бўстонга айлантириш, чўлда шаҳар ва қишлоқларни қуриш замондошларимизнинг ватанпарварлик анъанасига айланди. Чўлқувар деган ном олиш меҳнат аҳлининг шон-шарафи, бахти бўлиб қолди. Холбуви Рустамова ҳам ана шундай бахтга сазовор бўлганлардан.

— Чўлқуварлар сафига кириш, янги ерлар очиб, Ватанимиз бойлигига бойлик қўшиш эзгу ниятим эди,— дейди Холбуви Рустамова.— Мен шу бахтга эришдим. Мен эришган бахт ўзим ўйлаганимдан минг марта ортиқ бўлди. Ахир жонажон партиямизнинг олий анжуманида иштирок этишдан зиёд бахт бўлиши мумкинми? Давримизнинг энг улуғ инсонлари билан юзма-юз ўтириб суҳбатлашиш ҳазилакам бахтми?! Чўлда ишлаб, КПСС аъзоси бўлдим, орденлар олдим, съездда иштирок этдим. Буларни мен бундан кейинги ишларим учун ҳам берилган мукофот деб биламан. Бригадамиз аъзоларининг фикри ҳам худди шундай. Бу йил пахта майдонимизни салкам икки баравар кўпайтирдик: 100 гектар ерга чигит эгдик. 50 гектар ерга «С-47-27» навли чигит ташланди. 50 гектарга эса, «108-Ф» навли капсулалли чигит қадалди. Планимиз 30 центнердан. Лекин 55 центнерлик мажбуриятимизни кўзлаб меҳнат қиляпмиз. Пахтани юз фоиз машинада териш олмоқчимиз. Мана, кўриб турибсизлар, ниҳолларимизнинг сони мўлжалдагидек, ривожини айтиш.

Пайкалларда шоналаб, гуллаб ётган баравж гўзаллар чўлда бахт топаган қиз — Холбуви Рустамованинг сўзларини тасдиқлаётгандек ёз шабадасида чайқаларди.


Қишнинг йиғирма даражалик совуғига, саратоннинг эллик даражалик иссиғига (симоб устунлари соя жойларда ҳам элликни кўрсатадиган жазирама кунлар кўп бўлади) бардош бериб ҳузур-ҳаловатдан кечиб, чўлда ишлаш — чинакам жасорат демакдир. Жасоратли чўлқуварларни ҳар қанча улуғласак арзийди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Л. И. Брежнев ўзининг «Кўриқ» номли асаридида чўлқуварлар шаънига қуйидаги самимий сўзларни айтган эди:

«Эски луғатлардан «кўриқ» сўзини топишингиз мумкин-у, лекин «чўлқувар» сўзини тополмай-сиз. Бу сўз коллективлаштириш йилларида туғилган «колхозчи» сўзи сингари 50-йилларда туғилди. Ушанда «кўриқ» тушунчасининг ўзи соф деҳқончилик аҳамиятини йўқотиб, бу сўз ижтимоий терминга айланди. Зотан бу сўзда юксак гражданлик ва чуқур совет ватанпарварлиги мужассамлашган эди. Чўлқувар — тарихий фигура бўлиб, қаҳрамонона даврни белгилаб беради. Бу сўз билан давр тақозоси белгилаган алоҳида характер ифода этилади!»

КПСС XXVI съездининг делегати, Пахтакор районидидаги Ульянов номи совхозининг илғор бригада бошлиғи Холбуви Рустамова ҳам давримизнинг ана шундай «алоҳида характер» билан ифодаланган қаҳрамонларидан биридир.

Оқилжон ҲУСАНОВ

Ендаги бетда: 1. Қашқадарё область Чироқчи районидаги «Восток» қўйчилик совхозининг бош зоотехниги Ҳамид Бобоев (ўнгда) бош чўпон Нурмон Муродов сурувида қўйларни ветеринария кузатувида ўтказмоқда. Нурмон Муродов бу йил ўз сурувидаги 500 бош совлиқнинг ҳар 100 тасидан 200 тадан қўзи олди. 2. Сурхондарё область, Гагарин районидаги «Искра» шолнорлик совхозининг бригада бошлиғи, Ўзбекистон Ленин юртимизини мукофоти лауреати Саодат Элмуродова. 3. Андижон область, Балиқчи районидаги «Правда» колхоз аъзолари ўзининг беш йилликнинг сўнгги йилида 800 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиш-



## МИСЛСИЗ ҒАЛАБА

Шонли съездлар йилида космонавтикамизда улкан зафарлар қўлга киритилди. Қаҳрамон космонавтларимиз — Владимир Коваленок билан Виктор Савиних 75 кеча-кундузлик учиб программасини муваффақиятли бажардилар, социалistik мамлакатларнинг космонавтлари иштирокида инсон бошқарадиган экспедициялар программасининг якунловчи босқичи — коннотта тўққизинчи интернационал парвоз ҳам муваффақиятли тугалланди; бешинчи узоқ мuddатли экспедиция «Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексидаги ишларни муносиб якунлади.

Шу тариқа Совет Иттифоқи космик фазонини тинчлик мақсадларида тадқиқ қилиш йўлини очишмай амалга ошириб келмоқда. Бу инсонпарварлик принципи КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг қуйидаги сўзларида ҳаққоний ифодасини топади: «Космоснинг муҳолифлик майдонига айланмаслиги учун, космосни милитарлаштириш содир бўлмаслиги учун ўз вақтида гaмхўрлик қилиш жуда-жуда зарур. Космос тинч ва фақат тинч бўлиши мумкин ва лозим, деб яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман».

Космосдаги тадқиқотлар ва экспериментлар программасини муваффақиятли амалга оширган Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт учувчиси Леонид Попов билан тадқиқотчи космонавт, Руминия Социалистик Республикаси граждани Думитру Прунариудан тиборат халқаро экипаж ҳам космосни ўзлаштиришга катта ҳисса қўшди.

Халқаро экипаж «Салют-6» — «Союз-Т-4» — «Союз-40» орбитал комплексини ичида етти кун учиб вақтида «Салют-6» станциясининг асосий экипажи, совет космонавти — Владимир Коваленок ва Виктор Савиних билан биргаликда Совет Иттифоқи ва Руминия Социалистик Республикасининг олимлари, мутахассислари тайёрлаган тадқиқотлар ҳамда экспериментларнинг планлаштирилган программасини тўлиқ бажарди. Космонавтлар Ер сатҳи ва жаҳон океани акваториясининг айрим районларини фотосуратга олдилар. Технология экспериментларида орбитал парвоз шароитида илгаридан белгиланган йўналишдаги монокристалларни ҳосил қилиш методлари такомиллаштирилди. Ер атрофи фазосида космик нурланишнинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар олинди. Бир қанча медицина-биология тадқиқотлари ва экспериментлари ўтказилди.

Совет — Руминия экипажининг космосга қилган биргаликдаги парвози Совет Иттифоқи билан Руминия Социалистик Республикаси ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланганлигини ва илмий-техникавий ҳамкорлик кенгайганлигини яққол намойиш этди.

Суратда: «Союз-40» космик нема халқаро экипажи — нема командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Л. И. Попов ва космонавт-тадқиқотчи, Руминия Социалистик Республикаси граждани Думитру Прунариу Ю. А. Гагарин номидаги Космонавтлар тайёрлаш марказида парвоздаги машқлар пайтида.

А. ПУШКАРЕВ фотоси (ТАСС фотохроникаси).

тирдилар. Суратда: колхоз раиси, Ўзбекистон Компартияси XX съездининг делегати, ЎзССР Олий Советининг депутаты Хайрихон Эргашева ўқув-ишлаб чиқариш бригадасининг бошлиғи Яйраҳон Турғуновага пахтачиликдаги кўп йиллиги тажрибаларидан сўзлаб бермоқда. 4. Наманган область, Поп районидаги «Коммунизм» колхозида сиёсий-тарбиявий ишлар намунали олиб борилаётир. Суратда: колхоз партия ташкилотининг секретари Раҳимжон Мирзатиллаев (ўнгдан иккинчи) дала гвардиячилари — механизаторларга газеталарнинг кундалик хабарларидан ўқиб бераётир.

Ж. ТУРАЕВ фотолари

# ПАХТАЧИЛИКДАГИ БАЪЗИ МУАММОЛАР

**А**НГИ БЕШ йилликда фан ва техника тараққиёти совет жамиятимизнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини ҳал қилишга, экономикани жадал ривожлантиришга, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга янада кўпроқ хизмат қилади.

Маълумки, партияимизнинг XXVI съезди қарорларида илмий муассасаларнинг коллективлари ва олимлар олдида ҳам жуда юксак вазифалар қўйилди. «Бугун биз беш йил, ўн йил олдинга назар ташлаб,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида қилган докладада,— айни шу йилларда халқ хўжалик структурасига асос солиниши ва у вужудга келишини унута олмаймиз. Мамлакат мана шу структура билан йигирма биринчи асрга қадам қўяди. Бу структура янги жамиятнинг асосий фазилатлари ва идеалларини мужассамлантириш, тараққиёт авангардида бўлиш, фан билан ишлаб чиқариш интеграциясининг, ижодкор тафаккур билан ижодий меҳнат бурзилмас иттифоқининг тимсоли бўлиши лозим».

Дарҳақиқат, КПСС XXVI съезди қарорларида таъкидланганидек, тупроқнинг унумдорлигини ва қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, янги маҳсулдор нав ва гибридларни ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этиш, уруғчилик системасини такомиллаштириш ва уни sanoat асосига кўчириш вазифаларини ҳал қилиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикаимиз мамлакатимизнинг асосий пахта базаси эканлигини ҳисобга олсак, ўн биринчи беш йиллик вазифаларининг бажарилиши кўп жиҳатдан ана шу муаммоларнинг муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқдир. Шуниси қувончлики, пахтакорларимиз бунинг учун тегишли илмий муассасаларнинг коллективлари билан ҳамкорликда ўнинчи беш йилликда пухта замин яратдилар. Вилт ва бошқа хил касалликларга бардошли «Тошкент-1» навининг кўплаб экилиши, ҳосилдор, кам сув талаб этадиган, муҳими, пахтаси пишиши билан барги табиий равишда секин тўкиладиган «АН-402» навининг районлаштирилиши, чигитни одатдагидай 60 сантиметр ўрнига қатор ораларини 90 сантиметрлик кенликда экишга ўтилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Фан ва техника тараққиётини ишлаб чиқаришга дадил жорий этаётган пахтакорларимиз ўнинчи беш йилликнинг ақунловчи йилида айниқса улкан ютуқларни қўлга киритдилар. Улар пахтачилик тарихида биринчи марта 6 миллион 237 миң тонналик хирмон уйдилар. Шунингдек, пахтачиликда минерал ўғитлардан фойдаланиш ва ўғитларни ишлаш технологиясини яхшилаш борасида ҳам катта ютуқларга эришилди. Масалан, ўнинчи беш йилликда, тўққизинчи беш йилликдагига қараганда, пахтачиликда 6 миллион 177 миң тонна кўп минерал ўғит ишлатилди.

Лекин эришилган ютуқларга қарамадан, ҳали республикаимизда маъжуд имкониятлардан етарли фойда

ланмаётган хўжаликлар талайгина. Утган йили республикаимиз бўйича ҳар гектар ердан 32,8 центнердан ҳосил олингани ҳолда бир қатор район ва ўнлаб хўжаликлар бундан паст кўрсаткичларга эришдилар.

Ёки бўлмаса машина терими масаласини олайлик. 1980 йилда пахтакорларимиз ялпи пахта ҳосилининг 63,2 процентини машиналарда йиғиштириб олдилар. Лекин бир қатор хўжаликлар, ҳатто районлар бу кўрсаткичга эриша олмадилар. Демак, ўрта кўрсаткичли районлар ва хўжаликларни илғорлар даражасига етказиш ҳисобига пахта ҳосилдорлигини оширишимиз мумкин. Бу муҳим резерв. Биз мазкур мақолада партияимиз XXVI съезди қарорларида ҳамда мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб пахтачиликдаги баъзи муаммолар ҳақида ўз мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Кейинги йилларда республикаимизда селекционер олимлар томонидан пахтанинг юқори ҳосилдор ўрта толали «АН-402», «АН—Самарқанд-2», «АН—Ўзбекистон-3», «175-Ф», «Тошкент-6» ва ингичка толали «С-6037», «Термиз-7» навлари яратилди. Бу навлар уларнинг биологик хоссаларига мувофиқ келадиган ўстириш шароитларида яхши самаралар беради. Акс ҳолда эса кутилган натижага эришиб бўлмайди. Масалан, «АН-402» нави барги эрта тўкилишдан ташқари дефолиантларга мойил, унинг баргини тўла тўқдириш учун бошқа навларга қараганда, препаратлар беш баробаргача кам ишлатилади. Чигитида ёғ миқдори стандарт навларникига қараганда бир-бир ярим процент кўп. Бу нави ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш дефолиация харажатларини камайтириш, ёғ миқдорини кўпайтириш ва маълум даражада атроф-муҳитни химиявий дориворлар билан зарарланишдан сақлаш имконини беради.

Лекин, афсуски, ишлаб чиқаришда ҳамма вақт ҳам илмий тавсияларга амал қилинавермайди. Гоҳо пахта навларининг ишлаб чиқариш технологиясини бузилмоқда. Оқибатда бор имкониятлар бой берилиб, иқтисодий самара кам бўлмоқда.

Шуни эътироф этишимиз керакки, пахтанинг мавжуд навлари параметрларга кўра тобора ўсиб бораётган sanoat ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши эҳтиёжларини тўла қондирмаётир. Бу нарса мамлакатимиз халқ хўжалигини социал ва иқтисодий ривожлантириш Асосий йўналишларида ҳам алоҳида таъкидланди. «Қишлоқ хўжалик экинларининг уруғчилик системаси такомиллаштирилсин,— дейилади Асосий йўналишларда.— Уни sanoat негизига кўчириш тезлаштирилсин, ишлаб чиқаришга юқори маҳсулдор янги навлар ва гибридлар тезроқ жорий қилинсин, уруғларнинг сифати яхшилансин».

Хўш, бўлғуси пахта навлари қандай бўлиши керак?

Партия ва ҳукуватимиз кўйган талабларга биноан биз бир гуруҳ етакчи селекционер олимлар ўрта толали ва ингичка толали пахтанинг келгуси навлари моделларини ярат-

дик. Бу ҳақдаги илмий тавсияларимизни Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Президиуми тасдиқлади. Ҳозирги вақтда пахтачилик селекцияси билан шуғулланадиган илмий муассасалар мазкур моделларнинг параметрларини инобатга олган ҳолда иш олиб бормоқдалар.

Якин вақтларда ўрта толали пахтанинг ҳар гектаридан 70—80 центнер ва ингичка толали пахтанинг гектаридан 40—50 центнердан ҳосил берадиган, ҳосили 10—12 кун эрта пишадиган, вилт, гоммоз, илдириш каби касалликларга бардошли навларни яратишимиз лозим. Бунинг учун эса генетика, радиобиология соҳасидаги ҳамда ғўза физиологияси ва биохимияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар комплексини янада кучайтиришимиз, ғўзанинг генетик ва физиологик жиҳатдан эрта пишарлик ҳамда мўътадил маҳсулдорлик хоссаларини оширишимиз керак.

Ун биринчи беш йиллик — самарадорлик беш йиллигидир. Шунинг учун ҳам пахтанинг янги навларини яратишда ундан сифатли тола олинишига алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Республикаимизда бундан кейин sanoat учун қимматбаҳо хомашё бўлган ингичка толали пахта кўпроқ етиштириш кўзда тутилмоқда. Беш йиллик охирига бориб Сурхондарё области ингичка толали пахта етиштиришга тўла ихтисослаштирилади. Қарши ва Жиззах чўлларида ингичка толали пахта етиштириладиган янги районлар ташкил этилади. Биз олимлар эса ингичка толали пахтанинг тезпишар, ҳосилдор ва машинада теришга мос навларини яратиш соҳасидаги назарий ва амалий тадқиқотларни тезроқ ниҳоясига етказишимиз керак.


Пахтачиликдаги муҳим масалалардан яна бири уруғчиликдир. Маълумки, чигитнинг униши ва ривожланиши биринчи навбатда унинг сифатига боғлиқ. Уруғчилик системасини янада такомиллаштириш учун уруғ етиштиришни ихтисослаштириш ва уни sanoat асосига кўчириш лозим. Уруғ сифатини яхшилаш ва пахта ҳосилдорлигини ошириш учун ҳозир қатор имкониятлар бор. Афсуски, улардан ҳали етарли фойдаланилмаётир. Биринчидан, пахта уруғчилигида навларро чатиштиришни кенг йўлга қўйишимиз керак. Бу нарса навларнинг яшовчанлиги ва ҳосилдорлигини оширади. Республикаимизда 1976 йилдан фақат «108-Ф», «С-4727» ва «5904-И» навлари ўзаро чатиштирилипти, холос. Ваҳоланки, хўжаликларимизда ўндан ортиқ навлар экилмоқда. Иккинчидан, бирор нав шўр ерларда уч-тўрт йил экилгач, шу тупроқ-иқлим шароитига мослашади. Шунинг учун уруғни ўша ерда етиштирилган ҳосилдан тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Учинчидан, фанда ва деҳқончилик тажрибасида шу нарса исботлангани, уруғлик нисбатан узокроқ муддат сақланса, унинг униш қобилияти шунча ортади. Ҳозир бизда асосан ярим йил сақланган уруғ экилмоқда. Ваҳоланки, икки йил сақланган уруғни экиш жуда фойдалидир. Демак, биз етарли

миқдорда уруғлик фонди жамғаришимиз, уни маълум муддат сақлаб етиштиришимиз лозим. Шароит оғир келган 1979 йилдагидек уруғлик етишмай қолиб, бошқа республикалардан чигит олиш ва ортиқча харажатлар қилиш ҳоллари бундан кейин такрорланмаслиги керак. Тўртинчидан, уруғни ҳар туп ўсимликда камида 17—20 та кўсак бўлган маҳсулдор ғўзаларнинг ҳосилидан тайёрлаш жуда самаралидир. Бундай уруғ экилган ҳар гектар ердан 60 центнердан то 80 центнергача ҳосил олиш мумкин. Бешинчидан, турли навлар, айниқса, пахтанинг ҳар хил турлари (масалан, ўрта толали билан ингичка толали) чатиштирилган биринчи, баъзида эса иккинчи авлоднинг гибриди касалликларга бардошлилиги, тез пишарлиги, ҳосилдорлиги, толасининг сифати ва миқдори жиҳатидан ота-оналик шаклларида устунлиги жаҳон фанида исботланди. Гетерозис деб аталмиш бу усул кўл меҳнати ҳисобига бўлса-да, Ҳиндистонда кенг қўлланилмоқда. У ердаги тажриба участкаларида шу усулни қўллаш натижа-сида ҳар гектардан ҳатто 100 центнергача ҳосил олинди. Ҳозирги вақтда гибрид уруғ Ҳиндистонда бир миллион гектар сувли ерга экилиб, унинг ҳар гектаридан 50 центнердан 70 центнергача ҳосил олинмоқда. Бироқ, ҳали айтганимиздек, бу мамлакатда гибрид уруғчилик асосан кўл меҳнати билан амалга оширилмоқда. Фандаги кейинги кузатишлар гибрид уруғи олиш учун асариларнинг чанглатиш хусусиятидан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди. Пахтачилик индустриал асосда ривожланаётган бизнинг шароитимизда эса гетерозис усулини кенг қўллаш учун барча имкониятлар мавжуддир.

Яна шуни эътироф этишимиз керакки, бир қатор колхозлар ва совхозларда энг муҳим ва фойдала агротехника тадбири — алмашлаб экиш системасига ҳам тўла амал қилинмаяпти. Ваҳоланки, алмашлаб экиш системаси тупроқнинг унумдорлигини оширишдан ташқари, чор-ва учун қўшимча озуқа етиштириш имконини беради. Тўғри, ҳар хўжалик йилида колхоз ва совхозларда алмашлаб экиш планлари тузилади. Лекин шу муҳим планни бажариш учун изчиллик етишмаётир. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида қилган докладада «План — қонундир, чунки унга риоя қилишгина халқ хўжалигининг соз ишлашини таъминлайди», деб таъкидлади. Бу ҳаққоний кўрсатма ҳаммамиз учун қонундир.

Биз пахтачиликда етилган баъзи муаммолар ҳақидаги мулоҳазаларимизни баён этдик. Бу масалаларнинг тезроқ ҳал қилиниши партияимиз XXVI съезди қарорларида ва мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачилик бўйича белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши учун кенг имкониятлар яратади.

**Набижон НАЗИРОВ,**  
В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир-аъзоси, профессор



ШУҲРАТ

# ШЕЪРИМ ЧИРОҒИ ЁНИК

## Бир одам боради...

### Илдиз

Илдизни тупроқдан суғурманг,  
Сунбулмас томоша қилсангиз!  
Илдизни кўрмоқчи бўлсангиз,  
Дарахтнинг шоҳига тик қаранг!

Шу кўм-кўк баргларида жамоли,  
Ғуж-шовул мевалар камоли  
Ва лекин илдизни суғурманг,  
Суғурманг, остига тиг урманг!

Илдизни ардоқланг, ардоқланг,  
Илдизда ҳамма гап, ҳамма ранг!

### Сен дунё кўрганда

Сен дунё кўрганда эрта саҳарда  
Юзингни қуёшга бурибди доя.  
Шу сабаб яшадинг фасли баҳорда,  
Қалбингда барқ уриб тиниқ бир ғоя!

Сен эсинг танигач, онанг етаклаб,  
Чорраҳа бошига қўйиб кетибди.  
Сен гуллар терибсан йўлдан этаклаб,  
Шу гуллар тақдиринг нур-ла битибди.

Сен йигит ёшингда бир қизни суйиб,  
Шу қизга астойдил шайдо бўлибсан.  
Севинса севиниб, куйганда куйиб,  
То умринг борича фидо бўлибсан!

Оламдан ўтибсан қариб-қартайиб,  
Кишилар кетингдан йиғлаб қолибди.  
Сен кўрган умрни нур билан чайиб,  
Бошқалар ўзига ибрат қилибди!



Мен шундай сўз айтсам, мушкуллар осон,  
Бедаво дардига тополса шифо.  
Бахт истаб туғилган ҳар битта инсон  
Ҳар кунги умридан кашф этса маъно.

Мен шундай сўз айтсам, урушқоқ зотнинг  
Тепкини босишга қўли келмаса.  
Наинки тепкига, ёвуз ниятнинг  
Ҳеч қачон ҳеч ерда бахти кўлмасал!

Мен шундай сўз айтсам, кишилар тинглаб,  
Қайғудан, аламдан бўлса мустасно.  
Эзгу бир ниятда очса доим лаб,  
Завқ билан, шавқ билан ўтса ҳар асно!

Мен шундай сўз айтсам, кекса яшариб,  
Ёшларнинг ҳамшиша келса омади.  
Энг қисқа умрлар юз ёшга бориб,  
Шунда ҳам тик қолса шамшод қомати.

Мен шундай сўз айтсам, севишган ҳар ёш,  
Ҳеч қачон билмаса айрилик, фироқ.  
Энг ёруғ кунда фидокор йўлдош,  
Энг қора тунида бўлолса чироқ.

Ошиқлар кутганда висол онини  
Юраги зардобга тўлмаса сира.

Бир одам боради оппоқ қор узра,  
Ортида бир оёқ изи қолади.  
Оёқнинг ёнида яна бир сира  
Учи ниш бир таёқ изи қолади.

Жонини тикканда ғалаба ҳаққи,  
Қисматнинг келди-ю раҳми ногаҳон,

Жанг чоғи учди-да битта оёғи,  
Келажак бахтига омон қолди жон!

Шу омон жонини битта оёқда  
Укинмай мардона олиб юради.  
Ва лекин тиниқиб ухлаш қаёқда,  
Ҳар кун тушида уруш кўради!



## Мен дунёга келмадим бекор

Мен келиб дунёга нафим тегдими,  
Дунёнинг кўркини очдимми андак?  
Яхшилик мулкида ниҳол экдимми,  
Гар ўрик бўлса у ширинми қанддак?

Мен кетсам дунёдан ўрним хувиллаб,  
Кишилар қалбига тушарми ларза?  
Юрагим кетади баъзан шувиллаб,  
Шуларни ўйласам бирон-бир лаҳза!



Йўк, дейман, дунёга келмадим бекор,  
Дунёга фойдамнинг теккани аниқ.  
Узимдан кейин ҳам нурли, пурвиқор,  
Шеърим чироғи қолади ёниқ!

Кўпларнинг кўнглини ёритади у,  
Кўпларнинг дардини аритади у!

## Мендан ҳам сўраманг

Соҳилга урилиб келган тўлқинга  
Кетига қайтаркан, дедим:— Қаёққа?  
Деди у тўш уриб нурли ёлқинга:  
— Дўстларим қошига — тўфонли ёққа!

Дарахтдан узилиб тушаркан япроқ,  
Шамолда чирпирак бўлганча кетди.  
«Қаёққа?» десам у ўйламасданоқ  
Ғуж турган япроқлар қошига етди!



Кўчадан келмоқда бир йигит ёлғиз,  
Қўлини олдим у «Йўл бўлсин?» десам,  
Бурчакда кутаркан келишган бир қиз  
Кўйлаги атласу, нимча — беқасам!

Мендан ҳам сўраманг «Йўл бўлсин?»  
дея,  
Ёшлигим қошига кетяпман қайтиб.  
Йилларнинг сабоғин қилиб ҳадея,  
Кексалик сирларин бераман айтиб!

## Мен шундай сўз айтсам...

Ҳар кимса ардоқлаб ҳалол нонини,  
Ўзидан қолдирса нурли хотира.

Мен шундай сўз айтсам, на тилнинг фарқи,  
На тери ранглари бўлолмаса ғов.  
Тенг, эркин яшаса ҳар юртнинг халқи,  
Дўстликдан ҳилпираб қўлларда ялов.

Мен шундай сўз айтсам, дўстга хиёнат —  
Кўзлаган кишининг дили тош қотса;  
Тош қотган дилига кирса соф ният,  
Инсофга қақриб қайта уйғотса!

Мен шундай сўз айтсам, хасис қалбида  
Уйғонса Ҳотамнинг меҳри, шафқати.  
Гул унса ҳамшиша марднинг қабрида  
Дунёда қолмаса нокаслар зоти!



Мен шундай сўз айтсам, дунёда алам,  
Қайғуни, кибрни билмаса одам.  
Бўлмаса ҳеч қачон кўзларида нам,  
Тонг каби соф бўлса ниятлари ҳам!

Мен шундай сўз айтсам, эзгу тилаклар,  
Муродли умидлар ҳар дилда ёниб,  
Нур билан чарақлаб йўллар, истаклар,  
Ҳар кимса яшаса ҳаётга қониб!

Ҳа, сўзнинг сеҳри бор — меҳринг товлайди,  
Ҳа, сўзнинг тиғи бор — қиличдан кескир.  
Ҳа, сўзнинг ишқи бор — кўнги овлайди,  
Бу жаннат боғига ишонч билан кир!

Ҳа, сўзнинг тафти бор — қуёшдан қайноқ,  
Ҳикмати дунёни ёритса етар!  
Ҳар сўзга сен аввал ихлос билан боқ,  
Ҳар сўзни сен аввал байроқдек кўтар!

Мен сўзнинг кучига келтириб имон,  
Мен сўзнинг сеҳрини биладан яхши.  
Ҳақ сўзнинг меҳрига фидо бўлсин жон,  
Эзгу сўз сеҳрида яшасин киши!

Табиат инъоми, мўъжизадир сўз,  
Сўз — олов, сўз — ором, сўз — қайтмас ботир.  
Сўз деган олисга ҳатто етмас кўз  
Дунёни қайтадан тузмоққа қодир!



Туроб ТУЛА,  
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

# Қ У Ш Ю Р А Қ

Муҳтарам журналхон!  
Мана мен ҳам прозага ўтдим. Мен дастлабки гапни ёшлик-хотираларимдан, кўрган-билганларимдан, қишлоғимнинг эртан-афсоналари, чўпчан-маталларини ҳиноя қилишдан бошладим. Уни «Етти зоғора қиссалари» деб атадим. Шундан бир лавҳани ўқиб кўринг.

Автор.

**У**ЙГИТЧА маҳалласидаги темирчиликни томоша қилишни, тақачиларни, дам босадиган семиз, билаклари қоп-қора, тер босган, ўзи тенги болани, улар қўлидан қип-қизил чўғ бўлиб товланиб чиқаётган тақаларни томоша қилишни яхши кўрарди, тонг отди дегунча, хаёлига ана шу шовқин солиб тинмай тақа ясаётган темирчилик келарди-да, севишиб кетарди: тагин уларни кўради, ўртоқлари билан гаплашади, улар билан каппондаги ошқ ўйинига боради, уларни томоша қилади, жума кунлари эса, оталари намозга кетишлари билан баланд-баланд томларга чиқиб варварак учирашади. Бир кун Аҳмад айқ деган ўртоғининг ҳовлисига кириб бордию (ҳалиги темирчи болани шундай деб аташарди) тагин анграйиб қолди. Катта ҳовлининг чеккасида бир хотин ҳадеб ўт яллиғланиб турган туйнукка кириб чиқарди. Бу нима қилапти экан, деб яқинроқ бориб қаради. Унинг анграйиб турганини кўрган Аҳмад айқ югуриб чиқди-да:

— Нима, тандир кўрмаганмисан, анграйиб қолдинг?— деди.

— Рост, нонни шунақа пиширишди деб ҳеч ўйламаган эдим. Тақани-ку кўрада пиширади, уни биламан, лекин нонни ҳам шунақа пиширишларини ҳеч билмас эканман. Тақани аввал пишириб кейин муштлашади. Нонни аввал муштлашиб, кейин пиширишаркан. Ойингмилар?— деб секин сўради.

— Ҳа, ойимлар!— деб ғурур билан жавоб қилди Аҳмад айқ. У мана шунақа бир нарсадан ғурурланганида, керилиб, айққа ўхшаб кетарди. Шу сабабданмикан уни шундай деб аташарди. Бу, айниқса, арман болага ёқарди. У шунақа кучли болаларни яхши кўрар, ўзи ҳам шунақа қорувли, яғринлари чиқиб, қоп қўйса ҳам бемалол турадиган бўлиб ўсаётган эди.

— Сен ҳам ёполасанми?— деб ҳамон тандирдан кўз узолмай сўради ундан.

— Йўқ,— деди жўраси аҳамият бермайгина.

— Нега?— деди у Аҳмад айққа ҳайрон бўлиб.— Ойингни оловда қийнаб-а? Қара, бу оловга кириб чиқиш осонми? Юзта нон ёпса, икки юз марта кириб чиқади. Юзлари, сочлари куйиб кетади-ку. Мен сен бўлсам, оймга бундай оғир ишларни қилдимасдим. Узим қилардим. Тақачилигинидаги кўранинг ўзи-ку бу. Ойингга айт, мен ёпиб кўрай.

Бу гапларнинг ҳаммасини эшитган ойсиз ўғирлиди-да, кулди:

— Келажак, болам, мана рапидани ол-да, ёпиб кўр.

Аҳмад айқнинг ойсиз чиройлик

экан, оловда тагин ҳам товланиб қип-қизил бўлиб кетган эди. Болақай югуриб борди-да, рапидани олди ва ясаган нонларни битта-битталаб рапидасига қўйиб оловга кириб чиқа бошлади. У шундай тез ва ажиб ёпа бошладики, Аҳмад тугул ойсиз ҳам қараб қолди. У бир пасда саватдаги нонларни ёпиб, рапидасини аёлнинг қўлига тутди. У ҳам тандирдаги оловдай қип-қизил бўлиб кетган эди.

— Мана, қара, болам, ўртоғинг қандай яхши, уddaбурро экан, бир нафас қараб турдию билиб олди. Тўғри айтади, сен ҳам ёпиб кўр.

Аҳмад айқ ўртоғи олдида қизаргиси келмади, чунки уddалай олмаслигини биларди, бесўнақай, қовушмаган, кўпол эди у.

— Юр, ўртоқ, кетдик, дўконга кеч қолямиз. Мен сенга қойилман, қотирдинг. Мен оймга эртага ёпиб бераман. Мана, кўрарсан, мен ҳам қолишмайман сендан. Лекин сен нимани қиламан десанг, қотирасан, нега шунақа?— дея чиқиб кетаётганларида унга қизиқиб қаради Аҳмад айқ. Арман ўртоғи кулиб унинг олқасига ҳали ойсиз ёпаётган нондай-нондай қўлларини ташлади. Аҳмад айқнинг синглиси, уй кўтараётган Санобар арман болани кирганидаёқ кўрган ва кузатиб иш қилаётган эди— орқаларидан қараб қолди. У бу боланинг ҳатти-ҳаракатларини яхши кўрар, унинг ҳусни-жамолигагина эмас, бақувват билакларига ҳам разм солар эди. Бугун қизиқ бўлди, онасининг юмушига қарашди, демак, онасига ҳам ёпиб қолди у. «Ёмон эмас. Ажаб бўлди», деб хаёлидан ўтказди. Санобар етилиб қолган қиз эди. Бола унга эътибор қилганмикан, бунисини билмасди... Аммо унга тез-тез кўришига интилар, ҳовлини кўчагача супуриб, қўшнилари бўлганидан у ўтадиган йўлгача сув сепар эди.

Бир кун у сув сепаб супуриб турганида келиб қолди, янги туфли кийган экан, лой бўлди, Санобар, унга малол келди, деб ўйлади, тилини тишлаганча орқасидан қараб қолди. Бунга ҳис қилган арман бола орқасига қаради-да: «Сен хафа бўлма, Санобар, туфлийим лой бўлгани йўқ, мана қара, топ-тоза— қайтага чанг бўлмайди. Лойдан чанг ёмон туфлига», деди ва илжайиб кириб кетди уйига...

Шу-шу улар бир-бирлари билан гаплашадиган бўлиб қолишди. Бир кун Санобар ёнларидаги ҳовуздан сув олаётган экан, келиб қолдию иккала челагини ҳам кўтариб олиб бориб, эшигига қўйиб кетди. Санобар обхасини бир қўлига олганича, унинг орқасидан томоша қилиб борди. «Қандай чиройли, серсавлат йигит... Севгани бормикан?... Нега муллом эмас?... Дадамлар, оймлар, нима дейишаркан, агар бир гап бўлса?...» Эшик олдида қолган икки челақ

лиммо-лим сув устида ўйланиб қолди. Ичида: «Қайдам», дедию челақларини кўтариб уйига кириб кетди. Санобар деразадан туриб, улар орқасидан қараб қолар экан, шуларни эслади. Эсладию кичкинагина юраги тагида бир нарса узилгандай жиз этди-да, ўтириб қолди... Онаси: «Санобар, болам, нонни олиб кет», демаса ҳали ўтираварди хаёл суриб...

Санобар онаси ёпиб бўлган нонларни бир сават қилиб бошига олар экан, қўшни ҳовлидан: «Митя, Дмитрий!» деган хотин кишининг овози чиқди. Санобар бурилиб қўшни девор томонга қаради, овоз эгаси, нуроний, сочлари оқара бошлаган аёл болохонада кўринди, у болохона устунига келиб, яна чақирмоқчи бўлди, Санобарни кўриб қолди: «Санобархон, Митя чиқмадимми Аҳмад-жоннинг олдида?», деб сўради. Арман боланинг оти Митя эди. Санобар Митяни ундан сўрагани учун бир севишти, Митянинг чиққанини айтиб, аёлни хурсанд қилганидан икки севишти:

— Улар ҳозиргина темирчиликка чиқиб кетишди биргаллашиб,— деди жавобига аниқлик киритиб. Шу вақт Митя ҳақиқатан ҳам темирчиликда Аҳмад айқ билан дам босмоқда эди.

Оз ўтмай Митя ўзбекчани шундай яхши гапирадиган бўлдики, Аҳмад-жон-ку Аҳмад-жон, темирчиликдаги ҳунармандлар ҳам сезмай қолишди: у худди азалдан ўзбекча гапирадигандай. Улар Тошкентга оғир йиллари кўчиб келишган эди Краснодардан, Тошкент— нон шаҳри деб овозаси кетган кезлари. Келиб Тошкентингизна эмас, одамларини ҳам яхши кўриб қолишди. Бу оила маҳалланинг ҳурматли кишиларидан бири бўлиб танилди. Митянинг дадаси ҳам, ойсиз ҳам, опалари ҳам (иккита опаси бор эди бир-бирдан чиройли) ақлли кишилар эди. Митя ўзбек тилининг энг нозик талаффузларига ҳама ўрганиб кетди. Чунки жўралари Аҳмад айққа ўхшаган ўртоқжон болалар эди, кеча-кундуз улар билан эди. Бирга ўқир, бирга ўйнар, бирга дарс тайёрлар эди.

Бир кун асов отга тақа қоқайтганларида жийрон ҳеч оёғини беравермади. Эгаси ҳам, темирчилар ҳам бас келишолмади. Митя ўрнидан турди-да, дам тутқасини Аҳмад айққа бериб: «Ушлаб туринглар», деди, аста орқа оёғини ушлаб бир силтаган эди, от оёғини эга қолди. От эгаси ҳам, темирчилар ҳам: «Баракалла», дейишди бараварига. Митя тақа қоқишга ёрдамлашди. Тақачи бир тақани қоқайтган эди, асти тўғри бўлавермади, қараса тақа қийшироқ тобланган экан, қоққан миҳларини суғурмоқчи эди, Митя: «Тўхтанг», деди ва уни бош бармоғи билан шундай босдию тўғрилаб қўйди.

Тақачи қўлида болғаси билан унга қараганча қотиб қолди. Тақа совуған, қалин темирдан ясалган, уни қайириш учун фақат оловга солиш керак эди... Уста сўнгги миҳини қоқиб бўлди-да, Митянинг қўлларини қўлига олди ва кафтини, бармоқларини ушлаб кўрди. Узининг қўлидан фарқи йўқ эди. Дўконга ўтиб, бир совуқ тақани олиб қўлига берди. Ҳамма тақачилар ўраб олди уни. Митя ҳеч қийналмасдан тақани иккига бўлиб ташлади. Ҳаммадан ҳам оғзи очилиб қолган Аҳмад айқ тагин бир тақани олиб берди. Митя уни ҳам қайириб ташлади. Аҳмад энди ўзи қайириб кўрди. Лекин унча қайиролмади.

Тақачилар Митяни яхши кўриб қолишди. Тақачиликка шогирд тушишни сўрашди. Бола дадасининг руҳсатсиз бу ишни қилмаслигини айтди. Шу кунлари шаҳарга аллақайси мамлакатнинг «Спид» деган кинофильми келган экан. Унда фильмнинг бош қаҳрамони Спид устига қулаган тоғни шундай осонгина кўтариб жойига қўйиб кўяр экан. Уни кўрганлар Митяни «Спид» дейдиган бўлишди. Мана энди баҳона билан Аҳмад айққа ўхшаб, Митя ҳам лақаб тақди. Митя Спид бўлиб қолди.

Митя ҳақиқатан ҳам паҳлавон йигит бўлиб ўсди. У онасини беш ёшигача эмарди. Кўчада болалардан калтак еса уйига қараб чопар ва эшикданоқ: «Ойи, кўкрагингни оч, очиқиб кетдим», деб кириб келар эди. Ахир онаси унга: «Энди уят, Митя, кап-катта йигит бўлиб қолдинг, кўрганлар нима дейди?», деб кўкракдан ажратди.

Тақачилар меҳри тушиб қолган Спид энди қанақа шўхлик қилса ҳам кечирадиган бўлишди. У Санобарни севиди. Энди темирчиликка кам қатнайдиган бўлди, кўпроқ эшикда ўлтирар, Санобарнинг йўлини пойлар, у ўтса бас, орқасидан қарар, ҳеч нарса демас эди. Фақат унга қарар эди. Кўрса бас эди уни. Бир кун Санобар уларнинг ҳовлиларига чиқиб келди. Нимадир сўраб чиқди, албатта. Митя бетоб эди. Уйдагилар, Митя эшитсин деб, у билан атайин қаттиқ-қаттиқ гапирешишди. Кейинги кунлари анча иссиғи тушган Митя унинг келганини эшитиб, ўрнидан турмоқчи бўлди. Рухсат беришмади. Санобарнинг ўзи киришга ийманди. Лекин бари бир, унинг бир киргани ҳар қанақа доктордан афзал бўлди. Эртасигаёқ оёқга туриб кетди. Шу-шу бўлдию Санобар ҳам Митяларникига чиқадиган бўлиб қолди. Улар бирикки бор паркка боришди, кинога ҳам кирадиган бўлишди. Бир кун Санобарнинг онаси унинг арманча гапирешиётганини эшитиб ҳайрон бўлди. Митя ўргатган эди. Онаси унга: «Тагин у гаплар ёмон бўлмасин, қизим», деди. Санобар: «Йўқ, ойи, «Мен сени яхши кўраман», деса, мен

хам унга: «Мен ҳам», дейман холос», деди.

— Вой, болам, отанг билиб қолса нима бўлади, ахир булар кофирлар-ку?

— Йўқ, булар — мусулмонлар. Қаранг, қанақа гапиришади бизнинг тилимизда.

— Тили биру дили бошқа бўлса-чи?

— Йўқ, Митянинг тили ҳам, дили ҳам бир.

Ота келиб қолди уларнинг гаплари узилди. Аммо шу икки оғиз гапда онасининг уларга хайрихоҳлигини билди, қувонди. Дадаси ҳам ёмон одам эмас эди. Бироқ маҳалла-кўй нима дейди, шундан қўрқарди. Бир куни қизини қидириб чиқиб, даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлди. Митя Санобарни курсига ўтқазди, тишида кўтариб юрсиди ҳовлисида. Она йўлакда қотиб қолди. Митянинг ойиси бўлса, ҳадеб боласига: «Болам, болажоним, тишингни синдираман, қўй, зил-замбил қиз-а», деб чирқиради. Митя иккинчи бор ҳовли айланиб келаётганида, Санобар онасининг йўлакда қотиб турганини кўрдию: «Митя, қўй, ерга қўй, ойимлар», деди. Митя тўғри олиб келиб йўлакка туширди. Она ҳамон гаранг эди. Митя эса, Санобарнинг онасига қараб кулиб турарди. Югуришиб Митянинг ойиси билан опалари чиқишди, Санобарнинг онасидан «бетавфиқ» Митянинг «иши» учун кечирим сўрашди. Санобарнинг онаси эса, ҳамон ҳайратда, кулиб турган Митянинг текис, чиройли тишларига қарарди.

— Тишингизга зарар қилмадимми? — деди у.

— Йўқ, қўшнингинам, — деди Митянинг ойиси ўғли ўрнига узр сўрагандай.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, ойижон, — деди бирдан гапга аралашиб Санобар, — биз ҳар куни шундай қиламиз, ҳар куни тишида кўтариб юради мени Митя.

Митянинг онаси Санобарнинг ойисини ҳанчар қастасалар ҳам кирмади, Санобарни олиб чиқиб кетди...

Орага уруш тушиб қолди. Урушнинг ҳамма фалокати Санобарнинг бошига тушгандай бўлди. Митя биринчилардан бўлиб фронтга кетди. Уни Санобар вокзалга кузатди. Йўғлаб-сиқтаб хайрлашди Спид билан. Шаҳарни уруш, даҳшатли уруш машқи қамраб олди. Деярли ҳеч кимнинг чеҳрасида ташвишдан бошқа нарса кўринмасди. Санобар уйига изтироб билан кириб борди, кириб бордию Спидлар ҳовлиси хаёлига келди, у ёққа қулоқ солди, улар қай ҳолатда экан, ойиси, дадаси, опалари нима қилишаётган экан?..

Санобар энди маҳаллада юрولмай қолди, улар эшигидан ўтишга юраги дов бермас, унинг, албатта, унинг эмас, опаларининг чиқиб келишидан қўрқар эди. Унда нима бўлади, қандай кўришади улар билан? Бирдан йўғлаб юборса нима бўлади? Йўқ, чиқмайди, ўтмайди, у эшикдан. Анча кунгача ҳовли ҳам, эшик ҳам сипиркисиз қолди... Тиқ этса эшикка қарай бошлади. У: «Йўлданоқ хат ёзмам», деган эди. Ҳафталар ўтди ҳамки, дарак йўқ. Уйига ёзгандир, қандай сўраш керак, ахир? Яқшанба кунинида, ҳамма уйда эди, Люба опа кириб келди. Катта опасини шундай деб аташарди, арманчасига Серапуш ҳам деб чақиришарди. Келишган сипмо хотин эди. Худди ҳеч нарса бўлмагандай илжайиб, лекин ийманиброқ кириб келди. Санобарга эриш кўринди, нега илжайиб киради бу хотинди... Е қайтиб келдимикан? Қайтиб келса, ўзи кирмасмиди?.. Люба опа ҳаммалари билан елкаларига нозиккина қўлларини текгизиб шарқона кўришиб чиқди-да: «Митядан хат йўқми?», деди. Санобарнинг юраги орзиқиб кетди. Демак, улар ҳам ташвишда, хат йўқ. Санобарни ташвишга солмаслик учун шунчаки

кулиб кириб келган эди. «Майли», деди хат келганини билганидан кейин ва аста чиқиб кетди. Остонага борганида Санобарга қайрилиб, «Санобархон, йўқ бўлиб кетманг, чиқиб туринг», деди. Санобарнинг юраги тагин зирллаб кетди. Қани, билсайдики, у қаерда ҳозир, ўзи ёзарди унга, ҳамма гапни очиб соларди, айтмаган, юрагиде сақлаб қўйган унга атоғлиқ гапларнинг ҳаммасини айта қоларди. Бу гапларни вокзалда ҳам айтмаган эди. Митя ҳам айтмади, одамлар ҳалақат берди, акаси Аҳмад ҳалақат берди. Ҳадеб Аҳмад гапга тутди: «Сен кетавер, орқангдан мен ҳам етиб бораман, бирга жангга кирамиз, битасини ҳам тирик қўймаймиз», деб. Мана кеча у ҳам кетди. Лекин қаёққа кетди, Митяни кўрармикан?..

Эртаси куни эрталаб почтага борди, бордию тез қайтди. У ерда Люба опа турарди. Энди нима қилади? Узоқдан туриб кузатди, Люба опа почтачи билан нималарнидир ваъдалашди-да, чиқиб кетди, қўлида ҳеч нарса йўқ эди. Демак, хат келмабди ҳали ҳам. У мактабига қараб кетди.

Мактабдан қайтиб келаётса, почтачи хотин улар томондан келяпти. Атайин у томонга ўтди ва яқинлашганда: «Митядан» демоқчи эди, тилига у келмади, қўрқди, тезда акасининг отига айлангириб, «Акамдан хат борми?» деди. Почтачи аёл: «Вой, аканг кечагина кетди-ю, дарров соғиндингми, Митядан келди», деди. Худди қанот чиқарди бирдан.

Хатни шошиб очди-да, скамейкалардан бирига ўтириб ўқиди:

«Салом, Санобаргина, — деб бошлаган эди хатини Митя. У ҳаммаша эркалаб «гина» юзсини қўшиб чақирарди. — Яхши кўрбасми? Уйингдагилар омонми? Аҳмад нима қиляпти? Ҳали унга чақириқ қоғози келгани йўқми? Ойинглар ҳали ҳам нон ёпаяптиларми? Кўчани нима қиляпсан, ҳали ҳам супуриб турибсанми? — Шу ерига келганда илжайиб қўйди ва алами келиб жаҳли ҳам чикди. — Мен бунда машқадан, ҳали бизни жангга киритганлари йўқ. Лекин уруш садолари келиб турибди. Қилоқтда. Биз Волга бўйидамиз. Сталинград шундоқ кўриниб турибди. Кейинги хатим балки жангдан кейин бўлади. Саломат бўлсам, албатта ёзаман. — Эти увишиб кетди «жангдан кейин»

сўзини ўқиб. Хатнинг давомига қаради: — Азизагинам, мен хатимда бирон гапни дўндириб айтолмаяпман, севаман, қаттиқ севаман, биласан бунини, яна нима дейман, жонимдан ҳам қаттиқ севаман. Уруш дами ўчсин, ўша кунийёқ совчи киритаман. Ё арман деб рози бўлишмасмикан? Даданглар яхшилар-ку, ойинглар ундан ҳам. Ахир бизникилар «мусулмонлар» дейишмаяпти-ку, кўнишди-ку. Ахир биз бир-биримизни севамиз-ку. Тагин нима керак уларга? Яхшиси, кел, омон-эсон кўришайлик, бизни ҳеч ким айиролмайди, шундай эмасми? Ҳа, айтгандай, яқинда фронт газетасида Константин Симоновнинг «Мени кутгил» деган шеърини ўқиб қолдим. Худди менинг дилимдагини ёзибди, бало экан. Топиб ўқигини, худди менинг гапимни, сенга ёзмақчи бўлган гапимни ёзган... Ёзи ўша йўлагингда кучоқлаб ўпганим сингари ўпиб, сенинг Спидинг».

Шундан кейин бир оз ўтмай Аҳмаддан хат келди. У Митядан йироқда эди. Митяни сўрабди. Санобар Митянинг адресини ёзиб юборди. Митядан хат келар пайти ҳам бўлди, аммо хат йўқ. Ҳафталар ўтди, ойлар... Санобар сениқиб кетди... Митядан ҳамон хат келмай қийнади. Бир куни ўзини зўрлаб бўлса ҳам, Люба опанинг олдига кирди. Люба опа уни гиргиттон бўлиб кутди, узоқ гаплашиб ўтирди, аммо Митядан гап очмади. Шусиз ҳам уларнинг гаплари Митя ҳақида эди. Хайрлашаётганида: «Чиқиб туринг, Санобар, эсингиздан чиқариб юборманг бизни», деди. Бу гап унга аллақандай даҳшатли туюлди. Нега бундай деди? Бирон гапни билармикан Люба опа?.. Йўқ, билса, бунчалик кулиб қарши олмас эди. Уруш, почталар алғовдалғос. «Хат ёзишга солдат вақт бормикан?» деган гаплар ўтди ўйдан.

Эртасига мактабдан қайтаётганида одатдагидек почтага кирди. Кирса, почтачи аёл кулиб турибди: «Уйнаб берсан бугун», деди. Санобар севинганидан рози бўлди. Хат келган эди.

«Санобаргинам, — деб ёзарди Митя, — омон-эсон бормисан? Мен соғ-саломан. Ҳозиргина буйруқни ўтаб қайтдим. Икки ой душман орқасида қолиб кетдик. Разведкада эдик. Бу гапларни ёзиб бўлмайди, жонгинам. Ҳаммасидан кераги шулки, Спидинг ўз спидлигини қилди, фашист-

лардан қанчасининг оёғини осмонда келтирди. Уқ чиқариб бўлмайдиган вазиятларда жанг қилишга тўғри келди. Сен мендан кўрқма. Спидингни ўлдирадиганларнинг қўли калта. Фақат снаряд остида қолмасам бўлгани. Бошқа ҳаммаси ўша ўйнаган ёнғоғимиздай гап, чақиб ташлаймиз. Қўмондонлик қабул қилди кеча, раҳмат айтди. Ҳар нечук, ишлар ёмон эмас. Ҳозир Волганинг бу ёғидамиз, дам олишда. Дам яна қанча бўлади, билолмайман. Учинчи хат энди келаси жангдан ё келаси сафардан кейин булар... Хайр, Санобар, ойимнинг қулоғига айтиб қўй, мен сени жуда-жуда яхши кўраман. Ўша сени кўтариб юрган курсимни сақлаб қўйинсин, тўй куни ўша курсида ўтира-миз...»

Хат Санобарни узоқ олиб қолди бу скамейкада...

Бошқа хат келмади. Сталинград жанги туғди, душман Харьков атрофига суриб ташланди, Митядан дарак бўлмади. Санобар кўп хат ёзди. Жавоб бўлмади. Бир куни Митялар Қисмидан мактуб келди. Лекин у Митядан эмас эди. Митянинг жонажон ўртоғидан эди. Хат каттамас, қисқасига ёзилган эди: «Санобаргина... — Тава, у ҳам «гина»ни қўшиб ёзибди. Демак, улар Санобар ҳақида кўп гапиришган. — Салом! Албатта, хатни мен ёзаётганимдан билаётгандирсиз, — Санобар почтада, ўша таниш скамейкада ўтиролмади, кўчага чиқиб кетди, одам кам ўтадиган кўчаларни биларди, ўша томонга тез бордию хўнграб йўғлаб юборди, хат қўлида фикимлоғлиқ, узоқ йўғлади... Ахир, хатнинг давомига қаради. — Йўғлаб бўлдингизми? Раҳмат! Ҳа, Митя қаттиқ яраланди, у катта елкамонлик кўрсатди, уни мен ўз қадамда олиб чиқиб санобарга топширдим. Уни йиқитиш, ё энгиш осон эмас эди. Аммо уруш, даҳшатли уруш энгди, йиқитди. Э-ҳе, бунақаларнинг қанчасини йиқитди бу уруш. Митя билан биз келишган эдик, қай биримиз ўшанимиз яраланса, ё ҳалок бўлсак, олдинимиз уйга, ё севиқлимизга ёзамиз, деб қасам ичган эдик. Мана, афсуски, бу вазифа менинг зиммамизга тушди. Мени кечиринг, кўнгулсиз хатим учун. Митя хат ёза олиш ҳолатидамас, унинг иккала оёғини ҳам кесиб ташладилар, қўлларини ҳам. Лекин... Минг афсус... эртаси куни госпиталдан чақириб, ўртоғингиз: «Мени фақат Коля кўмсин», деб илтимос қилди, дедилар. Сизнинг ўрнингизга ҳам ўзим йўғлаб кўмдим. «Сувратимни олма», деганига қарамасдан, олиб юбордим. Ҳар нечук хотира-ку. Сақласангиз сақласиз, сақламасангиз ота-онасига берарсиз. Лекин мен уларга ёзмайман. Қисмдан ёзишар. Орденларини юборишар.

Сизга салом билан, чидам тилаб, Николая Струтинский».

То тун қоронғиси қуноқлашгунча кўча айланиб юрди. Кўчада киши бир-бирини таний олмайдиган вақтдагина кириб келди уйига. Ойсининг саволларига: «Мактабда эдим», дедию ўрнига мукка тушиб яна хўнграб йўғлади, хатни ўқиб берди. Она-бола узоқ йўғлашди... Санобар бу гапларни унинг оиласига билдирмаслик учун, то қора хат келгунча, узатилган опасиникига бориб турди. Бир куни ойиси кириб келди, қора хат келганини, Люба опалар аза очигганини айтди. Санобар энди расмона қора кийди ва Люба опалариникига кириб борди. Унинг кўз ёши тугаган эди. Ҳеч ёш келмасди кўзидан.

Кўйимаси ўтгандан кейингина ўз уйига чиқди. Орқасидан Люба опанинг қизи Тамара ўша азиз курсини — севгилиси ўзини тишида кўтариб олиб юрган курсини: «Бу биздан, тоғамдан ёдгорлик сизга», деб олиб чиқиб берди.



Рисунг Н. ИБРОҲИМОВ ЧИЗГАН

# САНЪАТЛАР УЙЎУНЛИГИ ХУСУСИДА

**У**ТГАН йил ёзда Тошкент метрополитенининг навбатдаги станциялари ишга туширилди. Бу узоқ йўли яқин бўлган шаҳар аҳлигагина эмас, балки архитектор ва ҳайкалтарошлар, рассом ва санъатшунослар учун ҳам катта қувонч келтирди. Гўзаллик мухлислари Пушкин, Ҳамид Олимжон станцияларига ишланган безакларда санъатимиздаги ўзгача бир янгиликни илғаб олдилар. Истеъдодли ҳайкалтарош билан моҳир рассом ҳамкорлигида яратилган ҳар иккала ер ости саройига ишланган безаклар комплекси меъморчиликдаги ажойиб янгилик сифатида кўпчилик диққатини тортди.

Тасвирий санъат билан замонавий меъморчиликнинг уйғунлашувидан туғилган бу безаклар ҳайкалтарош Юозас Липас ҳамда монументалист рассом Ирена Липиене ижодида мансубдир. Маълумки, Липиененинг тасвирида мойбўёқдан ташқари ҳайкалтарошлик ва наққошликда ишлатилган турли материаллардан фойдаланиш борасида олиб бораётган изланишлари анчадан буён санъатшунослар диққат марказида эди. Ҳайкалтарош Липас ижодида эса теран инсоний туйғулар нафис ва таъсирчан тажассумини топиб келмоқда. Метро станцияларида ҳар иккала ижодкор санъатининг уйғунлашуви самараси — антиқа безаклар техника тараққиёти туфайли туғилган ва бундан буён меъморчиликда кенг қўлланилиши ҳаётини зарурат бўлган янги бир йўналишнинг дунёга келаётганидан дарак берди.

Ана шу йўналишга оид хислатлар республикамизда олиб борилган йирик қурилишларда илгарилари, ахён-ахёнда бўлса-да, кўзга ташланган эди. Монументалист рассом Владимир Бурмакин билан ҳайкалтарош Юрий Немировский ҳамкорлигида амалга оширилган айрим ишлар фикримизга ёрқин мисолдир. Тошкент метроси «Пахтакор» станциясининг ер ости вестибюли ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди арафасида қурилиб фойдаланишга топширилган В. И. Ленин номидаги Халқлар дўстлиги саройига ишланган бўртма тасвири ҳозирги замон меъморчилигида кашфиёт деб ҳисобланиши мумкин. В. Бурмакиннинг бадий безатилиши лозим бўлган иншоотларга мос ифодалар топиши, тасвирий санъатдаги замонамиз руҳига ҳамоҳанг нафис шакллардан моҳирона фойдалана олиш қобилияти, Ю. Немировскийнинг эса, ҳайкалтарошликдаги меъморчилик ҳис этиши ҳар иккала ижодкорнинг ҳозирги меъморчилик талаблари даражасидаги асарлар яратишини таъминламоқда.

Бундай мисоллар рассомларимизнинг меъморчиликка қўшаётган ҳиссалари тобора ортиб бораётганини кўрсатади. Айниқса, бу борада монументалист рассомларнинг мавқеи кучаймоқда. Эндиликда рассомларимиз меъморлар билан ҳамкорликда турли иншоотларни бадий юксак,

мазмунан теран тасвирилар билан бойитмоқдалар. Дид ва меъёрида, ўрнини топиб ишлатилган нафис чизгилар, бўёқлар, хилма-хил материаллар каби воситалар ўзаро уйғунлашиб жозибали санъат асарлари яратилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикада тасвирий санъатни янада тараққий эттириш ва унинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ролини ошириш борасида муҳим тадбирларни белгилади, архитектура ва санъат синтези проблемаларига алоҳида эътиборни қаратди. Меъморчилик ва монументал санъат синтезини амалиётга кенг татбиқ этиш масаласи бугунги ҳаётимизнинг энг муҳим вазифаларидан бўлиб қолди. Кейинги беш йилликлар давомида монументал пропаганда асосида амалга оширилган ишлар социалистик шаҳарларимизни меъморчилик ва тасвирий санъат синтези асосида кўркамлаштиришга замин бўлди, десак янглишмаймиз. Сир эмаски, биз совет кишилари бугунги кунда иқтисодий ва маданий-маънавий юксалиш палласида яшамоқдамиз. Республикамиз шаҳарларида қурилишлар кенг қулоқ ёйган ҳозирги пайтда меъморчиликни ҳар томонлама кенг қўламда ривожлантиришни ҳаёт тақозо қилмоқда.

Меъморчилик аслида муайян бир жойни ободонлаштириш билангина кифояланмасдан кишиларнинг эстетик савиясини юксалтиришга ҳам хизмат қилмоғи лозим. Борди-ю, қурилиш-бинокорлик ишлари монументал тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, бинокорлик ичиди бадий безаш билан узвийликда олиб борилса, меъморчилигимиздаги ана шу самарали йўналиш беқиёс даражада ривожланиши шак-шубҳасиздир.

Учинчи беш йиллик давомида, айниқса, сўнгги икки йил ичида бинокорлик ва атроф муҳитни кўркамлаштириш орқали совет кишиларининг эстетик дидини бойитиш борасида меъморларимиз билан монументалист рассомларимиз таҳсинга сазовор ишларни амалга оширдилар. Шаҳарлар қиёфасини ўзгартиришда монументал санъатнинг иштироки тобора кучаймоқда.

Шаҳарларни қайта қуриш иши кенг қулоқ ёйган ҳозирги шароитда шаҳар қурилишида меъморчилик билан тасвирий санъат синтезини айрим объектларнига назарда тутиб режалаштирмаслик керак, балки ягона тематик план асосида амалга ошириш лозим. Бу жиҳатдан Тошкент шаҳар Бош планини илмий тадқиқ қилиш ва лойиҳалаштириш институтининг монументал пропаганда бўйича Тошкент шаҳрининг Бош планига мослаб тузган истиқбол режалари диққатга сазовордир. Шунини таъкидлаш лозимки, институт ходимлари мазкур план лойиҳасини яратишда «2-Моспроект» лойиҳалаш институти томонидан тузилган «Москва шаҳри ижтимоий марказининг монументал пропагандаси плани»

лойиҳасидан андоза олиб иш кўридилар. Бунда Тошкент шаҳрида монументал санъат объектларини истиқболда қандай жойлаштиришдан ташқари қадимий ёдгорликларни сақлаш ва тиклаш масалалари ҳам назарда тутилди. Мазкур плани тузишда шаҳардаги саккиз ташкилот, жумладан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих, Шарқшунослик институтлари, Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти ва Тошкент Олий партия мактабининг таъсия материалларидан фойдаланилганлиги таъсирли лойиҳадир.

Тошкент шаҳрида монументал пропаганданинг истиқбол плани совет санъатининг ленинча принциплари асосида тузилди. Унда шаҳарнинг тарихи, инқилобий ва жанговар анъаналари, ленинчи революционерлар, маданиятимиз ижодкорларининг хизматлари алоҳида эътиборда тутилди.

Истиқбол режаларида шаҳардаги ҳар бир районнинг ўзига хос тарихий хусусиятлари ҳисобга олинган. Масалан, Ўзбекистон Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмаси жойлашган «Ғалаба» маданият ва истироҳат боғи ёки Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғи ана шу тариқа кўркамлаштирилади. Партия ва ҳукуматимиз қарорлари асосида ўрнатилиши кўзда тутилган монумент-ҳайкаллар мутасадди ташкилотлар ва ижодкорларнинг биринчи навбатдаги вазифалари бўлиб қолади. Хотин-қизлар озодлиги монументи, Ҳамза, Форобийга ўрнатилмак ҳайкаллар, Олимлар хиёбони шулар жумласидандир. Лойиҳа материалларида пойтахтимизда илгари тикланган айрим ёдгорликларнинг, масалан, Фрунзе ва Охунбобоев ҳайкалларининг етарли салобатга эга эмаслиги ҳақли суратда танқид қилинади.

Таъкидлаш лозимки, монументал тарғибот бўйича Тошкентда шу вақтгача бажарилган ва бажарилши лозим бўлган ишлар фақат республикамиз учунгина эмас, бутун Ўрта Осиё учун ҳам аҳамиятлидир. Бу борада сўнгги йилларда таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Қад кўтарган кўпгина ҳайкал ва монументлар шаҳарнинг бош плани асосида жойлаштирилди. Бу ёдгорликлар шаҳарнинг умумий кўркига кўрк қўшганлиги жиҳатидан ғоят муҳимдир. Тошкентдаги Ленин майдонида пролетариат дохийсига ўрнатилган улкан монументни монументал санъатнинг ана шундай юксак асарлари сирасига киритиш лозим. Ҳайкалтарош Николай Томский ва архитектор Собир Одидов чинакам халқпарвар, гениал мутафаккир инсоннинг ёрқин образини яратдилар. Монумент улғуворлиги билан Тошкентнинг марказий майдонига салобат бағишлаб турибди. У дохий Ленин ғояларининг барҳаётлиги тимсолидек туюлади.

Қишлоқ жойларида меъморчилик комплекслари қурилишига эътиборнинг кучаяётгани давримизнинг энг яхши хусусиятларидандир. Қишлоқларимизнинг замонавий посёлкаларга айланаётгани, аҳолининг янги гича социалистик маданиятга эришаётгани республикамиз тараққиётининг камолотидан дарак беради.

Қишлоқ меъморчилиги, айрим ўзига хос хусусиятларига қарамасдан, ҳозирги замон ўзбек архитектурасининг ажралмас қисмидир. Меҳнаткашлар моддий фаровонлигининг юқори даражага кўтарилиши, янги ерларни ўзлаштириш ва деҳқончилик маданиятининг юксалиши, капитал қурилиш ҳажмининг ўсиши Ўзбекистон қишлоқларини комплекс қайта қуриш кенг программасини амалга оширишни тақозо этади.

Ҳозирги пайтда қишлоқ жойларидаги қурилишларга сарфланаётган маблағ республикамиздаги бинокорлик-меъморчилик ишларига кетаёт-

ган ҳаражатнинг қарийб ярмини ташкил қилади. Қишлоқда ҳар йили 1 миллион квадрат-метрдан кўпроқ уй-жой қурилмоқда, салкам 200 болалар боғчаси, 150 мактаб ва бошқа кўплаб маданий-маиший бинокор ишга тушириляптир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил Июль пленумида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, қишлоқ ҳўжалигининг бундан буёнги тараққиёт программаси қишлоқда капитал қурилишнинг ўсиши билан ҳамбарчас боғлиқдир. Қишлоқ қурилишини лойиҳалашда қишлоқ меҳнаткашларининг ўзига хос турмуш шароитларини тўла ҳисобга олиб иш кўриш мақсадга мувофиқдир.

Шунини ҳам айтиш керакки, республикамиз область ва районлари марказлари ҳамда шаҳар типдаги посёлкаларда қурилиш-бинокорлик ишларининг мазмуни монументал санъат асарлари билан кундан-кунга бойимоқда. Социалистик давлатимизнинг асосчиси В. И. Ленинга ҳайкал ўрнатилмаган бирорта область ёки район марказини топиш қийин.. Кўпчилик район ва посёлкаларда таниқли давлат арбоблари шарафига, Ватан ҳимояси йўлида қурбон бўлган ҳамюртлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ҳайкаллари қад кўтариб турибди. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасига кўрк бағишлаётган бундай ёдгорликлар оммани тарихий-революцион анъаналарга садоқат, Ватанимиз бахт-саодати учун курашганлар ишига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда ғоят катта аҳамиятга моликдир.

Кейинги йилларда республикамиз шаҳар ва қишлоқларида улғу аждодларимиз, халқимиз бахти учун курашган қаҳрамонлар хотирасига бир қанча эсдалик ҳайкаллари ўрнатилдики, уларни тилга олиб ўтиш жоиздир. Тошкентда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Қибрай посёлкасида академик Н. И. Вавилов, Қўқон шаҳрида Абдулла Набиев, Тошкентда Абу Али ибн Сино, Собир Раҳимов, Юрий Гагарин, Жиззахда Ҳ. Олимжонга ўрнатилган ҳайкаллар шулар жумласидандир. Республика Мада-



Тошкентда А. С. Пушкинга тикланган ҳайкал улғу рус шоирининг номи билан аталувчи майдонга кўркам қиёфа бахш этди.



Ю. А. Гагарин номидаги истироҳат боғида жаҳоннинг биринчи космонавти шарафига ўрнатилган ёдгорлик пойтахтимиз архитектурасини бойитди.

ният министрлигининг ҳисоботида кўра, 1978—1980 йилларнинг ўзидagina шаҳар ва қишлоқларимизда 40 дан зиёд шундай обида тикланди.

Ёш авлодни интернационализм, юксак гражданлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда монументал санъатнинг аҳамияти бекиёсдир. Шу сабабли эсдалик ҳайкаллар яратиш ишига республикамиздаги таниқли санъат усталари қаторида иқтидорли ёш ҳайкалтарошлар ҳам, москвалик, ленинградлик архитектор ва ҳайкалтарошлар ҳам жалб этилмоқда.

Кейинги йилларда ўзбек монументалист санъаткорлари янги-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ҳ. Ҳусниддинхўжаев, М. Мусабоев, Л. Рязцев, Я. Шапиро сингари усталар гоёвий-бадий жиҳатдан мураккаб вазифаларни амалга оширдилар. 1979 йили ҳайкалтарош Ҳ. Ҳусниддинхўжаев халқимизнинг геннал фарзанди Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллиги муносабати билан Афшона қишлоғига ўрнатиш мўлжалланган улғ қомусчи ҳайкалини муваффақиятли яратди. Санъаткор М. Мусабоев Урганч шаҳри учун Муҳаммад ал-Хоразмий ҳайкалини яратди. Ҳайкалтарош буюк аждодимизнинг психологик жиҳатдан мураккаб образини акс эттира олди. Бу ижодкорнинг Нукус шаҳри учун мўлжалланган Халқлар дўстлиги монументи ҳам мутахассислар томонидан юксак баҳоланди. Ҳайкалтарош Л. Рязцев эса Юрий Гагариннинг таъсирчан образини яратишга эришди. Бу ҳайкал Гагарин шаҳрида қад кўтарди.

Монументал санъат асарларининг гоёвий-бадий савиясини ошириш мақсадида конкурслар ўтказиш йўли билан эсдалик ҳайкаллари яратиш аънамага айланиб бормоқда. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Архитекторлар ва Рассомлар союзулари ҳамкорлигида ўтказилаётган монументалист-ҳайкалтарошлар ва меъморларнинг ижодий ташаббуслари қувватланмоқда, улар янги-янги


асарлар яратишга даъват этилмоқда.

Посёлкаларда янги типдаги турар жойлар билан бир қаторда зарурий жамоат бинолари қуриш, теварак-атрофни кишилар сайр этадиган хиёбонлар ва бошқа манзарали-бадий воситалар билан бойитиш, ҳар бир жойнинг ўзига хос монумент ҳамда эсдалик ҳайкаллар ўрнатиш — қишлоқ қурилишининг сўнги йиллардаги энг яхши аломатларидир. Галаба районидаги Свердлов номли, Хива районидаги Фрунзе номли колхозларнинг маданият саройлари, Қарши чўлидаги «Аврора» совхозининг клуби, Чўли Бегимқулов номли совхоз чойхонаси, Тошкент областидаги «Политотдел» колхозининг маъмурий биноси, Ёждувон районидаги Садриддин Айний номли колхозда қурилган мемориал фикримизнинг исботи бўла олади. Шу сингари бир қанча объектлар ҳозирги замон қурилишининг энг яхши фазилатларини намойиш этиши, монументал-манзарали воситаларнинг маҳорат билан қўлланилиши нуқтаи назаридан кишиларда яхши таассурот қолдиради. Бироқ, тилга олинган бинолар ва иншоотларнинг «яккаланиб» турганлигини, атрофида ўзига хос бинолар ва хиёбонлар йўқлиги сабабли посёлкаларнинг кўркини чинакамига оча олмаганини ҳам таъкидлаш зарур. Бинобарин, жамоат марказлари ансамбллари яхлит, тугалланган ҳолда тасаввур этиб қуриш қишлоқ архитектурасининг энг муҳим вазифаларидандир. Бу жиҳатдан Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхозининг маркази ва Бухоро областидаги Афшона посёлкасининг маркази қурилишдан ибрат олса арзийди. Мазкур посёлкаларда меъморчилик билан монументал санъатнинг уйғунлашиб кетганлиги таҳсинга сазовордир.

Эндиликда қишлоқларда ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши ҳам ривожлантирилади. Афсуски, архитектор ва рассомларимиз бу масалага шу пайтгача кўп аҳамият бермадилар. Аслида қишлоқлардаги қурилиш-меъморчилик ишларини ишлаб чиқариш миқёсидан мустасно ҳолда мушоҳада этиш посёлкаларнинг ўзига хос кўринишини яратишга салбий таъсир кўрсатади, меъморий муҳитни қашшоқлаштиришга олиб келади.

Архитекторлар билан монументалист рассомлар маданият ва истироҳат боғларини лойиҳалаш ҳамда безашда умуман ҳамкорлик қилмаётир дейиш мумкин. Ваҳоланки, бу борада Ленинград ва Болтиқбўйи республикалари шаҳарлари тажрибасидан ибрат олсак бўлур эди. Республикаимиздаги маданият ва истироҳат боғларини безашда манзаравий ҳайкаллардан фойдаланиш ҳамда меъморчиликнинг кичик шакллари яратиш йўли билан санъатларни уйғунлаштириш борасида катта вазифаларни амалга ошириш мумкин.

Урта Осиёнинг қадимий шаҳарлари санъатлар синтезининг ажойиб



Пойтахтимизнинг Ҳамза районида инқилоб куйчисининг сиймоси акс этган салобатли ёдгорликда тасвирий санъат билан архитектура уйғунлашиб кетган.

намуналарига гоёт бойдир. Археологларимизнинг саботли меҳнати тўғрисида Варахша, Афросиёб, Панжакент ва бошқа жойлардан топилаётган кўҳна обидалар аждодларимизнинг қадимий маданиятини жаҳонга кўз-кўз қилмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги архитектура ёдгорликлари ҳам бизда меъморчилик билан тасвирий санъат синтезининг узоқ ва бой тарихга эга эканлигини кўрсатади. Бемалол айтиш мумкинки, тарихан ўзининг қадимий бой мероси, безавол аъналарига эга бўлган ўзбек тасвирий санъати эндиликда ўз хусусияти ва услубига кўра Урта Осиё регионидан янги саҳифа очди. Шу сабабли ҳар бири ўзига хос хусусият ва фазилатга молик шаҳарларимизда монументал пропаганданинг назарий ҳамда амалий масалаларини ҳал этиш лозим.

Ўзбек усталарининг манзаравий-меъморлик санъати ҳозирги замон тасвирий санъати билан ҳамбарчас боғланиб кетган. Меъморчиликнинг оммавий турлари — наққошлик, ганч ва ёғоч ўймакорлиги замонавий жамоат биноларини безашда кенг қўлланилмоқда. Республикаимиз архитектурасининг ҳозирги кўпгина ноёб иншоотларини уста Маҳмуд Усмоновнинг ганч ўймакорлиги ишларидан, уста Қодиржон Ҳайдаровнинг нақшин эшикларини ва устунларидан мустасно ҳолда тасаввур этиш қийин. Давримиз олдинга сураётган улкан эстетик вазифаларни чинакам новаторлик билан бажаришда ҳар иккала санъаткорнинг хизматлари бекиёсдир.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, сўнги пайтларда ганч ўймакорлиги кўпгина иморатларда ҳаддан ташқари ортиқча ишлатилмоқда. Жиззах область Музикали драма театрининг янги биноси, Тошкентдаги УзФА Ядро физикаси институти биносининг вестибюли, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Москва шаҳридаги меҳмонхонаси, Тошкент метросининг айрим станциялари, баъзи область


ва район марказларида қурилган объектларда ганч ўймакорлиги меъёридан ошиқ фойдаланилганлиги фикримизнинг далилидир.

Архитектура билан монументал санъат синтези табиий манзарали комплекслар, истироҳат боғлари, шаҳарлар, майдонлар, уй-жой районлари, саноат комплексларидан шаҳар ва қишлоқ муҳитининг витрина, кўргазмали ташвиқот стенди, реклама сингари кичик бўлақларига қадар кенг миқёсдаги вазифани ўз ичига олади. У тасвирий санъат билан архитектуранинг бирлаштирибгина қолмай кундалик ҳаёт тарзининг белгиси сифатида совет кишиларининг эстетик дидини янада ўстиришга ёрдам беради.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида халқ ҳўжалигининг ҳамма соҳалари бўйича ўн биринчи беш йиллик вазифалари белгилаб берилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партиямиз XXVI съездида қилган Ҳисобот докладыда шундай деди: «Халқ манфаатлари билан яшаш, унинг қувончи ва қайғусига шерик бўлиш, ҳаёт ҳақиқатини, инсонпарвар идеалларимизни қарор топтириш, коммунистик қурилишнинг актив иштирокчиси бўлиш — санъатнинг чинакам халқчиллиги, чинакам партиявийлиги мана шундан иборат».

Партиямиз томонидан қўйилган улғвор вазифаларга республикамиз шаҳар ва қишлоқлари маданий қиёфасини тинмай ўзгартириш, уни эстетик жиҳатдан кўркамлаштириш билан жавоб бериш Ўзбекистон Рассомлар союзи ва Архитекторлар союзининг муқаддас бурчидир. Олий анжуманларда санъат бўйича олға сурилган қимматли фикрлар архитектор ва рассомларимиз учун дастуриламалдир.

**Тўлкиной ҚОДИРОВА,**  
Ўзбекистон Архитекторлар союзи правленийсининг раиси



Ўзбек Давлат қўғирчоқ театрининг янги биноси архитектура ва тасвирий санъат уйғунлигининг яхши намунасидир.



Адабиёт ва санъат кунлари қатнашчилари Тошкент аэропортида тантанали кутиб олинди.



Рубобчи қизлар ансамбли.

## АБАДИЙ ДЎСТАЛИК

Барча қардош совет халқлари каби ўзбек ва тожик халқларининг ҳам адабиёти, санъати мислсиз тараққий топди. Уртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида уқтирганидек, миллий маданиятлар раванқ топиб, бир-бирини бойитмоқда, янги социал ва интернационал бирлик — ягона совет халқининг маданияти шакллана бормоқда. Шу йил 19—25 майда Ўзбекистонда бўлиб ўтган қардош Тожикистон адабиёти ҳамда санъати кунлари бунини яна бир марта ёрқин намойиш қилди.

Дўстлик ва қардошлик байрами кунларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Тожикистон ССР делегацияси, қардош республика ижодий союзларининг раҳбарлари, маданият арбоблари билан учрашув ўтказилди. КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қардош республика меҳнаткашларини қизгин табриклади. «Бу дўстлик, — деди ўртоқ Ш. Р. Рашидов, — зулм ва эксплуатациясиз янги порлоқ турмуш учун бўлган шиддатли курашда ўсиб, вояга етди. Утмишни ўйлаганда, икки муътабар зот — Алишер Навоий билан Абдураҳмон Жомий кўз олдимизда намоён бўлади. Таъбир жоиз бўлса, бу зотлар халқларимиз дўстлиги ва маданиятини асрлар оша парвоз қилиб олиб ўтган муқаддас ҳаққуш қушининг икки қаноти дейиш мумкин...»

«Тожик ва ўзбек халқлари, барча совет халқларининг муттасил ривожланиб бораётган дўстона алоқаларининг самараларини ҳар қадамда ҳўриш мумкин, — деди Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ж. Расулов. — Ўзбекистон коммунистлари Россия коммунистлари билан ва мам-

лакатининг бошқа қардош халқлари билан бир ёқадан бош чиқариб, бизга халқ ҳокимиятини душманлардан қаттиқ туриб ҳимоя қилишда, социалистик асосларда янги ҳаёт барпо этишда, ўз давлатини, республика Коммунистик партиясини ташкил қилиш ва мустаҳкамлашда ёрдам бердилар».

Тожикистон адабиёти ва санъати кунлари ҳар икки қардош республика таниқли адиб ва шоирлари, тасвирий санъат, кино ва сахна намоёндалари, композиторлари ва архитекторлари, расомлари ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар билан учрашдилар, ижодий тажриба алмашдилар, республикамиз областлари бўйлаб сафарга чиқдилар. Садриддин Айний номдаги Тожик давлат академик опера ва балет театри, А. С. Пушкин номидаги Республика музикали комедия театри, Рудакий номидаги Хоруғ область музикали комедия театри, С. Вализода номидаги Кўлоб область музикали комедия театри, Республикада хизмат кўрсатган «Лола» давлат рақс ансамбли, рубобчи қизлар ансамбли, Тожикистон Давлат филармониясининг концерт программаси, Тожикистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радио-эшиттириш давлат комитети ҳўзуридаги «Гулшан» ҳамда «Зебо» шашмақомчилар ансамбллари ўз маҳоратлари билан томошабинни ҳайратга солдилар. Тошкентдаги кўрғазма залларида тожик расомларининг тасвирий санъат, графика, ҳайкалтарошлик ва амалий санъатга доир қарийб 500 асари, кинотеатрларда эса «Тожкифильм» киностудиясида сўнгги йилларда яратилган «Улм дарасидаги учрашув», «Шахсий соқчи», «Бахтинг ёнмигда», «Назорат чизиги», «Жиноятчи ва адвокатлар», «Еттинчи жума» каби фильмлар томошабинлар эътиборини тортди.



С. МАҲКАМОВ ва Н. ШАРИПОВ фотолари

Дўстлар дийдори...



«Зебо» ансамбли концерт бермоқда.





Тоҷикистон халқ шоири Мирсаид Миршакар.



Тоҷик адабиети ва санъати кунлари қатнашчилари Тошкент Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида корxonанинг донгдор ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд Мўйдинов билан суҳбатлашмоқдалар.

СССР халқ артисти Жўрабек Муродов куйламоқда.



**Б**ОРАЁТГАН йўлимиз менга таниш. Бу йўл Қаршидан чўл орқали тўғри Бухорога олиб чиқади. Илгарилари шу йўлдан ўтарканман, фақат бийдай чўл, шамол кўтарган чанг-тўзон, онда-сонда тўп-тўп бўлиб ётган янтоғу явшан кўзга чалинарди, холос. Айниқса, Косондан нариги ёқдаги манзаралар: қовжираб, тарс-тарс ёрилиб кетган ерлар ҳамон кўз олдимда.

Илгарилари бир хил — кишини зериктирадиган ана шу йўл бизни Муборак томон элтмоқда. Энди у обод ерлар, кўм-кўк дарахтзорлар, пахтазору ғаллазорларни кесиб ўтади. Бу йўл даштга олтин камардек ярашиб турибди.

Автобус осмонўпар бинолар, ям-яшил боғу роғлар бўйлаб олиб борар экан, йўл чеккасида «Муборак шаҳрига марҳамат» деган лавҳа кўзга яққол ташланади. Йўлнинг иккала тарафидаги обод жойларга, гўзал биноларга маҳлиё бўлиб, манзилга етиб келганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Тушдик. Бу ерни дарров пайқаб олдим: ўша кекса чинорни танидим.

Ҳали-ҳали эсимда. Бундан олдинги сафарларимнинг бирида, шу ерга етганда автобус бузилиб, анча туриб қолган эдик. Автобус шофёри — марҳум Абдуҳамид Эшқобилов хуноби чиқиб радиаторни кўлмак суви билан тўлдирар экан: «Бу ерларга ҳам сон тегиб, бирон маскан тусига кирармикан», деб чуқур оҳ тортган эди. Шунда бир мўйсафид: «Уғлим, бир кун келиб бу ерлар бўстонга айланади», деган эди.

Ота хато қилмаган эди. Йиллар ўтиши билан ўша яйдоқ чўл гулистонга айланди. Унинг бағрида катта маскан — газчилар шаҳари Муборак қад кўтарди. Равон, текис кўчалари, замонавий бинолари, мактабу боғчалари, мадания-маиший муассасалари Муборакнинг замонавий социалистик шаҳар сифатида тобора камол топаётганлигини кўрсатади.

— Муборак яйдоқ чўлда бунёдга келди, — деб эслайди Муборак район партия комитетининг секретари А. Абдиев. — Қарши чўлини ўзлаштириш бошландию бу ерда ҳам ҳаёт қайнади. Айниқса, улкан газ кони топилши билан Муборак тубдан ўзгарди.

Дарҳақиқат, Қарши чўлида бой газ конлари очилганлиги Ўзбекистон геологларининг чинакам жасорати бўлди. Ана шу газни миллион-миллион хонадонларга, юзлаб қозонхоналар ва электр-станцияларга, заводлар ва фабрикаларга етказиш учун чўл қўйнида — Муборакда газни қайта ишлаш комплекси барпо этилмоқда. Чунки ҳозирги Муборак Газни қайта ишлаш заводи янги конлар маҳсулотини қайта ишлаб чиқариш учун кучсизлик қилади.

Кейинги йилларда Қарши даштида, хусусан, Муборак зонасида улкан ишлар амалга оширилди. Янги-янги конлар топилди. Уртабулоқ, Денгизкўл, Зеварда, Муборак ва бошқа конлар шулар жумласига киради. Улар республикамизнинг бошқа газ конларидан ўзига хос хусусияти билан ажралиб туради: биринчидан, бой, иккинчидан, таркибида олтингургурт сероб. Олтингургурт эса далалар ва боғларга ўғит ишлаб чиқариш учун зарур. Ана шу олтингургуртга сероб газ тозаланади ва қувурлар орқали жўнатилади.

«Муборак Газни қайта ишлаш заводининг иккинчи навбати ишга туширилиши билан, — деди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов республикамиз коммунистларининг XX съездида, — бу комплекснинг газни қайта ишлаш қуввати йилига 10 миллиард кубметрга етди».

Муборак газни қайта ишлаш заводи ўз қувватини йилдан йилга ошириб, ўн миллиард кубметрдан эиёд газни РСФСР, Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистондаги шаҳар, қишлоқларга етказиб бермоқда. Айни вақтда корхона ҳар йили 170 минг тонна олтингургурт ўғити тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёни ишлаб чиқармоқда. Жаҳон кимёси ҳанузгача бундай соф олтингургуртни кўрмаган эди: унинг 99,999999 проценти «асосий маҳсулот» бўлиб, бор йўғи 0,000001 процентигина аралашмадир. Шунинг учун ҳам Муборак олтингургуртини давлат Сифат белгиси безаб турибди.

— Заводимизга 60-йилларда асос солинган, — деди завод директори Аҳмад Маҳмудов. — У вақтда йилига салкам 5 миллиард кубметр газни қайта ишлар эдик. Эндиликда заводимиз қуввати икки баробар ошди.

Қаҳрамонларча меҳнат, ўз билимини қийинчиликларга қарама-қарши қўйиш, бир сўзлигу ваъдада собитлик Муборак ишчиларининг қон-қони га сингиб кетган. Улар йўлини на қаҳратон қиш, на тоқат қилиб бўлмайдиган жазирама иссиқ, на кўз очишга қўймайдиган афғон шамоли тўса олади.

Ўтган беш йилликнинг охири — ҳал қилувчи йилини олайлик. 1980 йилда бу ерда 10 миллиард кубметр газ қайта ишланди, 170 минг тонна олтингургурт олинди. Айтишга осон. Бу улкан меҳнат зафариди заводнинг 11 цех, қарийб 900 ишчисининг ўз улуши бор. Айниқса, 2- ва 4-цехлар коллективларининг хизматлари катта бўлмоқда.

2-цехга ўз касбининг моҳир устаси, донишманд, ишнинг кўзини биладиган Пётр Майоров раҳбарлик қилади. Цех коллективи топшириқларни муддатидан илгари бажариши билан ном чиқарган.

— Газнинг таркибида бирон грамм олтингургурт қолса, сифати бузилади, — деб таъкидлайди қорачадан келган йигит. — Чунки олтингургурт тез ёнади, портлаб кетади. Бахтсиз ҳодисага сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Йигит билан танишдик. Шу цехнинг бош оператори Андрей Шайнога экан. Миллати — украин. Львов шаҳридан қалб амри билан Муборакка келган.

Цехни айландик. Тажрибали оператор Николай Мартюхин, машинист Илдиэ Восиқов билан суҳбатлашдик. Улар тозаланаётган газ таркибини бир неча бор текшириб кўриб, сўнгра қувурга ўтказиб юборар эдилар.

— Кўпинча нормадаги 480 минг кубметр ўрнига 610 минг кубметр газни қайта ишлаётимиз, — деди Андрей.

Олтингургурт ишлаб чиқариш цехининг катта оператори Бахтиёр Шеров унинг фикрини маъқуллади.

— Бу натижалар тежалган вақт самарасидир, — деди у.

Бахтиёр Муборак фарзанди. Шу ерда туғилиб ўсди, касб-ҳунар эгаллади. Бухоро Нефтни қайта ишлаш техникумида таълим олди. Яна она тупроғи — Муборакка қайтди. Икки ярим йилдан бери оператор вазифасини бажармоқда. Унинг сменаси — доим мусобақа ғолиби. Ҳар куни улар 180 тоннадан кўпроқ олтингургурт олмақдалар. Бу топшириқдагидан анча кўп. Айни муваффақиятда Владимир Фетиев, Ҳамро Ҳайитов, Мария Деденёва каби смена аъзоларининг муносиб улуши бор. Шунинг учун уларни бутун завод аҳли ҳурмат билан тилга олади.

Заводнинг икки навбатини айланиб, кўп меҳнат илғорлари билан суҳбатлашдик. Людмила Морозова, Ҳ. Багиров, Ҳамлет Вали ўғли, Руслан Гадоев, Итолмас Умиров, Георгий Коськов, Александр Пивоваров каби завод машъалларининг ишлари билан яқиндан танишдик. Улар «Бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхши ишлайлик», «Кечаги рекорд — бугунги норма» деган шиорларни ўзларининг ҳаётининг эҳтиёжларига айлантирганлар.

Ун биринчи беш йиллик давомида Муборакда газни қайта ишлаш миқдори йилига 10 миллиард кубметрдан 20 миллиард кубметрга етказилади. Шунинг учун, ҳозирги барпо этилаётган — йилига 5 миллиард кубметр газни тозалайдиган заводнинг учинчи навбати юксак суръатлар билан қурилмоқда.

Муборак заводи учинчи навбатининг учинчи блоки муддатидан уч ой илгари ишга туширилди. У Зеварда конидан олинаётган газни қайта ишлаб, катта босим остида қувурларга юбора бошлади. Олтингургурт олиш қурилмаси ҳам фойдаланишга топширилди.

— Ишчи кучи етишмаслигига қарамасдан, қурилишни мўлжалдагидан аввал ниҳоясига етказдик, — деди олтингургурт олиш қурилмаси бошлиғи Ислом Шеров. — Кейинги қурилмалар ҳам ўз вақтида ишга тушади. Сентябрьда учинчи навбат қурилишини якунлаймиз.

— Ишчи кучи етишмаслигига қарамасдан, қурилиш министрлигининг коллективлари ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бош пудратчи — Муборак газ саноати қурилиши трести коллективи объектларни тез ва сифатли ишга туширишни ўзининг асосий мақсади деб билади. Биз қурилиш майдонида — иккинчи блок қурилишида яна бир қаҳрамонликнинг шоҳиди бўл-



Цех оператори Бахтиёр Шеров бошқарув пультада технологик жараёни синхровлик билан кузатмоқда.

дик: Урта Осиё Нефть ва газ қурилишини монтажлаш трести 9-бошқармасининг Юрий Капустин бошлиқ монтажчилар бригадаси бизнинг кўз ўнгимизда 100 тонна юк кўтарадиган кран билан 110 тонналик колоннани бир соатда тиклади. Ҳамма уларни қизгин табриклади.

— Бу ҳақиқатан катта ғалаба,— деди қувончини яшира олмай 9-бошқарма бошлиғи Николай Медведев.— Олдин шу колонналарни ярим кун, гоҳида бир кун давомида ўрнатардик.

— Бу муваффақиятнинг сири нимада?— деб сўрадик бригада бошлиғидан.

— Инженерлик ҳисоб-китоби ёрдам бермоқда; тажрибамиз ҳам бор. Биз яқинда шу кранлар билан 180—200 тонналик қурилмаларни кўтардик,— деди у.— Авгал Латипов бошлиқ бригада аъзолари билан мусобақадоримиз Социалистик мусобақада катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдамиз.

Ҳақиқатан шундай. Чунончи, биринчи блок қурувчилари Р. Насибуллин бошлиқ участка механик аҳли, В. Суворов, М. Тодоров, А. Латипов, Н. Азарян, Р. Ғойипоев, Т. Тодоров бошлиқ бригадалар аъзолари ички резервларни сафарбар этиб, меҳнатни илмий ташкил қилиб, қурилиш суръатини жадаллаштирмоқдалар. Монтажчилар эса асбоб-ускуналарни, қурилмаларни йирик блок усулида йиғмоқдалар. Сўнгра улар ўз жойларига ўрнатилмоқда. Бу, биринчидан, монтаж сифатини яхшилашга ёрдам бермоқда, иккинчидан, ускуналарни синаб кўриш вақтини тежамоқда. Айниқса, Болгария Халқ Республикасидан келган бир гуруҳ ишчилар аъло натижаларга эришмоқдалар. Муборак газни қайта ишлаш заводи иккинчи ва учинчи навбати қурилишларида катта ишларни амалга оширмоқдалар.

— Совет халқининг қувончи — бизнинг ҳам қувончимиз,— деди биз билан суҳбатда қурувчилар бригадасининг бошлиғи Тодор Тодоров.— Советлар диёрининг кичкина бир парчаси бўлган Муборак биз болгарларнинг иккинчи уйимиз бўлиб қолди. Чунки бу ерга келиб ишлаётган кўпчилик мутахассисларимиз шу ерда бола-чақа кўрдилар, тўй-томошалар қилдилар. Фарзандларимиз В. И. Ленин номидаги мактабда таълим олмоқдалар. Уларнинг ўз она тиллари билан бир қаторда рус ва ўзбек тилларини ўрганишлари учун кенг имкониятлар мавжуд. Бундан ташқари, кўпгина болгар йигит-қизлари Совет Иттифоқининг турли олий ўқув юртларида таъсил олмоқдалар.


— Биз,— деди болгар қурувчилар группаси партия комитетининг секретари ўртоқ Димитр Корожиков,— КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди, Болгария Коммунистик партияси XII съезди қарорларини амалга ошириш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқдамиз. Социалистик мусобақада Харлампий Рибаров бошлиқ қурувчилар бригадаси пешқадамликни қўлдан бермаётди. Бу коллектив Муборак Газ саноати қурилиши трестига қарашли Нерсес Азарян раҳбарлик қилаётган бригада билан кўп вақтдан бери мусобақалашиб, ҳамкорликда иш юритмоқда.

Муборак район партия комитети ва унинг бюроси болгариялик қардошларга оммавий-ташкिलий ишларни амалга оширишда яқиндан кўмаклашмоқдалар. Совет-болгар қурувчиларининг машҳур кишилар билан учрашувлари, бадий ҳаваскорлик ансамблларининг чиқишлари уюштирилмоқда, илғор тажрибалар ўртоқлашилмоқда.


Муборакда ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Айниқса, қурилиш материаллари таъминоти соҳасида қийинчиликлар сезилмоқда. Баъзи ташкилотлар ўз ваъдаларини вақтида бажармаётирлар. Савдо, маданий-маиший, умумий овқатланиш, боқча-ясиллар соҳасидаги ишларни астойдил яхшилаш керак бўлади.

Қуёш бепоён чўлни беаёв қиздирмоқда. Кучли шамол эсиб турибди. Совет кишиларининг иродаси, жасорати ва матонати қақроқ чўлга ҳаёт бахш этмоқда. Муборак ишчилари, техниклари, инженерларининг меҳнат қаҳрамонлиги билан бутун мамлакатимиз фахрланмоқда. Бу Муборак меҳнаткашларини янги марраларни эгаллашга, қаҳрамонлик, жасорат кўрсатишга ундамоқда. Айниқса, ўн бешлар ташаббуси, ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш соҳасида республика қурилиш ва монтаж ташкилотлари илғорларининг ташаббуси Муборак газчиларини янги зафарларга руҳлантирмоқда. Шунинг учун бу ерда янги-янги меҳнат юлдузлари майдонга чиқмоқда. Улар ҳақида ҳали кўп очерклар, ҳикоялар, асарлар, дostonлар битилади. Муборак юлдузлари ўн биринчи беш йиллик китобининг қаҳрамонлари сифатида ёрқин из қолдирадилар. Бунга заррача шубҳа йўқ.

Эҳсон ТУРДИҚУЛОВ



Завод ишчилари учун барча шароит яратилган. Умумий овқатланиш ва савдо тармоқларининг иши яхши йўлга қўйилган. Гастроном сотувчиси Зинура Маматова сўт маҳсулотлари билан савдо қилаётди.



Газчилар шаҳри — Муборак тобора ободонлашмоқда. Унда янги турар-жойлар, маданий-маиший муассасалар қад кўтармоқда.



Завод марказий қисмининг умумий кўриниши.

А. ЗАБЛОЦКИЙ фотолари.

# ҚАНОТЛАР

Космонавтар шаҳарчаси — Звёздний Москвадан қирқ километрча шимоли-шарқда жойлашган. Биз осмонлар бинолардан бирининг еттинчи қаватида — ҳамюртимиз Жонибеков хонадонидамиз. Космонавтнинг рафиқаси Лилия Мунирова оросталик билан тартиб берилган альбомга эътиборимни жалб этади. Владимир Александрович ҳар бир сурат остига топқирлик билан маъноли шарҳлар битган. Биз ўтирган ўриндининг шундайгина устида эса Юрий Гагариннинг хонадон эгаси ишлаган барельефи осиглик турибди. Бу биринчи космонавтга Жонибеков қалбидаги оташин меҳр-муҳаббатнинг ифодасидир.

Гагарин инсоният тарихида коинот сари илк бор парвоз қилган пайтда Владимир ўн тўққиз яшар йигитча эди. 1961 йилнинг ўша баҳор тонгида тошкентлик йигитча қалбида ажиб бир орзу — космосни бўйсундирувчилар сафида бўлиш нияти туғилди. Ана шу аҳд, шижоат, гайрат, ирода самарасини берди: ўн етти йил ўтгач, Владимир Жонибеков «Союз-27» космик кемаси парвозини бошқарди.

Қирқ учинчи космонавтнинг таржимаи ҳоли газета саҳифасида 30 сатргина жойни эгаллайди, холос. Тенгдошлари қатори унинг ҳам босиб ўтган йўли ғоят қисқа ва оддий.

Коинотга парвоз қилиш — деярли барча болалар қалбини эгаллаган орзу. Бироқ космонавт бўлиш барчага насиб этавермайди. Улуғ орзу йўлида бетиним курашган, қийинчиликлардан чўчимаган, матонатли одамларгина мақсадига етади.

Шундай ҳолни кўз олдингизга келтиринг: Герман Титов 990 учувчи орасидан фақат икки кишини космонавтлиққа номзод қилиб танлади. Саралаш комиссиясининг ҳамма талабларига жавоб берган шу икки йигитнинг бири ҳамюртимиз Владимир Александрович Жонибеков эди. Бироқ Гагариннинг издоши бўлишдек шарафга эришмоқ учун яна анча олис йўлни босиб ўтиш керак эди...

Оилавий альбом саҳифаларини кўздан кечирарканман, беихтиёр космонавтнинг болалиги, орзуларига қанот бағишлаган ота-онаси ҳақида кўпроқ билгим келади.

Владимирнинг отаси Александр Архипович асли Запорожье областидан. У 1939 йили Ростов шаҳридаги ўт ўчириш билим юртини тамомлаб Ўзбекистонга йўлланма олади. 20 яшар комсомол

йигит Искандар посёлкасида ўт ўчириш командасини бошқара бошлайди. Кунларнинг бирида оёғи шикастланиб шифохонага тушади. Шифохонада медицина ҳамшираси Евдокия Фёдоровна Четвертнова билан танишиб қолади ва кўп ўтмай турмуш қурадилар. 1942 йили оилада Владимир, икки йил ўтгач, Александр (у ҳозир Владимир областида ирригатор бўлиб ишлайди) туғилади. Бўлажак космонавтнинг отаси 1955



— Космос инсоният манфаатларига хизмат қилмоқда, — дейди Владимир Жонибеков.

Е. ЛЕЙТМАН фотоси

йилгача аввал Дўрмонда, кейин Тошкентнинг турли районларида ўт ўчириш командаларини бошқаради. Сўнгра оила Москвага кўчиб кетади, ёш Володя эса Тошкент суворовчилар ҳарбий билим юртида ўқишни давом эттиради.

Биз яна «Союз-27» космик кемаси бўлажак командирининг болалиги ҳақидаги ҳикоямизга қайтамиз.

... Олти яшар бола ажиб манзарани ҳайрат билан кузатмоқда — шундайгина боши устида, нари борса юз эллик метр баландликда қуёшнинг кумушранг ёғдуларида кўзни қамаштириб, самолёт турли шакллари чизиб учмоқда. Володя ҳатто учувчининг юзини ҳам аниқ кўриб турибди. Чимён тоғи этакларида содир бўлган бу манзара унинг ёдидан ҳеч қачон чиқмайди. Ушанда пионерлар лагери болаларини экскурсияга олиб чиқишган эдилар. Владимир орадан кўп йиллар ўтганидан кейин, билса, болалиги осмонида мураккаб шакллар чизиб ўтган самолёт оддий «МИГ» экан.

Эслатиб ўтишимиз жоиз, Володя беш ёшидаёқ ўқиш ва ёзишни ўрганиб олган эди. Уша пионерлар лагерида у сувда бемалол сузадиган бўлди. Тошкент яқинида бўлиб ўтган тантанали ҳарбий ҳаво намойиши эса, отаси билан у ерга борган Володя хотирасида ўчмас из қолдирди.

Бўлажак космонавт биринчи синфни Тошкентда, Тўқимачилик комбинати яқинидаги 107-мактабда тамомлади, сўнгра ўқишни 50-мактабда давом эттирди. Шу мактабда пионерлар сафига ўтди. Ота-онаси Гоголь кўчасидаги 43-уйда истиқомат қиларди. Кўричак операциясидан кейин эса Володя учинчи ва тўртинчи чоракда уйга яқин жойлашган 44-мактабда ўқиди. Боланинг омади юришмади: қизлардан иборат синфда у ёлғиз ўғил бола эди. Бироқ Володя ҳам барча болалар сингари тўполончи эди. Бир пайт юқори синф болалари унга таҳдид қилганларида қизлар орага тушиб жанжалнинг олдини олдилар. Бу воқеаларни чехрасида ним кулги билан эслар экан: «Болалик экан-да, — дейди Владимир Александрович, — бироқ мен ўша йиллари спорт билан чинакамга шугулланишга аҳд қилганим ҳамон ёдимда».

Суворовчилар билим юрти мактаб яқинида жойлашган бўлиб, Володя тенгдошлари билан девор тириқчиликларидан ичкарига ўғринча боқар, суворовчиларнинг либоси болаларда ҳавас уй-

готар эди. Тез орада оилавий кенгаш ўн бир яшар Володяга оқ йўл тилади:

— Мақсадинг суворовчи бўлиш экан, ниятинг йўлдошинг бўлсин!

Болалиқдан расм чизишга ишқибоз Володя билим юртида ҳам семилла машғулотини давом эттирди. Асосан самолётлар расмини чизишни хуш кўрар, қанотлар шакли завқига завқ қўшар эди. Шу йиллари Жек Лондон қаҳрамонларига ихлос кўйди, И. Ефремовнинг «Андромеда туманлиги» романини қайта-қайта ўқиди, К. Циолковский асарлари деярли ёд бўлиб кетди. Билим юртининг олтинчи синф талабаси Володя бир кунни дўсти Олегга юрагининг тубидаги энг нозик сирни очди: «Ниятим — коинотга парвоз қилиш!». 1961 йили ҳарбий комиссарликда майор Воробьевга: «Мени космонавтар гайёрлайдиган жойга юборишингизни сўрайман», деб мурожаат қилди.

Юлдузлар сари йўл ҳамюртимиз учун ана шундай бошланган эди.

... 1958 йил Володя хотирасида бир умрга муҳрланиб қолди. У биринчи марта кўкка парвоз қилди. Албатта, йўловчи сифатида. Тошкентдан кўтарилган «ИЛ-14» самолёти Боку сари учиб бораркан, ўн олти ёшли ўспирининг завқи ичига сиғмасди. Қалби учувчилар хонасига таппинар, штурвални ўз қўли билан ушлаб кўргиси, шлёмофонни бошига, бир неча дақиқа бўлса-да, кийгиси келар эди. Бироқ номус кучлилиқ қилиб ўзини зўр-базўр тутиб борарди.

Бу пайт ота-онаси Черкасскда яшар эди. Володя улар ҳузурда парвоздан олган таассуротларини завқу шавққа тўлиб-тошиб сўзлаб берди. Худди шу ёзда Володя ҳаётида яна бир воқеа содир бўлди. Ишонасизми, йўқми, бир қарашдаёқ пайдо бўлган муҳаббат эди бу!

Қоракўз бир қизча кўчани кесиб ўта бошлади. Нигоҳлар тўқнаш келди, чехраларда ажиб бир ифода зуҳур топди. 1958 йилнинг 18 июлини улар ҳамшайлиққа эслаб қолдилар. Ҳар ким ҳам бундай кунни ёдида сақлаб қололмайди. Звёзднийда Жонибековлар хонадониде ўтирар эканман, Лилия Мунирова бу воқеани эслаб деди:

— Дастлабки таассурот ҳамиша кучли бўлади. Чехрасида қалб самимияти балқиб турган инсон билан мулоқотда бўлиш одамга мадад бағишлайди.

... Тошкентдан Черкасскка, Черкасскдан Тошкентга мактублар қанот қоқа бошлади. Сўнг ёзишмалар оқими Тошкентдан Ставрополь томон ўзгаради — Лилия музика билим юртига ўқишга қиради. Бир-икки йил ўтгач, у Саратов консерваториясига қабул этилади, Володя эса Москва Давлат университетининг астрономия бўлимига ҳужжат топширади. Тошкентдаги суворовчилар ҳарбий билим юртининг ўқитувчилари Володя ақлий қобилиятининг математикага мойиллиги, инглиз тилини аъло даражада билиши, география, астрономия, радиотехникага ўта қизиқиши каби хусусиятларини бежиз таъкидлаб кўрсатишмаганди. Аммо Володя имтиҳонлардан аъло даражада ўтса ҳам конкурс ниҳоятда катта эди. Пировардида у худди шу баҳолар билан Ленинград университети физика факультетида омадини синаб кўради ва ўқишга қабул қилинади. Бироқ кўп ўтмай Александр Архипович зудлик билан Ленинградга учеди — ўғлининг аҳоли унинг оромини бузган эди. Фазо ҳақидаги орзу Володянинг бутун борлигини яна қамраб олган, унинг қаршисида икки йўл — ё физика, ё авиацияни танлаш муаммоси кўндаланг бўлган эди. Отаси ўғлига маънавий мадад берди. Уша оғир дамларда: «Фазо йўлини танлаганингдан хурсандман», деб ёзди Лилия ҳам Володяга.

Владимир авиация билим юртига кириш учун ярим йил мобайнида тайёргарлик кўрди. Жисмоний жиҳатдан ўзини чиниқтирди. Акс ҳолда самолёт штурвалидан бенасиб қолиш ҳеч гап эмас эди.

1962 йилнинг 6 июнида биринчи марта «ЯК-18» самолётини мустақил бошқариб ҳавога кўтарилди. Сўнгра товушдан тез учар қирувчи самолёт Владимирнинг ихтиёрида бўлди. Ейск авиация билим юртидаги ўқиш йиллари ҳам тез ўтиб кетди. У бу ерда куну тун само билан чинакамга мулоқотда бўлди. Билим юртининг жамоат ҳаётида фаол қатнашди.

... Хонадон соҳиби ҳузурда ўша йиллардаги фотосуратларни кўздан кечиранман. Бир суратда Володянинг ҳавога илк парвозидан кейинги хуш-чақчақ қиёфаси акс этган.

— Мана бу суратга назар ташланг, — дея таклиф этади Лилия Мунирова.

Келин-куёвнинг бахтиёрлик оилари муҳрланган ноёб сурат. Воқеа учувчилиқ билим юртини тугаллашдан бир йил аввал содир бўлади. Володя ЗАГСда ҳужжатларни тўлдирар экан, «Бундан кейин қайси фамилияда бўлишни лозим кўра-



Космонавт В. Жонибеков Тошкентда, бир вақтлар ўзи ўқиган 50-мактаб ўқувчилари даврасида.

сиз?», деган савол қаршисига «Жонибеков», деб ёзади. Айтиш керакки, Лилиянинг оға-инилари йўқ эди. Бобоси Ҳамид Жонибеков нўғой ёзуви асосчиси ва Шимолий Кавказда таниқли маърифатпарвар ҳамда жамоат арбоби эди. Лилиянинг отаси Мунир-Абдулнинг касб-кори зоотехник, ўзи бу ўлкада совхозлар ташкил этиш ташаббускорларидан бўлган. Лилиянинг отаси оилавий сулолани давом эттириш илинжида эди. (Володянинг фамилияси Крисин бўлиб, у қадар жарангдор эмасди). Володя ўзи аллақачон чинакам аъзосига айланган оиланинг истагига пешвоз борди. Икки оила ўртасидаги қариндошлик туйғулари ана шундай бирлашди. Бир сўз билан айтганда, кўп миллатли совет мамлакати шу оила мисолида ҳам тажассумини топди. Александр Архипович — украин, Мунир-Абдул Ҳамидович — нўғой, уларнинг турмуш ўртоқлари Евдокия Фёдоровна ва Лидия Мефодиевна — рус. Чинакамига интернационал оила!

Орадан бир йил ўтди. Ёйк авиация билим юрти бўйича чиқарилган буйруқда бундай дейилган эди: «Жонибеков меҳнатсеварлиги ва маъсулият ҳиссини чуқур англаши билан ажралиб туради. Уқув йиллари давомида 52 фандан имтиҳон топшириб, 44 та «аъло», 8 та «яхши» баҳо олди. Лейтенант Владимир Александрович Жонибеков билим юртида инструктор учувчи сифатида қолдирилсин».

Ҳамюртимиз, Ўзбекистон комсомоли вояга етказган Владимир Жонибеков машаққатларни енгиб, доимо голиб чиқишга интилди. Космонавтика даъвогарлар учун беш ой давом этадиган имтиҳонларга ҳозирлик кўришга аҳд қилиши ҳам унинг ана шу характеридан келиб чиққан эди. Синовлар бири биридан мураккаб эди. Тафаккур шиддати, хотира ўткирлиги, вазиятни зудлик билан баҳолай билиш, топқирлик, аниқ мақсад сари интилиш ва яна бошқа бир қанча қобилиятлар текширув объекти эди. Албатта, назарий тайёргарлик ҳам энг муҳим масалалардан бўлди.

1970 йили Володяга икки томонлама бахт кўлиб боқди: у космонавтар оиласига ва КПСС аъзолигига қабул қилинди.

Володя хотини Лилия ва қизчаси Инна билан Звёздний шаҳарчасига кўчиб ўтди. Икки йил кейин эса ҳали фазога парвоз қилмасдан туриб янги совет космонавтининг номи жаҳонга маълум бўлди. Романенко, Рюмин, Иванченков ва бошқалар билан бир қаторда Жонибеков «Союз» — «Аполлон» программасини бажаришга ҳозирланган «Союз-19» космик кемасининг резерв экипажи таркибига киритилди. Океан ортига саёҳат, Хьюстон ва Звёзднийда америкалик аэронавтар билан ҳамкорликда ўтказилган машаққат ўнлаб фотосуратларда муҳрланиб қолган. 1975 йили «ЭПАС» программаси ниҳоясига

етгач (резерв экипаж зарур бўлмади), Жонибеков янги топшириқларни ижро этишга киришди.

Бойқўнғирга жўнар экан, рафиқаси Лилия ва қизлари Инна ҳамда Ольгага:

— Хавотир олманглар, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади!— деди очик чеҳра билан.

Орадан бир оз вақт ўтади. Отаси ва унинг дўсти Олег Макаровни телевизор экранида кўрган Ольга:

— Ойижон! Нима бўлди, дадам энди телевизорда ишляптими?— деб ҳаяжон билан онасидан сўрайди.

Владимир Жонибеков ва Олег Макаровнинг Ер орбитасидаги беш кунлик экспедицияси давомида «ташриф буюриш экипажи» деган янги ибора пайдо бўлди — космик кема биринчи бор «Салют-6» орбитал станцияси билан туташирилди. «Прогресс» транспорт кемалари ҳамда «Интеркосмос» программаси иштирокчилари — социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари космонавтарининг парвозларини эътиборга олганда «Союз-27» космик кемаси фазони тадқиқ этишда янги босқични бошлаб берди.

... Мана, у яна фазовий кенгликларда кезмоқда. Бу сафар у Монголия Халқ Республикасининг фарзанди Жугдэрдэмидийн Гуррагча билан бирга «Союз-39» космик кемасида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Биринчи космонавт Юрий Гагариннинг фазога парвоз қилганига йигирма йил тўлиши арафасида коинот сари йўл тутган бу қардош биродарлар икки халқ ўртасидаги азалий дўстликнинг яна бир янги саҳифасини очдилар. Монголия Халқ революциясининг 60 йиллиги арафасида МХРнинг биринчи космонавти Ж. Гуррагча жаҳон космонавтар сафида юз биринчи бўлди. Унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Монголия Халқ Республикаси Қаҳрамони унвони берилди. Еттинчи халқаро экипаж парвози Ленин ва Сухэ-Батор асос солган икки халқ ўртасидаги дўстликнинг унутилмас намойишига айланди.

Инсоннинг коинот сари парвозга интилиш туйғуси чексиз. Жасур юртдошимиз, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Монголия Халқ Республикаси Қаҳрамони Владимир Александрович Жонибеков янги парвозларни қўмсайди, чексизликка интилади, космосга боғлиқ илмий-тадқиқотлар самараларини инсоният манфаатлари, жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат этириш руҳи билан яшайди.

Коммунистик партия ва совет халқининг қудрати Владимир Жонибековга фазовий кенгликлар сари қанот бағишлайди. Бу қанотлар уни янги-янги жасоратлар сари ундамоқда.

#### Шаҳобиддин ЗАЙНИДДИНОВ

Звёздний — Войқўнғир — Тошкент



Тоҳир ҚАҲҚОР

\* \* \*

Агар шу кўзларим юлдуз бўлганда,  
Сен қайда юрсанг ҳам, излаб топарди.  
Тунда, кўзларингга уйқу тўлганда,  
Бир нурли ўпич-ла лабинг ёпарди...

Агарда овозим бўлганда шамол,  
Хушбўй изларингдан тинмай чопарди.  
Қадрдон қаддингга етгани ҳамон,  
Сочингни тортқилаб, ўйнаб, ўпарди!..

Юлдуз-ку бўлолмас кўзим ҳеч замон,  
Ҳеч қачон овозим шамол бўлолмас —  
Аммо, мен сени деб гоҳида шамол  
Ва юлдуз бўлмоқни қиламан ҳавас!

\* \* \*

Инсон қанча орзу қилса ҳам  
Болаликка қайтиб бўлмайди, —  
Туғилгандан ўйлайди одам:  
«Қандай қилса, инсон ўлмайди?..»

Одам қариб борар дам-бадам,  
Ёшлик — унинг армон, орзуси...  
Чиқиб кетар диллардаги ғам  
Эшитилса бола кулгуси!..

Болаликка қайтмоқлик осон —  
Басдир қалбда бўлса пок ният:  
Болаликка ҳар кунни, ҳар он  
Олиб борар бизни Шеърят!

\* \* \*

Мен баъзида абадият ҳақида ўйлаб,  
Деразадан  
Узоқ тоққа қараб, толаман.  
Икки кунлик «тириклик»ни халтага жойлаб,  
Автобуста  
Тоққа томон жўнаб қоламан.

Автобусдан тушаман-у, жим, ёлғизоёқ  
Йўлдан аста интиламан кўм-кўк тоғ томон.  
Кўзларимга ором берар яшиллик, ўтлоқ,  
Мангуликка етишгандай яйраб кетар жон!..

Баланд тоққа яқинлашиб борганим сари,  
Узоқлашар мендан пастда қолган қишлоқ ҳам.  
Гўё, вақтдан ва замондан чиқиб ташқари,  
Абадият ичра ўзни сезаман шу дам!

Харсанг тошга ўтираман, қарайман ҳар ён:  
Тиниқ осмон... тиниқ ранглар... тиниқ сукунат...  
Келар фақат чигиртканинг овози бу он —  
Балки, шудир мен излаган у абадият!..

Оқшом қўна бошлар... Мен бу сирли макондан  
Узоқлашиб, автобуста чиқаман шошиб —  
Учиб борар автобус ҳам: шаҳар томондан  
Чорлар мени абадият қучоғин очиб!

## Ошиқона

Бу муҳаббатли жаҳонда сен хаёлу мен хаёл,  
Мен сенинг одингда ҳам сен менинг

олдимда лол!

Ишқимиз, бор-йўғимиздан дунёга йўқдир малол,—  
Аслида ҳеч арзимас ўйлаб ўтирмоққа бу ҳол,  
Биз-чи; ўйлаймиз: ахир биз — ошиғу ошифтаҳол!..  
Истамам: бир лаҳза ҳижрон доғида ўлтирмасам,  
Ой каби ҳар кеча бир тун чоҳида ўлтирмасам,  
Ё гаминг дарёсининг қирғоғида ўлтирмасам;  
Сен билан айни йигитлик чоғида ўлтирмасам,—  
Ўлдирар армон мени, сўлдирадир бир гул мисол!  
Порласин ой, эй шамол, сен бу булутли кўкни йиқ!  
Мен сени излаб борурман, эй севинчим,

йўлга чиқ!

Дўстгинам, ишқу қувончсиз бу жаҳон тору биқик,  
Ёрга етсам, бас, мени Тоҳир каби сандиққа тиқ,  
Сўнг мени сандиқ билан энг тезоқар дарёга сол!..



Ҳамюртимиз дастхати — муборак эсдалик.

Ш. ЗАЙНИДДИНОВ фотолари

# ГЕРМАН ЛОПАТИН ТОШКЕНТДА

**Т**ОШКЕНТ Россия империясининг мустамлакасига айланган Туркистоннинг маъмурий маркази бўлгани ҳолда, типик чекка бир шаҳар эди; унда сиёсий ҳаёт анча суст, биттагина газета нашр қилинар, биттагина кутубхона ишлаб турар, театр йўқ, музей йўқ эди. Бироқ, қоронғу кечада кичик юлдуз ҳам жуда ёруғ кўринганидек, прогрессив шаҳар зиёлиларининг П. И. Хомутов ва Е. Л. Хомутова хонадонида бўлиб турадиган, илмий адабиётда «Хомутовлар тўғраги» деб ном олган суҳбатлари шаҳар ижтимоий афкорининг марказига айланган эди. Хонадон эгалари ҳам, уларнинг меҳмонлари ҳам мавжуд тузумнинг душманлари эмас эдилар. Бироқ уларнинг кўпчилиги руҳига революцион ҳаракатнинг шарпаси тушган эди. Жумладан, уй эгаси П. Хомутов замона зўрларининг ғазабига учраб, Туркистонга келиб қолган медик бўлса, рафиқаси студентлар ғалаёнларида иштирок этгани учун солдатликка берилган ва Туркистонга юборилган акасига ҳамдардлик юзасидан унинг чекка ўлкадаги машаққатларини баҳам кўришга азм қилган жасур ва оқила аёл эди. Хомутовлар хонадони доимо дўстлар билан гавжум бўларди. Бора-бора бу қалби соф, қўли очик оиладаги йиғинлар мунтазам тусга кирди ва муайян йўналиш касб этди. «Хомутов тўғраги» ўз олдига маърифатчилик вазифаларини қўйган эди. Лекин унга Туркистон ўлкаси халқларининг тақдири ҳақида қайғурадиган кишилар, сургундаги студентлар, таъқиб қилинган олимлар, врачлар келар эдилар. «Хомутовлар уйида турли вақтларда Н. А. Северцев, А. П. Федченко ва О. А. Федченко, В. Ф. Ошанин ҳам бўлган эдилар. 1880 йилнинг охирида бу ерда Г. А. Лопатин пайдо бўлди», деб ёзади журналист Г. Димов.

Лопатиннинг тўғрада учрашган тошкентликлар билан қандай муносабатда бўлганлигини аниқ таърифлаш учун етарли маълумот йўқ. Лекин биз В. Ошаниннинг ўғли — ТошДУ профессори Л. Ошанин ва унинг рафиқаси — кекса педагог Н. Остроумова-Ошанина хотираларини эшитдик, шу тариқа Г. Лопатин ҳақида қўшимча маълумотларга эга бўлдик. В. Ошаниннинг ўғли ва келини революция арафасида Петроградда Г. Лопатин билан мунтазам учрашиб турганликларини сўзлайдилар, унинг Тошкент ҳақидаги эсдаликларини хотирлайдилар. Г. Лопатинни оташин революционер ва ажойиб инсон сифатида тавсифлай-

Охири. Боши журналистнинг 6-сониди.

дилар. Шу нарса диққатга сазоворки, Хомутов тўғраги аъзоларининг баъзилари билан Г. Лопатин астойдил сирдош бўлган. Бу гап, даставвал, гимназия ўқитувчиси, табиатшунос В. Ошанинга тааллуқли. Маълумки, Г. Лопатин ҳам Петербург университети физика-математика факультетининг табиат бўлимини битирган. Шунинг учун уларнинг суҳбат мавзулари ҳам муштарак эди. В. Ошанин ўзининг Сирдарё ва Мирзачўлга, шунингдек, Фарғона водийсига қилган илмий экспедициясига Г. Лопатинни ҳам олиб боргани тасодифий эмас, албатта. Бироқ уларни сирдош қилган чуқурроқ илдизлар ҳам кўзга ташланади. Г. Лопатин умрининг охирида Петербургда яшади ва бу ерга кўчиб борган В. Ошанин хонадони билан мунтазам дўстона алоқада бўлди: «ҳар ҳафтанинг жума кунини вақтини шу оилада ўтказди. Ҳолбуки, Г. Лопатин билан бундай алоқа Ошанинлар оиласини шубҳага қолдириши мумкинлигини ҳаммалари яхши билар эдилар. Шу нарса аниқландики, Г. Лопатин сургундан қайтганидан кейинги йили Тошкентга сиёсий полициянинг махфий хати келади. Унда жумладан, «қўлга тушган давлат жиноятчиси Г. Лопатиннинг хотира дафтариди: «Тш Ошанин В. Ф. Д. Элз. Ив. гимназия», деган қайд топилган», дейилади.

Шубҳасиз, бу қайдда Г. Лопатин тошкентлик дўсти Василий Федорович Ошанин ва унинг рафиқаси Елизавета Ивановна Ошанинани кўзда тутган. Чиндан ҳам, полициянинг ўша мактубидан сўнг Ошанинлар оиласи назорат остига олинади. Бироқ шунда ҳам закий олим инқилобчи дўсти билан алоқани узмайди. Тошкентдан кетгандан сўнг Вологдада полиция айғоқчиларини қалғитиб чет элга қочганини ва «Жуда хавфли давлат жиноятчиси» сифатида айбланиб, узоқ муддат Шлессельбург қалъасида қамалиб чиққанини билгани ҳолда В. Ошанин ўзининг Г. Лопатин билан дўстона муносабатини ўзгартирмаган экан, бунинг чуқурроқ илдизлари бор, албатта. Чунки Тошкентда яхши кўрган куёви Глинка-Янчевскийникида турмай, В. Ошанинникига кўчиб ўтганлиги уларнинг ҳамкасб эканликларини туфайлигина бўлмаса керак. Бу икки ажойиб рус кишисининг самимий дўстлигига сабаб уларнинг «Народная воля» ташиклоти Ижроия комитети аъзоси Мария Николаевна Ошанина (Полонская) билан бўлган маслакдошлиги эмасмикин? Зеро, Г. Лопатин бу революционер аёл билан ҳаммиша яхши муносабатда бўлган, уни ҳурмат қилган, у билан ҳамкорликда ишлаган. Буни, жумладан, шунда ҳам кўриш мумкинки, Г. Лопатин

Тошкентдан Вологдага, у ердан чет элга кетиши биланоқ Ф. Энгельс билан учрашади ва Россиядаги революцион ҳаракатнинг характери ва тақдири ҳақида суҳбатлашади. Бу суҳбатдан олган таассуротлари, ўзини тўлқинлантирган ҳисларни ичига сиғдирилмай, дилидагиларни энг яқин маслакдошлари билан ўртоқлашиш эҳтиёжини сезади. Шунда у дилидаги ўйларини биринчи бўлиб М. Ошанинга айтишни лозим топади ва 1883 йил 20 сентябрда унга тўлиб-тошиб мактуб ёзади. Уз навбатида М. Ошанина ҳам Лопатинни қадрлаган ва шу сабабли уни баъзи хавфли ҳаракатлардан сақлашга интиланган.

Г. Лопатиннинг М. Ошанина билан бир умр давом этган ҳамкорлиги бу жасур революционер Тошкентга сургун қилинишидан анча олдин бошланган эди. Бинобарин, худди шу фамилиядаги киши билан учрашганида унинг М. Ошанина ҳақида эсламаслиги ва сўзламаслиги мумкин эмас эди. У революционер аёлнинг Ошанинлар авлоди билан қариндош-уруғлик муносабатларини албатта суриштирган бўлса керак. Ҳозир В. Ошаниннинг келини Н. Остроумова-Ошанина ва набираси Е. Майская бундай қариндошлик муносабати бўлмаганини айтадилар. Ҳар қалай, Г. Лопатиннинг бу жасур рус аёли ҳақидаги мақтовлари фамилиядош соф виждонли рус кишисига маъқул тушгандир, деб ўйлаймиз. Ҳокими мутлакнинг Г. Лопатин сингари душмани В. Ошанин учун ҳаммиша азиз ва муҳтарам шахс бўлиб қолган экан, нега жасур революционер аёлга у хайрихоҳ бўлмасин! Ниҳоят, яна бир тахмин. Орел губерниясидаги дворянлар зотиға мансуб бўлган Оловенникова Ошанин деган кишига эрга тегиб, унинг фамилиясини қабул қилган. Кейин у «Марина Полонская» ёки «Мадам Якобсон» деган конспиратив номлар билан юрган: аммо манбаларда у, асосан, Ошанина фамилияси билан учрайди. Бу аёл ҳақидаги хотиралардан ҳозирча эрининг кимилиги ҳақида аниқ маълумот топа олмадик. Шунга қарамай, М. Ошанина балки Ошанинлардан бирортасининг қайлиги бўлгандир, ёки Мария Николаевнанинг онаси эмиграцияга жўнагандан кейин бувиси Любовь Даниловна Оловенникова қўлида тарбияланган қизи Елизавета Василий Федоровичнинг иккинчи рафиқаси Елизавета Ивановна эмасмикин? Янги фактлар топилса, жумбоқларга жавоб чиқса, балки Г. Лопатин ва В. Ошаниннинг жуда иноқлашиб кетишининг яна бир қалити топилган бўлар эди.

Ҳозирча хулоса шуки, Г. Лопатиндек кенг назарий билим ва революцион тажриба эгасининг Тошкент

зиёлилари доирасида пайдо бўлиши изсиз қолмасди. Уша пайтгача фақат либерал-маърифатпарварлик ғоялари билан яшаб келган даврада бу революционернинг эътиқоди ва жасорати янги оҳанг бўлиб янрагани шубҳасиз. Хомутовлар хонадони энди К. Маркс, Ф. Энгельс, Интернационал, Париж Коммунаси ва «Капитал» ҳақидаги гаплардан хабардор бўлади, бу гаплар революцион воқеаларнинг жонли шоҳиди, К. Маркс ва Ф. Энгельснинг яқин дўсти орқали етиб келади. Г. Лопатиннинг ҳикоя қилиб бериш маҳорати ва нотиклик жозибаси кучли эди, унинг суҳбатлари ғоят катта таассурот қолдирарди. Унинг Туркистондаги фаолиятига оид ҳужжатларни ўрганган тарихчи Б. Луинининг аниқлашича, К. Маркснинг дўсти Тошкентда экан, маҳаллий аҳолининг онгини юксалтириш, унга рус помешчигидан рус меҳнаткашини ажратишда ёрдамлашиш, ер ва сувни адолатли тақсимлаш, маориф ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш, эзилган халқ тақдирини энгиллатиш вазифалари ҳақида кўп гапирарди. Бу ўринда диққатга сазовор нуқта шуки, ана шу кезларда Г. Лопатин марксизм билан чуқур таниш эди, К. Маркс ва Ф. Энгельс билан бир неча йиллик ҳамкорлик натижасида унинг қарашларида изчиллик пайдо бўлган эди. Буни унинг миллий масалага муносабатида айниқса аниқ кўриш мумкин. Зеро, у Хомутов тўғрагида чин интернационалист сифатида кўринди.

Г. Лопатин Туркистонга марксизм таълимотининг илк чўғини олиб келди, кейинроқ революция буронларида бу чўғ олов олди. Г. Лопатиннинг Туркистонда яшашининг аҳамияти шунда.

Йигирма йиллик уқубатли қамоқ азоби натижасида Г. Лопатиннинг соғлиғига пугур етган эди. 1905 йилнинг суронли кезларида у даволашни мақсадида узоқ вақт чет элда яшашга мажбур бўлди.

Россия ижтимоий ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди: озодлик ҳаракати социалистик революция босқичига кўтарилди, ишчилар ҳаракати социализм ғоялари билан қўшилди. Янги типдаги сиёсий партия, марксизм назарияси билан қуролланган, социалистик революциянинг тантанаси учун курашга содиқ бўлган РСДРП ташкил топди, марксизмни ижодий ривожлантирган, ижодий марксизмни янги классик асарлар билан бойитган Владимир Ильич Ленин бу партияга раҳбарлик қилди. Қамоқдалигида сиёсий ҳаётдан узилиб қолганини, ҳаётдаги янги тенденцияларни илғаб ололмаётганини пайқагач ва соғлиғи ёмонлиги

туфайли Г. Лопатин актив революцион фаолиятдан четлашди. Шунга қарамай, баъзан жуш уриб, революцион воқеалар қаърига интилди. Бу софдил арбобнинг ғайратини тўғри йўлга солиш мақсадида, Г. Лопатин билан эмиграцияда тез-тез учрашиб турган М. Горький В. И. Лениннинг диққатини унга жалб этишга ҳаракат қилади.

Лекин соғлиғи заифлашган Г. Лопатин ҳаётининг сунгги пайтларида Россиядаги революцион кўтарилишни бошқарувчилар сафида бўлолмади. Аммо революция манфаатларига руҳан содиқ эди. Унинг ёрқин ҳаёти бутунча революцияга бахш этилган эди. Революцион фаолиятининг тонгида ҳам, поёнида ҳам халқ манфаатларини ҳимоя қилишни ҳаётининг асосий мазмуни деб билди. Революцион аламининг кучайиши учун хизмат қилишни ўзи учун энг юксак шараф деб ҳисоблади. Фикримизнинг далили сифатида революцион ҳаракатнинг икки хил палласида у айтган икки фикрни келтириш билан кифояланиш мумкин.

1887 йили «Народная воля» ташкилотининг 21 аъзоси устидан суд бўлган эди. Охирги сўз навбати Г. Лопатинга келади. «Мен шафқат тиламайман ва афсусланмайман ҳам,— дейди у мағрур туриб.— Мен дунёда ўзимга энг қимматли бўлган мақсад учун ҳали жуда кам иш қилдим, шунингга қаттиқ ачинаман. Агар энди унга ўз ҳаётим билан хизмат қила олмас эканман, шунга аминманки, уни ўз ўлимим билан обрўсизлантirmайман ва қандай яшаган бўлсам, шундай қаттият ва соф виждон билан ўлиб кетаман».

Г. Лопатин билан бирга бошқа революционерлар ҳам ўлимни мана шундай мағрур ва мардонавор кутиб олган эдилар. «Мени дор кутмоқда,— деган эди темирчи ишчи П. Л. Антонов,— бироқ бу мени ғуғулага солмайди, мен хайрли келажакка ишонаман. Мен ана шу келажак учун курашдим ва ҳалок бўлман. Мен жаллодларимизга революционерлар қандай ўлишларини кўрсатиб қўяман».

Ҳа, Г. Лопатин ёлғиз эмас эди: «21 лардан бир ярим ой муқаддам А. И. Ульянов ва унинг маслақдошлари ҳам ўлимни худди шундай матонат билан, мардонавор кутиб олган эдилар. Александр Ульянов судда озодлик душманларига тик қараб, комил ишонч билан: «Рус халқи орасида ўз гоъларига шу қадар содиқ ва ўз ватанининг мусибатини шу қадар оташин ҳис этадиган ўнлаб одамлар доим топилади, улар учун ўз иши туфайли ўлиш шарафлидир. Бундай кишиларни ҳеч нима билан қўрқитиш мумкин эмас!», деган эди.

А. Ульянов мардонавор шахс сифатида халқнинг озодлиги йўлида шарафли ўлимни қабул қилди. Г. Лопатин ҳам олий гоъларга учун кураш туфайли ўлим жазосига маҳкум этилган эди, аммо бу жазо кейинроқ ўқубатли ўлим— абадий қамоқ жазоси билан алмаштирилди. Қамоқ аъзолари революционернинг соғлиғини кемирди, аммо пок виждони ва халқ озодлиги ишига садоқатини, кемира олмади. У чоризмининг ҳалокатини беҳад қувонч ва буюк мамнуният билан кутиб олди. Кўзи ғира-ширагина кўрадиган, қулоғи оғирлашиб қолган Г. Лопатин 1917 йил 24—28 февраль кунлари эртдан кечгача пойтахт кўчаларини кезди, уйга кела солиб, ўша унутилмас кунлар таассуротини хотира дафтарида ёзди. «Бир неча бор,— дейилди қайдларидан бирида,— милтиқ ва пулемётлардан отилаётган ўқлар остида менинг тасодифий йўлдошларим тарқалиб кетганларида ҳам, мен тура бердим, чунки шундай тантанали кунда ўққа учиб ўлишни ҳам ўзим учун бахт деб билардим...»

Куч-қувватга тўла пайтларида революцион фаолиятни биринчи планга қўйиб, «Капитал»нинг таржимасини якунлаш учун фурсат топа олмаган бўлса, энди соғлиғининг ёмонлашуви ва воқеалардан бир қадар ортда қолиши туфайли ўзи истаган даражада амалий фаолият билан шуғуллана билмай, К. Маркс, Ф. Энгельс, Н. Даниельсоннинг ёзишмаларини рус тилига таржима қилди. Бу билан у дўстлари хотирасига ўлмас ҳайкал қўйди ва айна пайта К. Маркс ва Ф. Энгельснинг рус жамоат арбоблари билан ёзишмаларини оммалаштириш ишини бошлаб берди.

Г. Лопатиннинг 10-йилларда қилган хайрли ишларидан бири— рус революционерлари билан доимий ёзишма ва уларга қўйдан келганча ёрдамлашиш бўлди. Унинг бу соҳадаги ҳужжатлари жуда кам ўрганилган. Ана шу эпистоляр материал эса Россияда буржуа демократик революциясининг социалистик революцияга ўсиб чиқиши даврида айрим рус жамоат арбобларининг фаолиятини кенгроқ ёритишда ёрдам берадиган муҳим инсоний ҳужжатлардир. Биз Г. Лопатиннинг тошкентлик бир рус аёлига йўллаган ва кенг китобхоналар оммасига ҳали маълум бўлмаган тўртта мактубига журнал-хонлар этиборини тортмоқчимиз.

«Тараққий» газетасининг ношири ва муҳаррири Исмоил Обидов ҳақидаги материалларни излаб, унинг қизи Ирина Измайлова Фабитова қўлида сақланган оилавий архив ҳужжатлари билан танишар эканмиз, Исмоил Обидовнинг хотини Вера Ивановна Яковлевани (у кейинроқ эрининг фамилиясини қабул қилган) шахсий ҳужжатлари орасида Г. Лопатиннинг 1909—1910 йилларда унга ёзган тўртта хати ва иккита фотосуратига дуч келдик. Бу ёзишма мавжуд илмий адабиётда акс этмаган. Шу сабабли мазкур мактублар ва суратларнинг тарихи ҳақида сўзлаганда Вера Ивановнанинг қизлари ва айрим хизматдошларига сўзлаб берган оғзаки маълумотларга таянамиз.

И. Фабитованинг ҳикоя қилишича, унинг тоғаси Иван Иванович 1905 йил революциясидаги иштироки учун ҳукумат томонидан таъқиб қилиниб, Руминия ва Болгария орқали Италияга қочиб кетади. Бу вақтда Манжурияда ҳарбий хизматда бўлган отаси ҳам ўғлининг революцияда иштирок этишидан норози бўлади ва унинг қайтиб келишига руҳсат этмайди.

«Вера Ивановна,— дейилади И. Фабитова бизга ёзиб берган маълумотда,— доимо акиси билан алоқа боғлаб турар ва унга онаси юборган ёрдамни етказар эди, шу мақсадда деярли ҳар йили Италияга бориб келарди».

Шундай сафарлари пайтида— чет элда Вера Ивановна Г. Лопатин билан танишади. Чунки бу вақтда Вера Ивановна революцион ҳаракатда иштирок қила бошлаган эди. «Вера Ивановна 1906—1910 йиллар мобайнида,— дейди И. Фабитова,— социал-демократ максималистлар гуруҳлари учун Финляндияга қуроляроғ олиб бориш ва пул етказиб беришда ёрдам кўрсатарди».

Қизлари ва хизматдошларининг ҳикоя қилишича, В. Яковлева 1907 йилда шу максималистларга ёрдам уюштириш ҳақидаги топшириқ билан Тошкентга келади ва шу ерда консерватив квартирада «Тараққий» газетасининг муҳаррири Исмоил Обидов билан танишади. Уларнинг қарашларидаги ҳамфидрлик дўстликка, муҳаббатга айланади ва улар ўз тақдирларини бир умрга боғлашга қарор берадилар. Бироқ диний айирма туфайли уларнинг бу аҳду банди революциягача расмийлаштирилмаган эди. Суронли йилларда икки томонда қолиб кетган эр-хотин

йили қайта топишиб, Москвада никоҳлари қайд этилади ва шундан этиборан Вера Ивановна эрининг фамилиясига ўтади.

Вера Ивановна акасидан хабар олгани Италияга борган кезларида Г. Лопатин актив ижтимоий фаолиятдан бир қадар чекинган эди. Шунга қарамай, ҳар қандай оғир жангга шай турган навқирон қиз Герман Александровичга жуда маъқул тушиб, уни синглиси Людмила Александровна билан таништириб ҳам қўяди. Бу икки аёл ўртасидаги дўстлик бутун умрлари давомида мустаҳкамлана борган. Вера Обидованинг шахсий архивида сақланиб қолган биринчи хат ҳам унга Любовь Александровна орқали юборилган. «Бу сатрларни,— деб ёзади унга Г. Лопатин,— синглим орқали юбормоқдаман, чунки яқинда Сиз унинг олдига келар экансиз».

Афтидан, В. Обидова дугонаси билан мана шу учрашувда ўзининг И. Обидовга турмушга чиққанлигини ҳам айтган, кейин Любовь Александровна бу ҳақда Г. Лопатинга ҳам ёзиб юборган бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Чунки Г. Лопатиннинг Вера Ивановнага ёзган аввалги хатлари «Жонажон Верочка!» сўзлари билан бошланади. Бу жуда табиий. Мазкур хатлар ёзилган пайтда Вера Ивановнанинг эрга текканлиги ҳақидаги хабар ҳали Г. Лопатинга етиб бормаган эди. Аммо 1910 йил 27 мартда Италиянинг Тоскана вилоятидаги Ливорно шаҳридан ёзилган мактубда Г. Лопатин Вера Ивановнага «Жонажон Заира» деб мурожаат қилади. Ниҳоят, 1910 йил 27 ноябрда Италиянинг шимолидаги Специя шаҳридан жўнатилган хатда ҳам шундай. Г. Лопатиннинг бу билан нима демоқчи бўлгани аниқ. У XVII аср француз файласуфи ва адаби Вольтернинг «Заира» трагедиясининг бош қаҳрамони ва М. Ю. Лермонтовнинг «Икки асир» достони қаҳрамонларидан бирини кўзда тутди. Иккала ҳолда ҳам «Заира» «тутқунлик» рамзидир. Бу Лопатиннинг адабий ҳазили эди.

Герман Александрович ҳам, Любовь Александровна ҳам ўз умрларининг охиригача Вера Ивановнага самимиёт ва дўстона муносабатларини сақлаб қоладилар. Улар И. Обидов ва Яковлева мустаҳкам муҳаббат риштаси билан бир-бирларига қаттиқ боғланганликларини қалбдан сезадилар. Дарҳақиқат, тақдирнинг тақозоси билан бу оила бошига ҳар хил машаққатлар тушади, аммо турли дин, турли миллатга мансуб бўлган эр-хотиннинг бир-бирига садоқати заррача дарз кетмайди.

В. Яковлева ҳам Г. Лопатин сиймосида фақат матонатли революционериники эмас, балки шу билан бирга олижаноб инсон ва самимиий дўстни ҳис этган. Шу сабабли 1909 йили оила оғир аҳволда қолганда ҳеч иккиланмай, Г. Лопатиндан ёрдам сўрашга қарор қилади ва натижада ўша йилнинг охирида бу ажойиб инқилобчи билан В. Яковлева орасида ёзишма бошланади.

Бу ёзишманинг тарихи қуйидагича. Россиядаги «иш»лар билан бир қадар ўралашиб қолган Вера Ивановна акасидан хабар олиш учун Италияга бориш имкониятига эга бўлмай қолади. Оила билан И. И. Яковлевнинг алоқаси узилиб қолган, онаси аинқиқса, қаттиқ безовта эди. Шу сабабли 1909—1910 йилларда В. Яковлева акиси тўғрисида хабар беришни илтимос қилиб Г. Лопатинга хатлар йўллайди. Ўз кўмагига муҳтож кишиларга ёрдам қилишни виждоний бурчи деб билган олижаноб қалб эгаси Герман Александрович мактубларга ўз вақтида ва қониқарли жавоб ёзишдан эринмайди, дўстларига ўта меҳрибон, маданий шахс эканини кўрсатади. Гоъят банд бўлган кезларида ҳам Вера Ивановнанинг хатларини жавобсиз қолдирмаган.

«Жонажон Верочка!»— деб ёзади Г. Лопатин 1909 йил 3 декабрь кун Италиядан.— Жуда шошиб турибман: Кавидан жўнаб кетаётирман, шунинг учун шошилич жавоб ёзмоқдаман».

Қани энди ҳамма ҳам шошиб турганида дўстига шундай «шошилич жавоб» ёзса. Бу шошиб ёзилган хатда дўсти қўйган саволларга батафсил жавоб берган. Хат беш моддадан иборат. Вера Ивановна мактубининг айна рақамларида берилган саволларига жавоб бўлса эҳтимол. «Кўринишидан Серёжани ҳеч ким касал деб ўйламайди. Парижлик врачлар, агар икки йилча иссиқ иқлимда яшаса, унинг ҳатто бутунлай тузалиб кетиши ҳам мумкинлигини айтмоқдалар. Сукут сақлашнинг сабаби эса оддий: бир ўзи яшаган пайтида, тез-тез ва кўп ёзарди... У сизга ўхшаб, кайфияти бузуқ пайтда ёзишни ёмон кўради; аммо таъби доимо тирриқ бўлганидан ҳеч кимга анчадан бери ҳеч нарса ёзган эмас. Афсуски, ҳаётида ҳаловат йўқ. Баҳордаги аёзда уларнинг мевали дарахтларини совуқ урди, натижада бутун меҳнатлари бекор кетди. Бунинг устига ҳам-хона ва шерик бўлган ўртоқларидан биттаси нобоп чиқиб қолди, ҳолбуки, бир хонада яшашлари керак. Энди шериклари унинг улушини қайтариб берадиган бўлишибди, аммо пулидан ҳали узилишмаганга ўхшайди...» ва ҳоказо тафсилотлар.

Хуллас, шошиб турганига қарамай, дўсти унинг жавобига интизорлигини ҳис этиб, мана шундай тафсилотларга эга бўлган уч саҳифалик мактуб ёзиш учун, дарҳақиқат, беқиёс олижаноблик керак эди. Г. Лопатин худди шундай киши эди.

Хатнинг давомида Лопатиннинг Кавидан кетишининг сабаблари ҳам ойдинлашгандек бўлади. «Менинг бу ердан қўққисдан кетишимнинг сабаби,— дейилади унда,— Сизга «қадрдон» уйда бугун Бурцев тунади, Анатолийнинг хонасида эса Бубаникида туришга келган новча студент ётди».

Кўриниб турибдики, жиддий сиёсий курашдан бир қадар чекинган пайтида ҳам Г. Лопатиникига рус мухожирлари бориб турган ва уларнинг баъзилари унга ёқинқирамаган. Г. Лопатинга ёқмаган «новча студент» кимлигини билмаймиз, конспирация мақсадида исм ва лақабларнинг бош ҳарфларига ёзилган ёки реал фамилиялар ўрнига «Пастки палата», «Номдор князь», «Новча студент», «шақилдоқ», «гурзи», «ўқитувчи» каби лақабларга яшириш ҳам бу мактубларни тушунишни қийинлаштиради. Бироқ баъзан Г. Лопатин айрим кишилар ҳақида уларнинг исмлари ва фамилияларини тўла атаган ҳолда ёзади. Масалан, унинг мактубларида Бурцев, Алексеев, Тимофеев, О. Е. Чернова, Горелов, Ашкиназева ва Толстой фамилиялари тилга олинади. Шунинг учун бу эпистоляр материал XX асрнинг 10-йилларидаги рус эмиграциясининг характеристикаси учун зарур ҳужжат бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин.

80-йилларда «19 лар» иши бўйича айланган В. Л. Бурцев (1862—1936) номи ўтган асрнинг охирида яна қалқиб чиқади. 1898 йилнинг бошида у революцион ташвиқоти учун Англияда қамоққа олинади. Англияда уни ҳимоя қилиш комитети пайдо бўлади ва бу рус «нигилисти»ни озод қилиш талаб этилган петициялар Министрлар кабинетига ёғила бошлайди. Бироқ бу арбоб революцион ҳаракатда тўғри йўл тутма билмаган. Шу сабабли 10-йилларда В. И. Ленин уни шовинистлар сирасида тилга олади. Г. Лопатин ҳам Вера Ивановнага 1909 йил 3 декабрда йўллаган мактубида унга салбий муносабат билдирган.

Ёки «А. В.» ҳарфлари билан аталган шахс ҳақида ўйлаб кўрайлик. Бу, бизнингча, Александр Валентинович Амфитеатров (1862—1923) бўл-

# ЎЗБЕК ТАСВИРИЙ САНЪАТИДА НАТЮРМОРТ

Галереяси

Ўзбек совет рассомлари ижодида натюрморт жанрининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Натюрморт асарлари кўпинча рассомларнинг сеҳрли табиат буюқларига мафтун бўлишлари туфайли яратилади. Натюрморт чиши учун узоқ изланишларнинг ҳолати йўқ. Унинг белгилари кундалик ҳаётимизда учраб туради. Ранг-баранг гуллар, мева-сабзавот, рўзгорда ишлатиладиган миллий буюмларнинг нафислиги ва кўркамлиги рассом нигоҳида шундоққина тайёр композицияни жонлантиради.

Ўзбекистон рассомларининг бирон вакили ҳам ўз ижодида натюрморт жанрини четлаб ўтмаган бўлса керак. Лекин бу ишга ҳар ким ҳар хил ёндашган. Бировлар натюрморт чишини ўзи учун дам олиш, эрмак деб тушунган бўлсалар, бошқалар бунга бадий шакл топиш ва табиий ранглари тасвирга кўчиришнинг воситаси деб қарадилар. Натюрморт айрим рассомлар учун, гарчи улар яратган асарларнинг бош йўналишини белгиламаса ҳам, ижоднинг ёрқин қирраси сифатида мусавир ҳақидаги бадий-эстетик тасавурни кенгайтиради.

Натюрмортнинг замонавий тенденциялари ҳақида фикр юритганда, санъатнинг бу тури ўзбек тасвирий санъатида халқнинг бадий-

маданий ҳаётида юз берган чуқур революцион жараёнлар туфайли вужудга келганлигини ҳисобга олмоқ даркор. Натюрморт республикамиз тасвирий санъатининг ўзига хос қисми сифатида Ўзбекистонда 20-йиллардаёқ шаклланган эди. Бироқ ўша даврнинг ижтимоий-социал йўналишдаги вазифалари бу жанрни рассомларнинг шахсий эрмаги даражасидан юқорига кўтара олмади.

Ўзбек тасвирий санъати натюрморт жанрининг ўсган даври урушдан сўнги биринчи ўн йилликда бошланди. Даҳшатли уруш туфайли юз берган вайронгарчиликни тузатиш, шаҳар ва қишлоқларни қайта тиклаш учун бошланган умумхалқ курашларидан сўнг яратилиш иштиёқи жўшган бир пайт эди ўша йиллар. Рассомлар дунёнинг бутун гўзаллиги ва қимматини гўё қайтадан ҳис қилдилар ҳамда уни ўз асарларида намоён этдилар. Бу соҳада М. И. Курзин, А. В. Николаев, Э. Л. Роддественский, В. Н. Еремян, Н. Кашина, А. Н. Волков қизиқарли ва бой мерос қолдирдилар. Уларнинг рассомлик маданиятини ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилган, ўзига хос томонлари билан ажралиб турадиган ажойиб асарлари ўзбек тасвирий санъати олтин фондидан ўрин олди. Натюрморт бу

йилларда тор доирадаги оддий вазифалар ифодаси даражасидан бирданги даврнинг ижтимоий аҳамиятга молик гоёларини акс эттиришга қодир бўлган йирик жанрга айланди. Рассомларимиз натюрморт асарларида ранг-баранг мевалар ва буюмларни тасвирлаш орқали инсоннинг бунёдкорлик кучини, унинг ҳаётда тутган ўрнини ифодалаб бердилар.

Сўнги ўн йилда яратилган кўпгина натюрмортлар мазкур жанрнинг ўзига хос анъаналарини тўлиқ акс эттиради. Рассомлардан В. Фадеев, С. Абдуллаев, В. Лисов, Г. Чернухин, В. Нечаев чизган натюрмортларни ана шундай асарлар сирасига киритиш мумкин. Уларнинг асарларидан Ўзбекистон табиатининг бой ва ёрқин неъматлари: мевалар, гуллар, сабзавотлар ҳамда рўзгорда ишлатиладиган буюмлар (масалан, дастурхон, палак, кирпеч, гулкўрпа сингари безак буюмлари) билан уйғунликда тасвирнинг асосий предметини ташкил этади... Саватдан паства осилиб турган, фаройиб бир ҳолатда қотиб қолган ўзум шингили, анорнинг сочилиб ётган ёқутранг доналари, аста сирғалиб тушганича тасвирга туширилган гулдор мато... Бу хилдаги табиий равишда турган ноз-неъматлар ва буюмлар

тасвирий санъатга хос лавҳа сифатида ҳар қандай томошабинни ҳайратлантиради, мафтун этади.

Натюрморт асарлари яратиш услубида рассомлардан А. Лунев, Л. Салимжонова, Р. Чориев, Ю. Зорькин объект танлаш ва уни талқин қилишда ўзларига хос услубда ишламоқдалар. Натюрморт жанрининг яна бир хусусияти шундаки, у автобиографик характерга эгадир. Натюрморт асарларида авторнинг иродаси билан бир қаторда унинг орзу-нияти ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган А. Лунев ўз натюрмортларида ҳисларнинг майин оҳангдорлигини излашга уринади. Л. Салимжонова «Қора кофе» натюрмортида одамларни завқли, тинч ҳаётга даъват этади.

Ўзбек рассомларининг кўпгина натюрмортларида кундалик ҳаётдаги нозик нуқталарни топишга интилиш, ҳаётда юз бераётган воқеаларнинг ҳаракатлантирувчи кучини аниқлашга оид муштараклик аниқ сезилди. Оламдаги барча бунёдкорлик ишларининг бош сабабчиси инсон эканлиги авторларнинг диққат марказида туради.

Р. СОДИҚОВ

са керак: У ҳам муҳожирликда бўлган ва И. Яковлев ўзининг чет элдаги дастлабки кунларидаёқ бу ноширнинг ўғлини ўқитган эди. Г. Лопатининг 1910 йил 27 ноябрда Вера Ивановнага Италиянинг Специя шаҳридан юборган мактубидан англашдики, Г. Лопатин билан А. В. бунгача Каида ҳам бирга яшаганлар. Бироқ у билан А. В. нинг Каи ва Специяга муносабатлари икки хил. Афтидан, Вера Ивановна ўз хатида Специянинг ёқин-ёқмаслиги ҳақида сўраган бўлса керак, у шундай деб жавоб ёзди: «Йўқ, Специя фақат А. В. ва И. В.-гагина ёқади». Мактубнинг давомидан ўзларининг Каида муносабатларини очиб ифодалаш билан А. В.-нинг гашига тегмоқчи бўлгани сезилади. «...бошқа ҳамма,— деб давом этади,— мен, болалар, хизматчилар, шақилдоқ, ўқитувчи ва бошқалар,— унга (яъни Специяга— С. Қ.) салбий муносабатдамыз ва А. В. ва И. В. нинг ранжиши ва газабланишига қарамасдан, Каини ҳамон қўймаймиз».

Г. Лопатин ўзининг 1910 йил 27 мартда Тоскана вилоятидаги Ливорно шаҳридан ёзган хатида Вера Ивановнага акасини қидириш учун Алексеев, Тимофеев ва Черновнинг адресларини юборади. Худди шу хатда О. Е. Черновнинг номи ҳам эслатилади. Хатда Г. Лопатин улар билан унчалик яқин муносабатда эмаслигини алоҳида таъкидлайди, бироқ Ольга Елисеевна И. Яковлев билан ёзилиб туришини эшитгангина суриштириш мақсадида уларнинг уйига боради.

Бу ерда эслатилган Чернов ва Амфитеатров сўбат оламида маълум ва машҳур кишилар. Улар билан эмиграциядаги бошқа арбоблар ўртасида жуда мураккаб ва кўнгилсиз муносабатлар бўлганлиги тарихий факт. В. И. Ленин бу муносабатларни «умумий сотқинлик», «ҳасад ва оёқдан чалиш» деб характерлагани бе-

жиз эмас. Шу сабабли Владимир Ильич революция ишига содиқ кишиларни ва софдил шахсларни уларнинг зарарли таъсиридан қўтаришга ҳаракат қиларди. Жумладан, у 1912 йилнинг февраль-март ойларида М. Горькийга йўллаган мактубида шундай дейди:

«Сиз ажойиб «Эртақлар» билан «Звезда»га жуда катта ёрдам кўрсатдингиз, мен бундан гоёат хурсанд бўлдим,— агар очингани айтсам,— бу хурсандчилик Сизнинг Черновлар ва Амфитеатровлар билан бўлган «роман»ингиздан келган қайғуни босиб кетди...»

В. И. Лениннинг рус эмиграциясининг лидерларига муносабати равшан ва қатъий. Аммо муҳожирларнинг ҳаммаси ҳам сотқинлик йўлига тушмаган эди. Шу билан бирга, рус жамоатчилиги софдил вакилларида эмиграциядаги мана шу сиёсатдонларга салбий қараш XIX асрнинг охиридан буён баён этила бошлаган эди. Жумладан, А. П. Чехов шундай деб ёзди: «Новое время» жирканч таассурот қолдирди. Париждан олинган телеграммаларни нафратланмай ўқиб бўлмайди. Бу телеграмма эмас, балки қаллоблик ва муттаҳамликнинг худди ўзинаси. Узини ўзи мақтайдиган Ивановнинг мақолалари-чи? Петербурглик мурдорнинг чакимчилиги-чи? Амфитеатровнинг калхатсимон босқинлари-чи? Бу газета эмас, ҳайвонот боғи, бу бир-бирининг думини ғажийдиган оч бўрилар галаси, яна алланимабало деган гап!»

Рус эмиграцияси корчалонларининг разилликларини ўз кўзи билан кўрган Г. Лопатиннинг уларга муносабати ҳам А. Чеховнинг қарашлари билан ҳамоҳанг эди. Г. Лопатиннинг В. Яковлевага мактублари ўша даврдаги бошқа ҳужжатлар билан қўшиб ўрганилса, булар Улуғ Октябрь арафасида софдил кишилар онгда революцион гоёлар кенг халқ олмаси-

ни ҳокими мутлаққа қарши бирлаштирганини, турли-туман оппортунистларга нисбатан нафрат борган сари кучайиб борганлигини яққол кўрсатувчи муҳим ҳужжатлар бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, бундан 70 йил муқаддам Тошкентда яшаган В. Яковлева туфайли ўзи ўтган асрнинг 80-йилларида сургуни қилинган шаҳарга Г. Лопатиннинг назари яна бир бор тушди. Аммо бундан кейин у на Тошкентда бўлди на В. Обидова ва бошқа танишлари билан алоқасини тиклай олди. Айни қирчиллаган пайтида қамалган девқомат Г. Лопатиннинг соғлигини қамоқ сўриб олган эди. Кўп ўтмай у бутунлай дармонсизланиб қолди, Улуғ Октябрь шодиёнасини ҳам касалхонада эшитди. Шу ётганича бу жўмард ўша касалхонада 1918 йил 28 декабрда вафот этди. Унинг жасади Волков қабристонига дўстлари И. С. Тургенев ва Г. И. Успенский қабрлари ёнига дафн этилди.

Муҳожирликда яшаган йилларида Г. Лопатин билан танишган ва ҳамдард бўлган М. Горький қабристондан қайтган қуйидаги алам тўла сўзларни ёзган эди: «Герман Лопатини, энг истеъдодли рус кишиларидан бирини дафн этдик. Маданий жиҳатдан тартибли мамлакатда бундай заковатли инсон олимлик, санъаткорлик ёки машҳур сайёҳлик мартабасига эришган бўлар эди, бизда у йигирма йил, умрининг энг олтин палласини Шлиссельбург қамоқхонасида ўтказди».

Г. Лопатиннинг салоҳияти эски тузум исканжасида хазон бўлди, аммо унинг ёрқин сиймоси халқимизнинг хотирасида ўчмас из қолдирди. Бу ажойиб шахс билан мулоқот қилиш шарафига муяссар бўлган В. Ғабитова ҳам Г. Лопатиндан келган мактубларни ва унинг азиз қиёфаси акс эттирилган суратларни тез орада архивга топшириш ниятида.

Умид қиламизки, бу табаррук ҳужжатлар тез орада илмий муомалага жалб этилади ва кенг ўқувчилар оммасининг мулкига айланади.

Г. Лопатин Тошкентда яшаган даврдан буён 100 йил ўтди. Бу давр мобайнида ўзбек халқининг ҳаёти тубдан ўзгарди: чоризмининг мустамлака сиёсати туфайли шафқатсиз эксплуатация қилинган ва ўта таҳқирланган ўзбек меҳнаткашлари Россияда яшовчи барча халқларнинг иши ва деҳқонлари, халқпарвар зиёлиларининг вакиллари билан бир қаторда рус пролетариати етакчилигида, В. И. Ленин раҳбарлик қилган шонли Коммунистик партия раҳбарлигида зулм-истибод, ижтимоий адолатсизлик ва сиёсий ҳуқуқсизликка қарши мардонавор кураш бошлаб, Улуғ Октябрьнинг шонли галабасига эришиб, ўз мамлакатларининг ва ўз тақдирларининг ҳақиқий хўжайинларига айландилар.


СССР халқларининг бахтиёр оиласида эркин ва фаровон ҳаётга эришган ўзбек халқи ҳозирги кунда КПСХ XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг тарихий қарорларини кўтаринки руҳ билан амалга оширмоқдалар.

Мана шундай улуғвор кунларда халқимиз тарихига нигоҳ ташлар эканмиз, унинг ўтган асрдаги аяқ аҳволига ачинган, ҳамдардлик билдирган ва ҳақиқий тенглик, абадий ҳуррият ва мангу саодат учун зулмат салтанатига қарши кураш йўлини марксизм шуълалари билан нурафшон қилган улуғ зотлар қаторида чоризм истибдодига қарши курашда фидойилик кўрсатган Герман Александрович Лопатиннинг муборак номи ҳам буюк эҳтиром ва салимий миннатдорчилик билан тилга оламиз, она халқига хос танглик ва олимлик мужассамланган бу афсонавий қаҳрамоннинг нурли сиймосини ёдда тутамиз.

Солиқ ҚОСИМОВ



Л. САЛИМЖОНОВА. ДАСТУРХОН.



В. ЛИСОВ. ГУЛЛАГАН КАКТУС.

## ЎЗБЕКИСТОН РАССОМЛАРИНИНГ НАТЮРМОРТЛАРИДАН

М. НОВИКОВ. ТУКИНЛИК.





Н. САЗОНОВА. АНОР.

Н. КАШИНА. ЕЗ МЕВАЛАРИ.



С. КОЛИБАНОВ. ОШ ДАМЛАШГА ТАЙЁРЛИК.



# БОЗОРВОЙ

Қисса

## Учинчи боб

**Х**АНДАЛАК пишиб, ян-тоқ қийғос гулга кира-ётган дақиқалар эди. Адирлар истар-истамас яшил тўнини сарик рангга алмаштирар, Ойқорнинг тиниқ сувидан яш-наб ётган ям-яшил сойларда ҳамон баҳор барқ урар эди. Зарғалдоқлар гулхайридан гулхайрига қўниб, саратон яқинлашаётганлигини жар солиб чулдирашар, тўрғайлар ҳам шабадага кўксини тутиб уясини хавф-хатарсиз асраш учун ҳавода муаллақ туриб қанот қоқадиган вақт келиб қолган эди. Кунлар исиган сари Маржонбулоқсойнинг суви кўпик рангига кириб, тўлиб-тошиб оқарди.

Қишлоқда қолган одамлар сойларни бўлиб олишиб, пичан ўришарди. Биз ҳам бедамизни иккинчи марта ўриб, боғладик. Шундан сўнг сал ўтар-ўтмас энамнинг тоби қочиб қолди. Хонадонимизда ҳаммани югуртирадиган ташвишлар илк бор астойдил менинг зиммамга тушди. Икки марта энди тухумдан чиққан каклик жұжаларини овлаш учун тоққа борамиз, деб ваъдалашиб, боролмай қолганимдан кейин болалар Хонаки товук деб лақаб қўйишди. Лекин мени кўпроқ кечалари ўз-ўзи билан гаплашиб чиқадиган энам ташвишлантирарди. Чўлга бориб-келиб турганлардан дадамга хабар юбордик. Икки кундан кейин дадам келди. Мен: «Энди энам дадамга: «Қўй чўлингни, куним битиб ўлиб қолсам, ўлигим кўчада қолиб кетмасин», деса керак», дея ўйлардим.

— Даштга ўрганишиб қолдингларми? Болаларинг эсон-омонми? Зайнабнинг ахволи қалай?— деди энам ётган жойида дадам билан кўришгач, ёшланган кўзларини арта туриб.

— Шукур, ҳаммалари салом айтиб юборишди!— деб жавоб берди дадам энамнинг бош томонига оғир чўкаркан.— Узингиз яхшимисиз?

— Мени қўявер, туппа-тузукман. Сизлар тинч бўлсаларинг мен яхшиман. Болаларинг даштда яйрашиб қолгандир-а?

— Чодир тикиб яшаймиз. Иморат соляпмиз. У ёғни сўрасангиз, пахсадан девор ҳам кўтариб қўйдик.

— Яхши қилибсизлар. Одам бошпана қурган жойига меҳр қўяди.

— Уянинг томини ёпишга ёғоч тополмаймиз. Агар сизлар ҳам чўлга бора қолсаларинг уйимизни бузиб, ёғочини ишлатармидик...

Энам сергакланиб дадамга бир

қаради-да, яна шифтга тикилиб олди. Дадам бу қарашнинг маъносини тушуниб, қизариб кетди. Гапини нима деб тўғрилашни билмай анчагача индамай қолди. Беихтиёр у кишининг «Қушлар ҳам, бошқа паррандалар тухум қўяр, деб уясини бузмас экан», деган гаплари ёдимга келди.

— Ер олганмиз! Ҳозир бригадирман, эна!— деди дадам гапни буриб.

— Шундай ишга қўл уришларингни билардим. Пахта теримига неварам икковимиз ҳам кумакка борамиз! Унчага Бозорвойжон ҳам тўртинчига ўтади!— деди қувончдан кўзлари ёшланиб энам.

— Сиз бориб бошимизда турсангиз бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшилади. Бозорвой ҳам қаторга кириб қолди,— деди дадам хурсанд бўлиб.

— Лекин нима иш қилсанг ҳам ота юртингдан ажралмай қилгин, бўтам. Акс ҳолда биринг икки бўлмайди.

Дадам энамнинг гапларини маъқуллаб, бош чайқади. Кечга бориб энам ўрнидан туриб, овқатга уннаб кетди. Мен энамнинг бирдан ўзгариб қолганидан таажжубда эдим.

— Бозорвойжон икковимиз ҳам мактаблар очилгунча бориб келамиз,— деди энам дадам жўнаётганида.

— Илгари: «Чўлга бормайман, чўлнинг оти ўчсин», деган эдингиз. Энди нега чўлга кетгингиз келиб қолди?— деб сўрадим энамдан дадам кетганидан кейин.

— Одамларнинг ғайрат билан чўлга отланаётганлигини кўриб, ичимга ўт тушган эди, болам. Тушимда бобонгни кўрибман. Худо раҳмат қилгур оппоқ соқолларини тутамлаб, пахта териб юрганмишлар. Мени имлаб, ёнларига чақирармишлар. Дадангни ёлғиз чўлга юборганимдан хафа бўлганлар шекилли. Чўлга бориб, бир хабар олиб келмасам бўлмайди. Отанглар шу эрдалигида касал, бевақт кўзилаган қўйларни боқиб ёрдамим тегарди, маслаҳат бериб турардим. Бунга ҳам худо кўп қўрди. Назаримда кераксиз одамга ўхшаб қолдим,— деди энам урчуқни иягига тираб менга маънос тикиларкан.

Шундагина энамнинг чўлга отланганини оддий истак ёки уйимиздагиларни кўмсаш эмас, қандайдир ҳеч нимага тенглаб бўлмайдиган ва ҳали менинг унчалик ақлим етмайдиган туйғу эканлигини пайқадим. Бу туйғу олдида Маржонбулоқсойнинг Мушукжарни доғда қолдириб, яшил водийга оқиб чиқиши ҳақидаги ўйларим оддийгина туюлиб кетди.

Якшанба кун энам мени эргаштириб Ойқорга қараб жўнади. Одатдагидек биз Маржонбулоқсойнинг

Ойқордан оқиб чиққан жойидаги тегирмонга туташ қияликдаги қабристон томон кетмоқда эдик. Энамнинг айтишича, ўтмишда шайбонийлар билан курашда енгилган ота-боболаримиз сиёсат ва урушлардан безиб, Ойқорга келгандан бери бу қабристонга ўн икки аждодимиз кўмилибди. Энам ҳам ўн иккинчи аждодга кираркан. Дадам ўн учинчи, мен ўн тўртинчи авлод ҳисобланарканмиз.

Энамнинг айтишича, Маржонбулоқсой: «Бу дунё ўткинчи», «Бу дунё ўткинчи», дегандек бир маромда шарқираб оқармиш. Соё ота-боболаримиз абадий уйқуда ётган тепаликнинг қаъридан сизиб чиқиб, уларнинг меҳр-муҳаббати бўлиб она ер узра таралаётгандек. Соёга салом бераётган ўйчан мажнунтоллар улар хотираси олдида абадий бош эгиб турибди. Тегирмондан чиқаётган узлуқсиз оппоқ гарддан теварак-атроф қор ёққандек оппоқ. Тегирмон тоши бутун дунёнинг ташвиши елкасига ортилгандек ҳансираб айланади. Тегирмон теварагида ўралашиб юрган, ўз рангини йўқотган чумчуқ ва мусичалар оппоқ гард орасидан дон-дун ахтаришади.

— Тавба, ўзи унга беланиб яна дон ахтаради-я! Дунё шунақа эканда, жониворлар ҳам одамга ўхшаган нарса. Кўзига тупроқ тўлганда тўяди,— деди энам пилдираб донлаётган қушларга тикилиб.

Тошдан тошга ҳатлаб, соёнинг ўнг томонидаги ёлғизоёқ йўлга чиқдик. Энам олдинда, мен орқада тепаликка ўрлай бошладик. Тепаликдан тегирмон ва унинг атрофи қафтдек аниқ кўринар, кийимлари оппоқ тегирмончи Хонназар бобо аҳён-аҳёнга ун тўла копларни судраб ҳовлига олиб чиқар эди. Тегирмон томининг устига тўшалган ўринда кимдир ўхлаб ётибди. Хонназар бобога қарашгани келган невараси бўлса керак. Баландликдан айқириб тушаётган шаршаранинг шовқини учи-қўниб юрган қушлар чуғур-чуғурини босиб кетарди. Маржонбулоқсой эса тегирмоннинг тўзонини ютиб, қишлоғимизга ошиқади. У қишлоқдан ҳар ёнга обиҳаёт таратиб тантанавор ўтадио, Мушукжарга етганда тўлғана-тўлғана ичини наъматак, жинғил, қичитқон ва ёввойи маймунжон қоплаб ётган жарга тушиб кетади. Лекин у Мушукжар билан бўлган жангда ғолиб келиб, яшил пайкалларга отилиб чиқади. Узини ташна далалар кутаётганини билади ва шунинг учун ҳам у жангда ғолиб чиқиши керак! Шунинг учун у тўлиб-тошиб оқади. Яшил далалар эса халоскорининг пойига минг бир хил кўкатдан поёндоз тўшаб қарши олади. Шунда мен беихтиёр Маржонбулоқсойни куёв йигитларга ўхшатаман. Яшил далалар эса қўшнимизнинг қизи Ойбуви

опадек юзига оқ ҳарир тутган келинчақ қийғосига киради. Иккаласи учрашиб гулзорга айланади. Қувончлари муаттар ҳид бўлиб оламга таралади. Уларнинг садоқатли чопари шамол хушбўй ҳидларини адрлар оша бизнинг Бешбулоққа ҳам олиб келади. Шунда мен энамдан эшитган ашуламни айтиб юбораман:

Булоқларнинг қўшиғи  
Бир кун дарё бўлармиш...

Тегирмонга яқинлашганимизда энам алланамалар деб пичирлай бошлади. Дуо ўқиётган бўлса керак. Тепасига чойнак ва пиёла қўйилиб, майда тош тўкилган бобомнинг қабрига етгач қиблага қараб ўтирдик. Энам фотиҳа ўқиганидан сўнг икковимиз баробар юзимизга фотиҳа тортдик. Кейин энам одатдагидек қабр билан гаплаша бошлади:

— Арвоҳингиздан айланай, отаси! Мени кутиб ётибсизми? Анчадан бери йўқлаб келолмадим! Раҳмонқулингизни ҳам даштга жўнатдик. Мен ҳам ўша ёққа бормоқчиман. Неварангиз Бозорвой билан бирга келдик. Умри ўхшамасин, қош-қовоғи қуйиб қўйган ўзингиз. Инсон ўлмас экан. Сиз Бозорвойжон бўлиб қайта туғилдингиз. Қани энди мен ҳам тезроқ олдингизга борсам-у, яна қайта туғилсам. Афсус чекманг. Ҳамма орзу-ҳавасларингизни болаларингиз кўришяпти.

Мен индамай турардим. Энам яна алланамалар деб худога нола қилди ва сўнгги бор юзига фотиҳа тортди. Қабр устидаги чойнак-пиёлани олиб, изимизга қайтдик. Қабристондан чиқишда чап томондаги гумбазли хонақонинг супасида соқоли кўксига тушган, бироз асабийроқ заҳил юзли чол — Уринбой бобо ўтирарди.

— Ҳа, Оймўма! Бормисан!.. Кўринмай кетдиларинг?— деди у энамнинг саломига алик олиб.

— Худога шукур, бовоси, бир нави юрибмиз. Уғил билан келиндек чўлга жўнатиб, мана шу ҳандаладек бола билан қолдим. Чолимдан бир хабар олай, деб келувдим,— деди энам бурчакдаги ўчоқ томон юраркан.

— Ҳозир одамлар марҳумларни кам йўқлайдиган бўлиб қолишди. Марҳумни йўқлагани худо йўқлайди. Одам тез-тез қабристонга келиб турса мусулмон бўлади. Халқда: «Тошиб кетсанг ҳам, кунинг ўтмай қолса ҳам қабристонга бориб тур», деган гап бор. Аммо кеча биттасини ҳайдаб солдим!— деди чол рўмолчасини пайпаслаб қидираркан.— Сенинг кўзинг кўради, дастрўмолимни топиб бер. Раҳмонқулнинг боласимисан?— деди қўлини пешонасига қўйиб менга.

Уринбой бобонинг пўстакнинг жунига ўралиб ётган дастрўмолини олиб бердим.

Охири. Боши журналнинг 6-сонида.

— Барака топ, ўғлим! Худо бобоннинг тупроғича умр берсин!— деди чол даструмоли билан лаблунжини артаркан.

— Нима дедингиз, ўнбоши? Бировни ҳайдадим, дедингизми? Қабристондан ҳам одамни ҳайдайдими? Нега ҳайдадингиз?— деб устма-уст сўради энам.

— Норбек Сўқимнинг ўғли борку, оти нима эди? Ушани..

— Бўривой,— деди энам.

— Ҳа, Бўривой. Магазинларнинг устидан каттакон деб эшитардим. Оқбўтинанинг энаси ўлган кўни кўриб қолдим. Дарвозанинг олдида сўраштиради дуч келдим-да, «Бўтам, сени магазинларнинг каттаси, дейишади. Мана шу савобхонамизга битта гилам берсанг, бу пўстакларда бурғалаб кетдик, жамоанинг тўплаган пулидан тўлаймиз», дедим. Шундай десам, нима дейди денг? «Бир кишидан бердиртириб юбораман, лекин устида жиндек устамаси ҳам бор», дейди-я, безбет! «Бўпти, мана отанг шу ерда. Айтаман, устамасини отанг беради», дедим дадим ичимга тушиб. Марҳумлардан пора сўради-я, номард. Афсуски, илгариги куч-қувватим йўқ-да.

— Тавба! Ё тавба!— деди энам. Уринбой бобонинг гапларидан ҳайрон бўлиб, ёқасини ушларкан. Сўнгра ўчоққа офтобани кўйиб, ўт ёқди. Олиб келган тўғунларини Уринбой бобо ўтирган сўрига ёзиб бобонинг қабри устида турадиган чойнакка чой дамлади. Қабр устида турадиган чойнак-пиёлада чой ичса инсон айрилиққа кўникармиш. Кейин ўтириб ҳаммамиз нонушта қилдик.

Энам қабристондан хомуш қайтди. Мен ҳам индамай эргашиб борардим.

— Индин Ирғайчидаги Оқмирза чўлга кўчаркан. Шу машина билан чўлга кетамиз,— деди энам тегир-

мондан ўтиб, тошлоқ йўлга тушганимизда.

— Уйимизга ким қарайди?— дедим бирдан.

— Бахром бобонг кўз-қулоқ бўлиб турар. Сигирни Чинни момонга ташлаб кетамиз, соғиб ичиб туради, бечоранинг сигири бу йил қисир қолди. Пахта терими тугаши билан қайтиб келамиз.

— Нега кишлоғимизнинг қабристонини тепаликда, Жарбулоқдаги қабристон ҳам адирда?— деб сўрадим энамни гапиртиргим келиб.

— Кўрган бўлсанг тепаликнинг этагида сон-саноқсиз булоқ бор..

— Ҳов ана, тегирмоннинг тўзони орасидан қорайиб кўриниб турибди,— дедим энамнинг гапларини маъқуллаб.

— Ана шу булоқлар ота-боболаримизнинг ушалмаган орзулари!— деди энам.


Энамнинг гапларидан таъсирланиб, индамай қолдим. Кўз олдимда дубулға ва совут кийган, исфаҳоний қилич тақиб, чап қўлида қалқон ва ўнг қўлида найза тутган бир-бирига ўхшаш отлик кишилар гавдаланди. «Биз сизларни севамиз,— дедим ичимда.— Сиз ҳимоя қилган Ойқор, шарқироқ Маржонбулоқсой, баркут арчазорлар, сокин ва дардли мажнунтолзорларни кўз қорачиғидай асраймиз!»

Энамнинг ялиниб-ёлворишларидан сўнг юк машинасининг шофёри бизни олиб кетишга рози бўлди. Шунда илк бор Тайпоқсой далаларида Маржонбулоқсойнинг Мушукжарни доғда қолдириб, яшил майсазорларда мавжланиб оқаётганлигини кўрдим. Қувончим ичимга сиғмасди. Эсимга келган ашулани хиргойи қилардим. Энам эса Ойқордан кўз узолмас, йиғламаса ҳам милтиллаб чиқаётган кўз ёшларини энги билан артиб борар эди..

Расмларни А. МИРЗАЕВ чизган



## Тўртинчи боб



ИЛАМИЗ кўчиб келган Янгиобод кишлоғининг этагидан пахтазор бошланар, кун ботиш томонидаги ғаллазор доғдарактсиз Етимтоққа бориб туташар эди. Унг томонда—Яккатут қабристонини, сўл томонда—доимо кичкина, сап-сарик самолётлар турадиган аэродром. Энамнинг кутилмаганда чўлга келишлари байрам бўлиб кетди.

Энам айтганидек онасидан чўпон бўлиб турилган Саттор Сергапнинг катта суруви кишлоғимизнинг кун ботиш томонида тақир тоғларда ёйилиб юрарди. У дадамнинг сурувини ҳам кўшиб олган эди. Кишлоғимиздан кўчиб келганларнинг бир қисми чорвада ишлар, қолганлари эса битта бригада бўлиб Қизил учкун массивдан ер очишган эди. Биз ўқишлар бошлангунча қайтмоқчи эдик.

Душанба кўни эрталаб бирдан энамнинг тоби қочиб қолди. Аям мени дадамга юборди. Даладан дадамни айтиб келганимда энамнинг ярим очик кўзлари хира тортиб, зўрға нафас олар ва ўзини ҳар ён ташлаб, гиламини тийдалар эди. Украв юборишдан ўзимни аранг тийиб югурганча довлига чиқдим.

— Бор, Ҳақим бобонгни айтиб кел!— деди дадам деразадан ташвишли оҳангда.

Ҳақим бобо лой қораётган кетмонини жойида қолдириб, бизникига қараб югурди. У кишининг орқасидан хўнг-хўнг йиғлаганча чопиб келардим. Ҳозир кўзимга энамнинг бирдан бир халоскори Ҳақим бобо бўлиб кўринар, гўёки энам эмас, менинг нафасим бўйлаётгандек эди. Нега ҳам келдик шу ерга! Ҳақим бобо! Жон Ҳақим бобо! Энамни тузатиб беринг! Мен ҳам катта бўлсам сизга кўп яхшиликлар қиламан! Энажоним ўлиб қолса, кейин биз нима қиламиз? Энам: «Биз албатта кишлоғимизга қайтиб келишимиз керак», деган эди.

Ҳамма ерда кўпчиликнинг жонига ора кирадиган Ҳақим бобо кела солиб энамнинг бошини кўтариб, оғизларига пуфлай бошлади. Унча қари бўлмаса ҳам соқол-мўйлов қўйгани учун ҳамма Ҳақим бобо дейдиган бу киши босмачилар халқдан тортиб олган тилла-кумушларни қандай олиб қочгани ва Улуғ Ватан уруши фронтларида кўз кўриб қулоқ эшитмаган саргузаштлари ҳақида гапириб бизни ҳайратга соларди.

— Дамқисмаси тутиб қолибди. Доктор чақириш керак,— деди Ҳақим бобо энамнинг нафас олиши бироз енгиллашгач.

— Абдусамадни юбордик. Ҳадемай келиб қолса керак,— деди дадам.

— Онангнинг нафас қисиши пахтага сепилладиган доридан бўлган,— деди Ҳақим бобо салмоқлаб.— Қирқ кунлик тўлнинг ташвиши демасанг, қўй боқиш минг марта афзал экан пахтанинг машаққатидан.

— Ундай деманг,— деди дадам қатъий.

Сал гапга қизишиб кетадиган Ҳақим бобонинг ранги аввал бироз оқарди-да, сўнг қизарди. Мўйлови тиккайганидан кайфияти бузилгани сезилиб турарди.

— Нега энди! Ишимизга хўжайинлигинг етмагандек оғзимизга ҳам хўжайинмисан! Бригадир бўлиб жуда ақлли бўлиб қолибсан-да! Нимани кўрибсан сен! Мен фронтда жон олиб-жон бериб юрганымда сен этагингни тугиб юргандинг. Ўзи одамзодга ақл кирган сари дунё ағдар-тўнтар бўлавераркан!

— Қўйсангиз-чи, Ҳақим ака! Дунёнинг ташвиши бизга қолдими? Бу-

нинг учун қайғурдиганлар бор!— деди кўшнимиз Нарзулла.

Ҳақим бобонинг баттар жаҳли чиқиб кетди. Сарғиш юзи кичрайиб бўяб қўйгандек сап-сарик қошлари чимирилди. Унг қулоғининг олдида тушиб турган салласининг печини кистириб қўйиб, қаҳр билан дадамга қаради. Эсимга энамнинг «Феъли курсин шу Ҳақим бобонгнинг, акслиги тутса, отасини ҳам танимайди», деган гаплари тушди.

Энам ҳушидан кетган, лаб ва юзлари тез-тез учиб турар эди. Уйимизда ҳамма ташвишга тушиб қолди. Қўни-қўшнилари ҳам тинчлиги бузилди, бизникига ўқтин-ўқтин кириб чиқишарди.

— Ўзи чўл бизга тўғри келмас экан, ҳавоси ҳеч кимга ёқмаяпти,— деди чийиллаб Нарзулла.

— Бу аҳволда яшаб бўладими, ит ётиш, мирза туриш,— деди овози дўриллаб Ёмонкул бобо.

— Уйларимизни текислаб ғалла экиб юбормасдан, илиқ-иссиғида қайтиш керак!

— Ҳаммани тентиратиб, иссиқ жойини совутиб..

Асабийлашиб турган дадам сўнги гапни эшитмади. Қалтираётган қўллари билан Нарзулланинг тирсагидан ушлаб лойхона томон тортди. Унинг бошига тушириб юборишдан ўзини аранг тийиб, зўраки босиқлик билан уқтирди:

— Нарзулла! Ука-а! Илтимос қиламан, иккинчи бунақа гапларни гапирма! Хафа қиламан!

— Қишлоққа қайтиб кетаман!— деди Нарзулла шаштидан тушиб.

— Қишлоқда пишириб қўйибди! Бу кўргилик етмагандек, устимга чиқиб тепкиламай тур! Бафуржа гаплашармиз! Умрингнинг шунчаси тоғу тошларда беҳуда ўтгани етар! Ахир сен ҳам одамсан-ку!..

Абдусамад амаки эски мотоциклини тариллатганча совхоз марказидан докторларнинг сутранг машинасини эргаштириб келди. Врачлар кириши билан энамнинг бошида тўпланишиб турган хотин-халажлар тарқалди. Врачлар энамга ёстиқчадан нафас олдириб, укол қилишди. Энам укол қилишганини сезмади ҳам. Бўлмаса сира укол қилдирмасди. Врачларнинг хотиржамлигига қараганда, энам тезда тузалиб кетса керак.

Анчадан сўнг энам кўзини очди. Қўллари аранг кўтариб энги билан пешонасидаги терни артди. Врачларнинг дадам билан «Касалхонага олиб кетамиз», дея маслаҳатлашаётганлигини эшитиб, қўлларини силтади.

— Беҳуда овора бўламиз, кўнмайдилар. Умрлари бино бўлиб докторхона бетини кўрмаганлар,— деди дадам.

Врачлар маслаҳатлашиб, узоқ туриб қолишди. Уларнинг хавотири барҳам топиб тезроқ кетиши учун энам ўзини дадил тутмоқчи бўларди.

Врачлар норози оҳангда бир-бирларига елка қисиб, ноилож қайтиб кетишди. Ҳамма тарқалди. Сўрида энам икковимиз қолдик. Қандай қилиб, энамнинг бағрига бориб қолганимни билмайман. У киши сочларимни силаб, ёниб турган лабларини пешонамга босди. Юз-кўзим ва қулоғимни қитиқлаб бир неча ёш томчилари юмалаб тушди.

— Ўлиб қолай дедим-а! Сенинг тўйингни кўрай, кейин ўлсам майли! Унгача сен ҳам азамат йигит бўласан! Мени тепкилаб-тепкилаб кўмасизлар!— деди энам сал жилмайиб титроқ оҳангда.

Мен индамай туравердим. Доимо шундай, энам йиғласа юзларига қаролмайман. Токи ўзини босиб, мени бағридан бўшатмагунча чурқ этмай ўтираверман. Энамдан Заркамар яйловларининг, сурувимиз Кўкқўтонда тунаганда дадам билан ёққан гулхонинг, болалар билан тоққа

чиққанимизда тарадиган чўялпиз хиди келади. Димоғимга ўрнашиб қолган бу хид Ойқор тарафдан шабада олиб келадиган чўпонларнинг кўшиғидай ардоқли ва тансиқ. Шунинг учун доимо знам билан бирга ётиш талаш. Охири дадам билан аям аралашиб, бу кичикларга насиб бўлади.

Дадам аямга шивирлаб айтаётганида эшитиб қолдим: энамнинг чўлга келгани жуда яхши бўлибди. Энам келгандан сўнг кишлоғимиздан яна беш-олти оила кўчиб келди. «Чўл бизга тўғри келмас экан», деб юрган Ёмонқул бобога ўхшаганларнинг ҳам уни ўчибди. Энам эса икки гапнинг бирида «Улсанг гўринг кенг бўлсин, дегандек, бу бепоён чўлларда ишлашга нима етсин», дерди.

Энамнинг тузала бошлаганидан ҳаммамизнинг қувончимиз чексиз эди. Энди мен дадам билан Ҳаким бобо ва Нарзулла ўртасидаги узилиб қолган баҳсни эшитишга қизиқардим. Ноҳақ гап меъёридан ошиб кетса, дадам ўзини босолмай қоларди. Энамнинг айтишича, бироз ҳовлиқмалик ва қизиққонлик ота-боболаримизнинг қонида бор экан. Айниқса, бу одат оқ-сарикдан келган, сийрак қошлари кипригининг устига ёпиштириб қўйилгандек туюладиган Ҳаким бобода кўпроқ мужассама эди. «Қоранинг қони чиққунча сарикнинг жони чиқибди, дегандек, азалдан Ҳаким бобонга битта гап камлик, иккита гап кўплик қилади», дерди энам у киши ҳақида гап кетганда. Икки киши бир фикрга келса, аксини гапириб турадиган Ҳаким бобонинг камдан-кам масалада дадам билан фикри бир жойдан чиқарди. Узи бир дунё бўлиб юрадиган гиначи Абдусамад амакида ҳам уруғимизга хос тажаник, ўз ўйлаганидан бошқани тан олмаслик хусусияти ҳеч кимдан кам эмасди.

Энам остона ҳатлаб кўчага чиқадиган бўлганларидан бошлаб тезроқ кишлоққа қайтишни ўйларди. Лекин буни қандай қилиб дадамга айтишни билмасди. Энамнинг аҳволига ичимдан ачиниб, раҳмим келарди.

## Бешинчи боб

**И**ГИМ-ТЕРИМГА тайёргарлик борарди. Шанба куни Ражаб аканинг ўғли билан Ёмонқул бобонинг қизининг тўйи ўтди. Энам тўйга бошқош бўлди. Яқшанба куни кечга яқин Ҳаким

бобо, Абдусамад амаки ва Нарзулла бизникига келишди. Аям ўчоқ бошида куймаланиб юрар, дадам сўрининг бир четида помидор тўғраб ўтирар, Ҳаким бобонинг латифага ўхшаш ҳикоясига қўлоқ солар эди.

— Бу воқеа Ойқор ошиб, Панжакентдан келадиганимда, ярим тунда рўй берган,— дерди Ҳаким бобо.— У пайтда босмачилар тугатилган бўлса ҳам, тоғда ўғри тўдалари учраб турарди. Шунинг учун тоғда йилт этган ўт кўринмасди, кеч кириши билан сурувлар кишлоқларни қоралаб пастга тушарди, тонг қоронғисида яна тоққа қараб ўрларди. Ойқорнинг усти шудгор қилиб, мола босилгандек теп-текис. Панжакент томондан келиб, Кунқор чўққисидан пастга қарасанг, бирдан юрагинг орқага тортиб кетади. Утин ташийвериб ўрганиб қолганлигим учун бемалол келадиган эдим. Ой Ойқордан оғиб қолган, тоғ бағри қорайиб, ола-чалпоқ қорлар ялт-ялт қилади. Кишлоқдаги яккам-дуккам шуълалар ажинанинг чирогига ўхшаб милтиллайди, итларнинг вовуллашини мўлжаллаб кишлоққа қараб кетялман. Шу пайт ниманингдир қаттиқ шитирлагани эшитилди. Уғририлиб қарадим, кўрққангидан қотиб қолдим. Сочларим телпагимни кўтариб кетди. Кўз олдим қоронғилашиб, анчагача ҳеч нимани кўрмай қолдим.

Сўнг йилтиллаб иккита нарса кўринди. Айиқ ёки бўрининг кўзи бўлса керак, деб ўйладим. Жон ҳолатда ёнимдаги дудамани олиб, унга яқинлашдим. Не кўз билан кўрайки, умримда ҳеч кўрмаган бир махлуқ. Бирдан хаёлимга алвасти деган фикр келди...

— Э-э-э, қўйсангиз-чи, Ҳаким ака! Ёлғон ҳам эви билан-да!— деди масхараомуз қиқирлаб Абдусамад.— Яна сал индамай турсак айиқдан аждаҳога чиқасиз! Ойқорда алвасти нима қилади? Алвасти эски, кимсасиз жойларда бўлади-да. Нима, биз ёш боламизми?— деди у қўлини пахса қилиб.

— Гапхалтанг тошиб кетган бўлса ҳам бирпас жим тур! Сендан уч-тўртта кўйлакни ортиқ йиртганман! Уқимаган бўлсам ҳам каллам сен билан мана бу бригадирнинг калласидан яхши ишлайди!— деди Ҳаким бобо Абдусамадни жеркиб.

— Худо билсин, тўқсон тўққиз фоизи ёлғон шу гапингизнинг, эсимни таниганимдан бери ҳижжалайсиз шу гапларни! Ҳар гал битта ёлғон кўшасиз! Бўладиган гапни гапиринг-да!— деди Абдусамад баланд келиб.

— Ҳа энди, Абдусамадбой, яна бир эшитсангиз отдан тушиб қолмасиз. Гап ҳам ўтиришнинг каштаси,— деди дадам уларнинг қизишаётганлигидан хавотири ошиб.

— Бош чўпон бўлгандан бери шунақа, тумшуги кўтарилиб, одамларга гап бермайдиган бўлиб қолган,— деди Ҳаким бобо аччиғланиб.

— Бе, қўйсангиз-чи, Ҳаким ака! Бўпти, биз бир гапдан қолдик. Аравакаш тавба қилибди,— деди Абдусамад амаки ўнг қўлини кўкрагига ураркан.

— Э-э, гапираверинг Ҳаким ака! Ҳали сиз кўрганнинг ўндан бирини ҳам кўрган эмасиз! Аммо ёқадан олишга устамиз!— деди Нарзулла Ҳаким бобо томонга оғиб.

— Бўлди гапирмайман! Бундан буён сизларнинг олдингизда ўйлаб оғиз очамиз!

— Кечиринг, деяпмиз-ку!— деди киноа билан Абдусамад амаки.

Ҳаким бобо индамади. Нарзулла эса дастурхоннинг попугини ўйнаб ўтирарди. Абдусамад амаки нима қилишини билмай, қўлоқчинининг ипини ечиб-боғлади. Орадаги ноқулай жимликни дадам бузди.

— Ундан кўра, менга айтмоқчи бўлган гапингизни айтинг, Ҳаким ака,— деди Ҳаким бобонинг ярасига туз селиб.

— Ҳаммаларинг ҳам одамни хуноб қиласанлар! Айтса тили, айтмас дили куяди одамнинг! Биринг бригадирман, биринг бош чўпонман, деб, ҳеч кимга гап бермайсан! Сенларнинг касофатингдан бошқалар жабр чекади.


— Ҳўп айтинг-чи, биз кимга зугум қилиб, кимнинг арпасини хом ўрибмиз?— деди дадам салмоқлаб.

— Ҳамма гапирса ҳам сен гапирма, Раҳмонқул. Бутун бошли бир кишлоқни чўлу биёбонга бошлаб келдинг! Энди бу сассиқ доринг...

— Ҳамма қатори ҳаётнинг оқимини тезлаштириш учун жон чекиб юрибман, Ҳаким ака! Керак бўлса, дашт қолиб ундан нарига ҳам бораман!

Дадам бу сўзларни шу қадар ишонч ва ғурур билан айтдики, назаримда, шундан сўнг ҳеч кимнинг гапиршига ҳожат қолмагандек эди. Нимадир дейишга чоғланиб турган Нарзулланнинг ҳам дами ичига тушиб кетди. Ҳаким бобо эса, худди ҳеч гап бўлмагандек, пилладаги совиб қолган чойни ҳўплади.

— Сен гапимни тўғри тушун, Раҳмонқул! Мен бу ишларингга қарши гапирётганим йўқ. Мен ҳам элим-юртим деб ўн икки жойимдан ярадор бўлганман!— Ҳаким бобонинг кўзи ёшланди.— Бир зумгина ҳузур қилиб чордана қуриб ўтиролмай-



ман! Оёқ ярамайди. Бригаданга оддий сувчиман! Сувга тушсам яна оёқ зирқирайди. Бунинг устига, мана бу дори! Иси димоққа уриши билан аъзойи баданим санчиб, ўтириб қоламан. Бу касалхона дегани ҳам яқинроқ бўлса экан. Икки автобусда Жиззахга бориш керак... Йўқ, мен сенинг ишларингга қарши эмасман. Янги ер ўзлаштиришдек улуғ ишга бош қўшдик. Тоғ орасидаги кишлоқда нима иш қилишимизни билмай, уч-тўртта болалик бўлганимизда ҳам чиллак ўйнаб кунимиз ўтарди. Инсон дунёга келгандан кейин одамдек тўйиб меҳнат қилиши, ўзини яратган ер учун нимадир қилиб кетиши керак. Лекин олимлар ҳам ишласин-да. Ҳосили пишгандан сўнг барги тўкилиб кетадиган ғўза навларини яратишяпти, деган эдинг-ку? Қани?

... Дастурхонга беҳили палов қўйилдию бахс тўхтади. Савол осмонда муаллақ қолди. Аям менга: «Юр, укаларинг билан ейсан», деб ишора қилди. Одамлар индамай, гап-сўзсиз бир-бирларига илтифот қилиб, ошга қўл узатдилар.

## Олтинчи боб

**О**НАМНИНГ фикр-ёди кишлоқда эди. Гоҳ пешайвон устунлари оқариб кетган уйимизни, гоҳ Чинни момага ташлаб келган сигиримизни эслайди. Узица кишлоққа қайтиш режаларини тузиб, эрталабки нонушта ёки кечки овқатдан сўнги гурунларда гапни шу мавзуга буради.

— Қўйсангиз-чи, эна! Бир товўққа ҳам сув, ҳам дон керак! Овора бўлиб юрасизми? Мана иссиқ уй, тайёр овқат, худо деб ётмайсизми!— дерди дадам.

— Ҳа, энди... Одам яшамаса уй-жой ҳам ер билан битта бўлиб кетади,— деди энам гуноҳқорона мўлтираб.

— Энамни норози қилманг, дадаси. Майли, қаерни кўнгиллари тусаса, ўша ерда турсинлар. Қаерда бўлмасинлар, соғу сандал бошимизда турганлари бир давлат!— деди аям.

— Йиғим-терим тугасин...— деб гапни мужмал қилди дадам.

— Майли, сен ишингни қилавер, болам. Мени Бозорвойжон билан аптовузга чиқариб қўйсанг бас, ўзимиз кетаверамиз. Адашсак, битта-яримта йўл кўрсатар!

— Бунча шошмасангиз энди? Ёв келмагандир!— деди дадам юк ма-

шинасининг босиб-босиб берган сигналинини эшитиб, шошиб кўча томон югураркан.

Назаримда энам кўзимга бироз кичрайиб қолгандек туюлди. Эски ёстиққа мукка тушиб олганча энги билан билинар-билимас сизиб чиқаётган ёшларини артарди. Шу куни дадамдан астойдил хафа бўлдим. Аслида дадамнинг бунчалик тихирлик қилаётганлигининг сабабини ҳаммамиз билсак-да, ҳеч ким оғиз очмасди. Бунинг мен ҳам биламан. Дадам аямга шивирлаб айтганларидан эшитганман. «Бирор кори-қол бўлса, одамлар: «Битта энасини эплаб боқолмай тоққа ташлаб кетган эди, мана кампирнинг оғзига сув томизадиган одам ҳам бўлмабди!», деб таъна қилишмасин. Нима бўлса ҳам олдимизда бўлгани маъқул», деган эди ўшанда.

Энам кечки овқатга наридан-бери қўл ургандек бўлди-да, сўрига чиқиб чўзилди. Бир неча марта мен томонга қараб қўйганини пайқадим. секингина бориб пинжигга кирдим. Энам мени бағрига қаттиқ-қаттиқ босиб кучоқлади. Кейин беихтиёр кўзлари ёшланди. Энамга тасалли берадиган бирор гап айтолмай, жимгина ётавердим.

Ярим кечада илиқ нафасдан ўйғониб кетдим. Аввалига тушиммикен, дея ўйладим. Йўқ, ўнгим экан. Кўзимни очмай ётавердим. Уйғоқлигимни энам сезмаслиги керак. Сезса билмайман нима бўлади... Энам сочларимни силаб, пичирлаб ўзича мен билан гаплашарди. Ўзимга бир-икки томчи ёш оқиб тушди.

— Бозорвойжон! Бўтаюғим! Кўзгинамнинг қораси! Мен узоққа бормайман! Ўзимга аён бўлди! Нима қилай, ҳеч кимга айтолмайман! Даданга ҳам оғир, иш билан бўлсинми, уй билан бўлсинми, менга қарасинми? Инсоннинг энг беғубор даври болалик билан кексалик бўларкан! Сен билан менинг дардим бир, бўтам! Сен менга ўрганиб қолувдинг! Энди нима қиласан! Мен дарддисар нега ҳам сени ўзимга ўргатдим. Бобогинанг энди мени қаердан излайди!..

Кейинги гапларини эшитолмадим. Бошим ғувиллаб, кўз олдим қоронғилашиб кетди. Ич-ичимдан қолиб-тошиб келадиган йиғини тийиш учун ўнгарилиб ётгандек бўлиб, юзимни ёстиққа босдим. Уйғоқлигимни билдирмаслик учун нафасимни ичимга ютиб ётдим. Шу пайт негадир мен учун нафас олиш ҳам ортиқчадек эди. Кейин энамнинг йўталганини эшитдим.

Уйқум бутунлай қочиб кетди. Энди

# ЯЙЛОВ СУРУРИ

тонларга шошиб-пишиб ҳайдагани, аини аямажуз кезларида қўзилаган совлиқларни совуққа олдирмай деб, тунларни бедор ўтказгани — ҳамма ҳаммаси бирма-бир ўтарди.

— Нега энди шоирга ўхшаб ўй суриб қолдингиз. Ахир, умримиз зое ўтмади-ку,— деди Абдузхур ака Ситой оғага оҳиста юзланиб.— Ҳар йили совлиқлардан кўплаб қўзи олиб, давлатимизга минглаб сифатли қоракўл тери топширяпмиз. Хизматларимизни партия ва ҳукулатимиз муносиб тақдирлаётган бўлса.. Элда эътиборлимиз. Янглишмасам, Сизда Ленин орденидан иккита шекилли.

— Ҳа, шундай, биродар. Уттиз йил биз учун камолот даври бўлди,— дея суҳбатдошнинг гапини маъқуллади Ситой оға.— От ўрнини той босар дегандай ўғилларингиз Абдуваҳоб, Абдуманноп ва Рухиддин улғайиб, қўлтигингизга кирди.

Икки ҳамкасб суҳбатга берилиб кетиб Абдузхур аканинг ўғли Абдуманноп овқат келтирганини ҳам сезмай қолишди.

— Саломалайкум,— дея секин отдан тушди йигит.

— Дада, суюнчи!— деди мамнун жилмайиб

Юксак Чотқол тоғлари салобат тўкиб турибди. Тоғ чўққисида қор, этагида эса баҳор. Булиқ, ям-яшил майсалар шабадада майин тебранади. Тоғ сийнасида сизиб чиққан сувлардан ҳосил бўлган жилғаларнинг жилдираб оқиши аллақандай мусиқий оҳангни, яшил адирдаги қўй-қўзиларнинг бир маромда маъраши най навосини эслатади кишига. Тоғ ёнбағридаги катта қояда икки чўпон сурувни яйловга ёйиб, озгина тин олиб, табиат чиройига мафтун бўлиб ўтиришибди.

— Ситой оға, ҳув анави тоғ тизмасига қаранг-а,— деб гап қотади Абдузхур ака ўз ҳамроҳига,— худди бошига чуст дўппи, эгнига беқасам тўн кийган йигитга ўхшайди-я.

— Ҳа, шундай,— дея ҳамкасбининг гапини маъқуллади Ситой оға.— Шоирларнинг «табиатнинг ўзи наққош» деб таърифлашлари бежиз эмас-да.

— Сурув ҳайдаб, тоғ-даралар жамолига маҳлиё бўлиб, ўттиз йилнинг қандай ўтганини ҳам сезмабмиз,— деди Абдузхур ака уфқдан кўз узмай.

— Дарвоқе, умр оқар сувдек югурик. Икковимиз қўлимизга таёқ тутиб, қўй-қўзилар кетидан эргашганимизда ўспирин йигитлар эдик,— дея ўйга толди Ситой оға.

Ҳозир унинг хаёлидан қор бўронларида қўйларни не-не қийинчиликлар билан яйловдан қў-



«Коммуна» совхозининг ферма мудирини Маъмур Шарипов, бош зоотехник Хурсанд Ҳайитматов, чўпон Абдуваҳоб Алматов ва унинг ўғли Абдуманноплар ўзаро суҳбатда.

жим тура олмасдим ҳам! Нега энди энам ундай деди? Машаққатли ўйлар оғушида ўзим билан ўзим олишардим! Бу пайтда энамнинг оппоқ сочлари юзларига ёйилиб, ухлаб қолган эди. Назаримда, ҳозирқоқ биз етолмайдиган узоқ-узоқларга кетиб қоладигандек эди. Ўзимни додлаб юборишдан зўрға тийиб турардим! Энам уйғонмасидан бурун ғойиб бўлишим керак! Эрталаб аям сизимизни соғиб бўлиши билан подага ҳайдаб чиқаману, қайтиб келмайман! Мен энди энажонимнинг кўзларига ҳеч қарай олмайман! Энажоним ҳам мени кўролмади! Ҳайр, энажон!

Тонг қоронғусида, қишлоғимизнинг подасидан бурун кун ботиш томондаги ангор оралаб Етимтоққа қараб кетдим. Пиқ-пиқ йиғлаб борардим. Қишлоқдан узоқлашгандан сўнг тўйиб-тўйиб, хўнграб-хўнграб йиғладим. Нима қилишимни билмасдим. Қаёққа кетаётганимнинг мен учун фарқи йўқ, оёқ-қўлим ўзимга бўйсунмас эди.

Нега энди ҳамма одамлар юради, пахта теради, қўшиқ айтишади-ю, энажоним бўлса... Йў-ў-ўқ! Йў-ў-ўқ! Ой-қо-о-о-ор! Қаердасан-а-ан? Эшитяпсанми? Энажоним, ҳаммадан яхши кўрадиган энажоним бизни ташлаб қаёққа кетиб қолади. Маржонбулоқсой, қаерларда қолиб кетдинг? Ҳар кун эрталаб сенга юзларини ювиб, тушларини айтадиган энажоним бизни ташлаб кетяпти! Эртақлар маскани Галахирмонжой далалари-и! Ларзага келинг, энажоним кетиб қоляпти. Одамла-а-ар! Айтинг, энди мен нима қилама-а-ан?

Ҳолсизланиб похол ғарамига ёнбошлаганимни биламан. Лабимдан сизиб кираётган тахир кўз ёшидан кўнглим айнирди. Қаршимдаги қирлар мени босиб қоладигандек гир айланар, узоқлардан итларнинг хургани, тўрғайларнинг тонги чулдираши ва чўпоннинг итини жеркигани эшитилар эди...

Иссиқдан кўзим қамашиб, бошимнинг санчиб оғришидан уйғонганим-

да кимдир мени эшакка миндириб, қишлоқ томон олиб кетмоқда эди. Бу Саттор чўпон экан. Куйиб-пишиб гапирарди. Мен эса бутун вужудим билан ҳозир уйимизда нималар бўлаётганини тасаввур эта бошладим. Тасаввур этардим у аъзойи баданим музга айланиб борарди. Эшак калдаги темир кўприкдан ўтиши билан қишлоққа яқинлашганимни пайқадим. Қишлоқ томондан йиғи товуши эшитилмади. Чий девор билан ўралган янтоқ ва ғўзапоё ғарами, икки-уч машина тош тўкилган уйимизнинг олдида ҳеч ким кўринмасди. Қандайдир умид учқуни қалбимни ёритгандай бўлди. Балки кечаси юз берган воқеа тушдир. Ёки қабристонга олиб кетишдимикан? Ундай эса ҳали эрта-ку!

Ҳа! Энажоним тирик! Энажоним ўлмади! «Худо хоҳласа сенинг болаларингни кўтариб, тўйингни кўраман», деган! Кутилмаган ҳаяжондан ҳовлиқиб кетдим. Энди бир амаллаб жавраб келаётган Сатторнинг қўлидан чиқиб қочиш керак. Бўлмаса гап-сўзни чуватади. Унглиниброқ ўтирган бўлиб ўзимни эшакдан таппа ташладиму каналга қараб чопдим. Оёғим увишиб қолган экан, бир неча марта мункиб кетай дедим.

— Ўзим борама-а-ан!— дедим орқамдан қичқираётган Сатторга.

Қандай қилиб энамнинг кўзларига қарайман? Яна ўпкамни тутолмай йиғлаб юборсам нима бўлади? Яхшиси кўринмай. Пусиб уйга кирдим. Октобрўядаги сўрида энам осмонга қараганча пичрлаб ётарди. Секингина уйга кириб тахмондан нон олдим.

Кун бўйи нималар қилиб юрганганимни билмайман. Энамнинг олдида боргим келар, лекин юрагим бетеламас эди. Ётиш олдида «Қани, менинг болам?», дея сўроқлаганларида ҳам ерга тикилганимча индамай бориб кўрпачага кириб олдим.

Эрталаб бир зумда уйимизни яна одам босди. Абдусамад амаки эски мотоциклини тариллатиб яна совхоз марказига докторга кетди. Ҳар гал-

гидек бугун ҳам Ҳаким бобо воқеанинг бошида эди. Энамнинг ичига тортиб кетган кўзлари шифтга маъносиз қадалиб қолган, аҳён-аҳёнда тамшанганида аям пахта билан оғзига сув томизар эди.

— Юзидан қон қочяпти, оёқлари совуқ,— деди Ҳаким бобо дадамга шивирлаб.

— Нима қиламиз энди?

— Бўлар иш бўлди. Рози-ризолик сўрайверинглар!

— Тил бормади!— деди дадам овози қалтираб.

Шу пайт энамнинг бошида ўтирган аям имо билан дадамни чақирди.

— Сизни сўраяптилар,— деди аям ташвишли оҳангда.

Икки қўли шалвираб қолган дадам оғир-оғир юриб сўрига яқин келди. Энамнинг ёнига чўккалаб, пешонасига қўлини қўйди.

— Эна... Энажон! Тузукмисиз?— деди дадам йиғламсираб, овози қалтираганича.

— Раҳ... Раҳмонқулжон! Сендан розиман, болам! Чўлга келиб яхши иш қилдиларинг!

Кейин яна бирдан овозлари чиқмай, кўз қорачиқлари юқорига тортиб кетди.

— Оймўма опа...— деди яқин бориб Ҳаким бобо.

Шунда энам бутун вужудини тўплаб одамларга тикилди. Лабларини аранг қимирлатиб шивирлади:

— Шу ерга! Шу ерга! Ахир Ойқорнинг... Маржонбулоқсойнинг суви шу ерга келаркан-ку!— Яна нимадир демоқчи бўлдию лекин...

Энажоним! Азиз ва меҳрибон энажоним қайтиб гапиролмади!.. Мен хўнграб юбордим. Ким йиғласа шунинг олдида борардим. Назаримда, йиғлаётганлар мен учун энг яқин одамлар эди.

Энамнинг жанозасини мулла Раҳим ўқиди... Дадамнинг чопони ўнгиридан ушлаб қабристонга бордим. Ҳамма навбат билан қабрга тупроқ ташларди.

— Ма!— деди дадам менга кетмонни тутиб.

Ҳамма қабрга уч кетмондан тупроқ ташлади. Энамнинг айтишича, биринчиси — биз тупроқдан яралган бўлганимиз учун, иккинчиси — тупроққа қайтаётганимиз учун, учинчиси — яна тупроқдан бош кўтариб чиқишимиз учун экан. Кимдир қўлимдан кетмонни олди. Угирилиб қарасам, тоғдан энамнинг жанозасига етиб келган Мансур бобо экан... Унинг орқасида додирганича кун иссиқ бўлса ҳам латта қулоқчин кийиб олган Худойкул турар, энамнинг ўша гаплари қулоқлари остида янграгандек безовта, жонсарак эди.

... Энамнинг бизни ташлаб кетгани зора туш бўлиб қолса, деб кўзимни очмай ётавердим. Лекин тонг менга бўйсунмади. Қуёш ҳам. Энам қайтиб келади, деб ўйлайман. Синглим Мунира ҳам шундай деб ўйлайди. Лекин мен энам қайтиб келмаслигини биламан. Аммо Мунирага айтмайман. Дадамнинг олдида биз энам ҳақида гаплашмаймиз. Аям шундай деб тайинлаган.

Энажоним йўқ! Лекин у киши чўлда қолди. Мен ҳам ўша келганимча чўлда яшаб юрибман.

Мунира дадамдан: «Энам қанилар?», деб сўраган эди, дадам: «Дарёга айланиб қолдилар!», деб жавоб берди!

Энажон! Ҳар кун тонгда Сизни кутиб олгани Етимтоққа чиқаман! Сиз булоқларнинг қўшиғи Маржонбулоқсой бўлиб бизга етиб келгунча Сангзорга айланиб қолдингиз!

Сангзордан томорқамизга ҳар кун суви келади! Бу — Сиз! Сиз тўлиб-тошиб, мавжланиб оқяпсиз! Фақат мени ўпмайсиз!.. Қучмайсиз! Эркаламайсиз! Мен эса овозимнинг борича Сизнинг энг яхши кўрган қўшиғингизни айтаман! Ҳаяжондан кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетади:

Булоқларнинг қўшиғи  
Бир кун дарё бўлармиш!..



Совхоз чўпони Ситой Сайдаметов баҳорги қўзила-тиш мавсумида ҳар юз совлиқдан 142 тадан қўзи олишга муваффақ бўлди.



Тажрибали чўпон Зайниддин Алиев ўз сурувини мавсумга қараб ва яйлов шароитини ҳисобга олиб парвариш қилади.

А. АБАЛҲАН фотолари

Абдуманноп,—хуржундан дастурхон ўрамини олиб ўртага қўяркан.—Яна сизни орден билан мукофотлашибди. У шундай дея чўнтагидан буклоглиқ газетани олиб ўқий бошлади:

—Тошкент области бўйича: Халқлар дўстлиги ордени. Абдузўхур Алматов.—Паркент районидаги «Коммуна» совхозининг чўпони.

—Эҳ-ҳа, табриклаймиз. Мукофотга олган қўйлариңизнинг бирортасини сўйиб, зиёфат берасиз энди!—деди Ситой оға ҳамкасбининг панжасини қаттиқ қисиб.—Боя сизнинг икки ордениңиз бор деб эсловдингиз. Кўнглиңизга солган эканки, мана бараварлашдик. Сизнинг ордениңиз ҳам иккита бўлди. Янглишмасам, илгаригиси Ҳурмат белгиси ордени эди.

## ҲИСОРИ ҚЎЙЛАР

Самолёт ҳар гал Ҳисор тоғ тизмалари устидан ўтгач, Сариосиё аэропортига қўнишдан аввал уч марта доира ясаб айланади-да, кейин ерга яқинлашади. Ана шу дақиқаларда самолёт ойнасидан қараб, қишда Боботоғ ёнбағирларидаги ўтлоқларда, эрта баҳордан то кеч кузгача эса, Ҳисор тоғидаги булутларга туташ ям-яшил яйловларда ёйилиб юрган қўй-қўзилар сурувини кўрасиз. Ҳисори қўйлари жаҳонда фақат шу ерда—серкўёш, шифобахш гиёҳларга бой юрда учратиш мумкин, холос.

—Ҳисори қўйлар—бизга ота-боболардан қолган мерос,—деб ҳикоя қилади «Коммунизм» агросаноат бирлашмасининг бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бобомурод Омонов.—Илгари Сурхон воҳасида ривожланган кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги тўғрисида тасаввур ҳам йўқ эди. Бу ердagi элнинг бутун тирикчилиги чорвачилиқдан иборат эди. Ниҳоят, сахий еримизнинг ҳам кўни туғиб, 30-йилларда воҳани ўзлаштиришга киришилди. Ҳозир биргина бизнинг «Коммунизм» бирлашмаида таърифий Дашнобод анори, хурмо, анжир, минг дардга даво Хонжиза асали етиштирилади, ҳисори қўйлар боқилади. Бирлашмаида пахтачиликда ҳам, чорвачилиқда ҳам пешқадам ҳисобланади.

Сурхон дарёси соҳилларидаги унумдор ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида чорвачилик комплекслари барпо этиш, қўйчиликни тоққа қараб силжитиш керак бўлди. Лекин бу қўйчилик тараққиётга ҳалал бергани йўқ. Зеро, мутахассисларнинг фикрича, ҳисори қўйлари доно табиатнинг ўзи ана шундай шароитга мос қилиб яратган. У

бошқа қўйлар оч қолиши мумкин бўлган тоғ ёнбағирларида қорнини бемалол тўйдирати, йилига битта, лекин соғлом, этдор қўзи беради. Йил оғир келганда эса, шу битта қўзини ҳам ололмайсиз. Бу—табиат қонуни: яъни ҳисори қўйлар табиий танлаш қонунига, ўз-ўзини ҳимоя қилиш сезгиси амрига бўйсунди.

Лекин астойдил парвариш қилинса, ҳисори қўйлар жуда катта фойда бериши мумкинлигини тажриба кўрсатиб турибди.

—Шу йил бошида биз гўштга 1000 бош қўй топширдик, биронтаси ҳам 90 килограмдан кам чиқмади,—дейди суҳбатдошим Бобомурод ака.

«Коммунизм» бирлашмасида ташкил этилган «Ҳисор» наслчилик совхоз сурувларида бизга 130 килограммик қўйлари кўрсатишди. Шунақа чиройли катта қўйлари, қараб кўз тўймайди.

Бир қарашда иш осонгина—қўйларнинг туёқ сонини кўпайтириш билан жўнашиб кетадиганга ўхшайди. Лекин аслида ундай эмас: ҳисори қўйлари кўпайтиришнинг ўзига хос қийинчиликлари мавжуд.

Ҳисори қўй—сергўшт, серёғ. Лекин йилига бир килограмм дағал жун беради, холос. Мутахассислар уни қоракўл қўй билан, жайдари қўй билан ҳам чаптириб кўрдилар. Лекин кутилган натижа чиқмади: қўйлар сержун бўлса, камгўшт бўлиб қолди ёки аксинча ҳолат юз берди. Узоқ давом этган ана шундай дургайлашлар оқибатида, биологлар таъбири билан айтганда, ҳисори қўй зоти майдалашиб, камайиб бораверди. Зеро, ҳар бир табиат сирининг яхши, ёмон жиҳатлари бор. Унинг ҳар доим инсонни қониқтирмай келган бир жиҳатига

калит топилмади. Аммо: «Дунёнинг ишлари—бири кам икки» деб, қўл силтаб қўя қолиш керак эмас. Табиат сирининг тағига етиш, уни инсон манфаатларига хизмат қиладиган йўлга буриб юбориш зарур.

Яна бир муаммо—ҳисори қўйларнинг серпушт эмаслиги эди. Жайдари қўйлардан ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига 150 тагача, қоракўл қўйлардан СЖК ёрдамида 220 тагача, ҳисори қўйлардан 100 та, кўпи билан 110 та қўзи олиш мумкин холос. Ҳисори қўйларнинг асрий суҳрати шу сабабларга кўра аста-секин сўна борди. Уларни шахсий хўжалиқлардагина бўрдоқига боқиш давом этди.

Лекин ҳисори қўйлари кўплаб боқишни кенг йўлга қўйиш республикамизда гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резерви ҳисобланади. Чунки бу қўйлар бир кечакундузда 250—300 граммгача семиради, 1 килограмм семириши учун 6 озуқа бирлиги kifоя қилади. Саноат негизда бўрдоқига боқилганда, уларнинг бошқа зотли қўйлардан устунлиги янада яққолроқ намоён бўлиши шубҳасиздир.

Ана шуларни ҳисобга олиб, республика ҳукумати Сурхондарё областида ҳисори қўйлар боқилишини жадал ривожлантириш тадбирларини белгилади. Бу қарордан илҳомланган чорвадорлар ҳисори қўйлар суҳратини қайта тиклаш борасида катта ишларни амалга оширмақдалар. Сариосиё, Шўрчи, Бойсун районларида наслчилик хўжалиқлари ташкил этилган. Чўпонларга қўлай шароит яратиб бериш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилинмоқда, яйловларга қисман сув чиқарилмоқда.

Бироқ, мутахассисларнинг фикрича, қўйлар зотини янада яхшилаш

—Раҳмат, раҳмат! Зиёфатдан қочмаймиз,—деди чехраси ёришиб Абдузўхур ака. Уша кўни у сурувини ўғиллари Абдуваҳоб ва Абдуманнопга қолдириб яйловдан эрта қайтди. Боқувга қўйган бўрдоқиларидан бировини сўйди. Элга зиёфат бериб, хурсандчилигини кўп билан баҳам кўрди. Зиёфатга йиғилган кўни-қўшнилари, совхоз активлари, ҳамкасб дўстлари ярим тунгача мириқиб суҳбатлашдилар. Улар Абдузўхур Алматов ва Ситой Сайдаметовнинг эллигинчи йилларда Москвага—Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига хўжалиқдан биринчи бўлиб борганликларини, Ватанимиз пойтахтидан кўргазманинг кумуш медалларини тақиб қайтганларини, ҳар йили 100 совлиқ ҳисобига 140—145 тадан қўзи, қўй бошига 3,5—4 килограмдан жун қирқиб олиб, юрт бойлигига бойлик, мамлакатимиз суҳратида шўхрат қўшаётганликларини алоҳида мамнуният билан эсладилар.

Меҳмонлар алламаҳалда яхши кайфият билан тарқалдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездининг минбаридан туриб: «Чорвачилик—бугунги кунда қишлоқда зарбдор фронт», деб таъкидлади. «Коммуна» совхозининг моҳир чўпонлари Абдузўхур Алматов ва Ситой Сайдаметов ана шу мўътабар сўзларга изчил амал қилиб, баҳорги қўзилаштиш мавсумини намунали ўтказдилар. Улар ҳар 100 бош совлиқдан 140—145 тадан қўзи олдилар. Қўзиларнинг ҳаммаси туёқлар сонини кўпайтириш учун ўстиришга қолдирилди. Шунингдек, биринчи қирқимда ҳар бош қўйдан 2,4 килограмдан жун олишга эришилди.

Чорвадор ота-боболаримизнинг: «От бойловда, қўй ҳайдовда семиради», деган ҳикматини ҳамisha эсда тутадиган бу тажрибали чўпонлар айни вақтда ўз сурувларини Чотқол тоғи этагидаги яшил яйловларда боқиб, семиртирмақдалар. Кеч кузгача кўм-кўк бўлиқ ўтларни еб, этига эт, жунига жун қўшилган қўйлар қишлоқдан соғлом чиқиб, сермахсул бўлишини улар ўз тажрибаларидан яхши биладилар.


устиде ҳали кўп ишлашга тўғри келади. Жумладан, тоғларда ҳисори қўйлар қўриқхонаси ташкил қилиш керак бўлади.

Ўрни келганда, қўй ёғи тўғрисида ҳам бир-икки оғиз сўзлаб ўтиш зарур, деб ўйлаймиз. Дастурхонимизни безайдиган машҳур миллий таомларимиздан бирортасини қўй ёғисиз—қўйруқ ёғисиз тайёрлаб бўлмайди.

—Қўй ёғи таркибида 50 процентдан кўпроқ инсон организми учун жуда зарур бўлган, ҳазми енги моддалар мавжуд,—деб ҳикоя қилади ҳисори қўйлар зотини кўпайтириш ишига салмоқли ҳисса қўшган Ўзбекистон Чорвачилик институтининг катта илмий ходими Рустам Неъматуллин.—Шунинг учун чорвадорлар кўпинча, айниқса сурувларни йироқ яйловларга ҳайдаб ўтиш пайтида сариеғ ўрнига ҳам қўй ёғи истеъмол қиладилар. Қадим-қадимлардан оналар чақалоқ баданига қўй ёғи суртиб, уларни шамоллашдан асраб келадилар. Лекин, афсуски, қабул пунктлари ана шу бебаҳо нарсани гўштга нисбатан анча арзон нарҳда сотиб оладилар. Бозорларимизда эса бунинг аксини кўрамиз. Бизнингча, сих ҳам, кабоб ҳам куймаслиги керак. Қўй ёғидек ажойиб озиқнинг қадрига етишимиз, уни етиштирувчилар меҳнатини мунособи рағбатлантиришимиз зарур.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев КПСС XXVI съездида қилган Ҳисобот докладыда таъминотда таҳчиллик сезилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турларини, биринчи галда гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш энг муҳим вазифа эканлигини таъкидлади. Бинобарин, сергўшт, серёғ ҳисори қўйлари кўпайтириш, уларни боқиб ўстиришни саноат негизига кўчиришга эришиш партияимиз тарихий XXVI съезди белгиланган ана шу вазифани амалга ошириш йўлидаги муваффақиятларимиздан бири бўлади.

Мухтор ҒАНИЕВ



# МУҲИМ ТАДҚИҚОТ

Таниқли файласуф олим Саид Шермухамедовнинг янги китоби<sup>1</sup> социалистик маданиятнинг назарий ва амалий масалаларини чуқур илмий асосда ёритиш, кўп миллатли совет халқлари маданиятининг тараққиёт йўллари ва ўзига хос хусусиятларини белгилаш проблемаларига бағишланган. Китобда Урта Осиё ва Қозоғистон халқлари томонидан яратилаётган социалистик маданиятнинг муҳим назарий ҳамда амалий масалалари таҳлил этилиб, бир қанча муҳим амалий тақлифлар олға сурилган. Тўплам олимнинг узоқ йиллар давомида амалга ошириб келаётган самарали илмий изланишларининг натижасини ўзида жамлаган.

Автор китобда социалистик маданият, унинг тараққиёт қонунлари ҳақида ёзар экан, масалани марксча-ленинча методология асосида тадқиқ қилади. Олим маданият ва маданиятчилик тушунчаларига фалсафий таъриф беради ва маданият икки йирик соҳага — моддий ҳаёт ва маънавий ҳаётга тааллуқли эканини алоҳида уқтириб кўрсатади. Ҳолбуки, бу вақтгача пайдо бўлган кўпчилик асарларда маданиятнинг асосан бир томони — маънавий маданият тўғрисида фикр юритилиб келинар ва бундай қараш кўпчилик-

нинг онгига сингиб, одат тусига кириб қолган эди.

С. Шермухамедов маданият категорияси ҳақида ёзар экан, уни халқ ҳаёти, тарихи ва ижтимоий тузум тараққиёти билан боғлаб тушунтиради. Кишилиқ тарихидаги ҳар бир жамиятнинг, ҳар бир конкрет формациянинг ўз маданияти, шу маданиятнинг ўзига хос норма ва қонуниятлари бўлганлигини В. И. Лениннинг ҳар бир миллий маданиятда икки миллий маданият бор деган таълимоти асосида лўнда изоҳлайди. Социалистик маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини ишонарли фактлар асосида кенг, батафсил таърифлайди. Айни вақтда буржуа идеологларининг маданият ва маънавий ҳаётга доир ҳар хил назарияларига ўрни-ўрнида муносабатини билдиради. Жумладан, ғоявий муҳолифларимизнинг маданиятни кенг халқ оммаси эмас, балки айрим «сайланма кишилар» яратади, деган асосиз назарияларини фош этиб, жамият маданиятини бутун инсоният тарихи давомида халқ оммаси, меҳнаткаш инсонлар яратиб келганлигини аниқ фактлар асосида кўрсатади. Хусусан, социалистик маданиятни яратишда совет кишиларининг катта ҳиссаси борлигини ўрганилаётган регионга хос муҳим фактлар асосида исбот қилади.

Автор социалистик маданият тараққиёти назарияси ҳақида фикр юритар экан, ғоявий душманларимизнинг сохта назарияларини фош этиш асосида, ўрни келганда, баъзи таниқли совет тадқиқотчилари

билан ҳам принципал мунозарага киришиб, айрим чалкашлик ва ноаниқликларни бартараф қилишга эришади. С. Шермухамедов социалистик маданиятнинг шаклланиши, унинг асосий хусусият ва қонуниятларини текширар экан, биринчи навбатда, социалистик маданиятнинг интернационал моҳиятини очишга, интернационализм бу янги маданиятнинг белгиловчи хусусияти эканини кўрсатишга алоҳида эътибор беради. СССРдаги халқлар ва миллатларнинг янги маданиятни яратишда бир-биридан ўрганиб, бир-бирини бойитиб иш кўришларини ҳамда шу асосда шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият яратишларини алоҳида таъкидлайди. Айни вақтда, автор марксча-ленинча диалектик материализм таълимоти асосида социалистик маданиятга хос интернационализм хусусиятининг миллийликни инкор этмаслиги, аксинча, уни тақозо этишини, социалистик маданиятнинг миллийлик билан интернационалликнинг диалектик бирлиги асосида ривожлана боришини изчил очиб беради.

Янги даврга хос бу марксча-ленинча қондан автор, жумладан, адабиёт соҳасига татбиқ қилиб, куйидагича тушунтиради: социализм даврида интернационализм адабиётнинг объектив қонуни бўлганидек, миллийлик ҳам унинг объектив қонуниятидир. Бинобарин, ўз халқи ҳаётини, унинг орзу-истаклари ва эзгу идеалларини чинакам ростгўйлик билан ҳаққоний акс эттирган асаргина чинакам интернационал асар бўла олади.

Саид Шермухамедов тўпламда марксизм-ленинизм классиклари ва КПСС раҳбарларининг социалистик маданият ҳақидаги фикрларини янги даврдаги конкрет мисоллар билан бойитади. Бу жиҳатдан олимнинг рус тили ва унинг социалистик маданият тараққиётидаги буюк мавқеи хусусида билдирган фикрлари қимматлидир. Чунки автор миллий маданият ҳақида фикр юритар экан, тилни миллий маданиятнинг энг муҳим шаклидан бири сифатида таърифлайди ва тилдаги ўзгаришларни тўғри тушунмай, ёки тан олмасдан туриб маданиятдаги ўсиш-ўзгаришларни тушуниб бўлмаслигини исботлаб беради.

Шу тариқа Саид Шермухамедов китобда социалистик маданият тараққиётининг етук назариячиси сифатида кўзга ташланади. Бинобарин,

у ўзига хос совет олимлари, хусусан, назариячилари томонидан шу соҳага доир яратилган баъзи қоида ва ҳулосаларни янгича изоҳлаш, чуқур тушунтириш билан бирга уларнинг баъзиларини тўлдирари, баъзиларини тазолади ва янгича талқин этади. Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, авторнинг айниқса шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият тушунчасига берган янги-ча изоҳи диққатга моликдир. Олимнинг тушунтиришича, маданиятимизнинг социалистик мазмуни марксча-ленинча позицияда туриб акс эттирилган объектив реаллик ва совет воқелигидир. Социалистик маданиятнинг миллий шакли эса тил, қаҳрамон характери, халқнинг турмуш тарзи, тарихий жараён орқали намоён бўлувчи хусусиятлардадир.

Автор социалистик маданиятнинг интернационал асосини юзага келтирган ва унинг тараққиётини таъминлаган қуйидаги етти муҳим омилни бирма-бир кўрсатади. Булар: социалистик жамиятнинг ўзига хос табиати, КПСС раҳбарлиги, мамлакатимиз халқларининг кўп миллатли состави ва халқлар дўстлиги, рус тили ва маданияти, социалистик республикалар ўртасидаги биродарлик ва маданий алоқалар, совет ҳокимияти давридаги илмий-техника тараққиёти ва СССР халқларининг ғоявий бирлигидир.

Коммунистик онгни шакллантириш, жумладан, социалистик маданият назариясини ишлаб чиқиш, унинг тараққиёти йўлларини тўғри белгилаш муҳим партиявий ва давлат аҳамиятига молик ишдир. Саид Шермухамедовнинг мазкур асари ана шу соҳада олиб борилган тинимсиз изланишлар ва сўнгги вақтларда эришилган ютуқлардан биридир. Чунки тўплам марксизм-ленинизм таълимотини кенг меҳнаткашлар орасида тарғиб қилиш ва социалистик маданиятни ривожлантиришда муҳим илмий-назарий, эстетик-тарбиявий аҳамиятга эга.

Сўзимиз охирида шундай бир истак билдирмоқчи эдик. Профессор С. Шермухамедовнинг социалистик маданият назарияси ва практикасига доир бу муҳим тадқиқоти ўзбек тилида ҳам нашр этилса маданият ходимлари, кенг китобхонлар оммасига яхши совға бўлар эди.

**Худойберди Дониёров,**  
**Сайдулла Мирзаев,**  
филология фанлари докторлари  
Самарқанд

<sup>1</sup> Саид Шермухамедов. Некоторые вопросы теории и практики развития социалистической культуры. Изд-во «Узбекистан», Ташкент — 1980.



## ҚАНДОЛАТЧИ

1976 йили Тошкентдаги энг катта «Зарафшон» ресторанида республика қандолатчиларининг конкурси бўлиб ўтди. Конкурс иштирокчиларидан бири, марғилонлик пазанда Мақсуда Охунжонова алоҳида дид билан ясалган «Пахтанор»,

«Янги йил муборан», «Бахт» деб аталган тортларини дастурхонга тортиди. Жюри аъзолари Мақсудахоннинг маҳоратига юксак баҳо бердилар. У конкурс совриндорларидан бири бўлди ва «Қандолатчилик мастери» деган диплом билан тақдирланди. Бу ишонч Мақсудахоннинг ғайратига ғайрат, кучига куч қўшди. Уз касбига меҳр қўйган пазанда йилдан-йилга ўз маҳоратини ошириб, кўпроқ маҳсулот тайёрлашга эришаётир.

— Қандолатчилик касбининг ҳам ўзига хос жиҳатлари бор. — деди биз билан суҳбатда Мақсудахон. — Тортларга гул туширишда биз табиатдан нусаха кўчиришга, ҳаётимиздаги замонавий анъаналарни рамзий ифодалашга интиламиз. Масалан, кейинги вақтларда «Нилуфар», «Олимпиада машъали» тортларини ясашни ўзлаштирдик. Ҳозир қандолатчилик цехимизда тайёрланаётган торт, пирожник, ширин

кулча, тешик кулча каби ўн саккиз хил маҳсулот қирқдан ортиқ савдо тармоқларига жўнатилмоқда. Узларингизга маълум, турмушимиз фаровон, янги-янги ҳаётимизга тобора кенгроқ сингиб бораётир. Шу туфайли цехимизга меҳнат қолленгиларидан, маҳаллалардан тез-тез буюртмалар тушиб туради. Биз эса буюртмаларни сифатли ва кўнглидагидек бажаришга ҳаранат қиламиз. Партияимизнинг XXVI съездида халқимизнинг турмуш маданиятини юксалтириш ҳақида яхши гаплар айтилди. Бу улуг вазифа цехимиз қолленгивимизга ҳам катта масъулият юклайди. Биз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, янги беш йилликнинг биринчи йили планини ярим йилда бажариш ва кейин эса келгуси йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдик.

Марғилон ширavorлик комбинатининг Мақсудахон Охун-

жоннова етакчилиги қилаётган қандолатчилик цехи қолленгивимиз ўз сўзининг устидан чиқади, албатта. Қолленгив аъзолари 1980 йилда ҳам унумли меҳнат қилиб, пландаги 70,5 минг сўмлик ўрнига салкам 87 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган эдилар. Ишчан қолленгив шу йилнинг уч ойи давомида эса ярим йиллик планни бажариб қўйди. Эришилган бу ютуқда цех бошлиғи, моҳир қандолатчи Мақсудахон Охунжонованинг салмоқли ҳиссаси бор.

Мақсудахон комбинатда мураббийчилиги ҳаранатининг ташаббускорларидан биридир. У ҳозиргача йигирмадан ортиқ шогирд етиштирди. Унинг Назирахон Раззоқова, Муҳаддасхон Охунжонова, Тожиҳон Тоғиева, Абдухалил Абдуллажонов сингари ишчан шогирдлари эндиликда мустақил ишчи сифатида ўз ҳунарларини бошқа ёшларга ўргатмоқдалар.

Ҳамид Усмонов

## СИРТИ ЯЛТИРОҚ

Интермедия

Жинси шим кийган, тақа мўйлови, соч-соқоли ўсган Хонишбек стеллаждаги китобларни титкиляпти. Гажақдор, тақинчоқларга кўмилган сатанг хотин — Хонишбекнинг онаси ойна олдида ўзига оро бермоқда. Рўпарасидаги рамкада гўзал қизнинг сурати. Шифтга осилган тўрқовоқда бедана типирчилайди.

Она. Танлаб-танлаб тозига учраб қолма яна, Хонишбек. (Рамкадаги қизнинг суратига ишора қилиб.) Қалай, манови жиближибон тузоққа тушай дейдими?

Хонишбек. (Керилиб.) Қўлимга қирғийдай қўндириб олганман, «гаҳ» десам қанотини қоқади!

Она. Кейинчалик, бошингга чиқиб олиб, какликдай сайраб юрмасмикин?

Хонишбек. Агар какликдай сайраса (тўрқовоқни кўрсатиб) ануви беданадай тўрқовоққа қамаб қўяман!

Она. Ақлингдан айланай, тайлогим.. Даданг билиб отингни Хонишбек қўйган-да. Кўп китоб ўқийсан, ҳамма нарсага ақлинг етади!

Хонишбек. (Талтаяди, тантиқланиб юриб келиб шивирлайди.) Тайёргарлигингизни кўраверинг, хотинлар уй кўришга келиб қолиши мумкин.

Она. (Керилиб.) Келса келавермайди. Уй кўришса мана уй. (Кўллари йейиб кўрсатади.)

тади.) Саккиз хонали участка. Ана пианино, ана телевизор. Гаражда «Волга»м отдай кишнаб турибди. (Ўзини кўрсатиб.) Мана, оинг ҳам Саидазимбойнинг хотинидан қолишмайди. Бўйнимдаги дурнинг ўзи икки минг сўм туради. Хўш, ким бўлса ҳам қизини мендан ортиққа берадими? (Қизнинг суратини кўрсатиб.) Дарвоқе, топган қизинг нима иш қилади, Хонишбек?

Хонишбек. Агроном. Она. Агроном?! Нима, агроном келин менга ўсма-сурма экиб берадими?

Хонишбек. Ёнингизга олэсиз, оширган, яширганингизни сув қилиб беради.

Она. Ақлингдан онанг айлансин. Менга шунақа ёрдамчи келин керак. (Эшик тақиллайди.) Ана, келишди: Ушалар! (Эшикни очади, бири олифтароқ, иккинчиси оддий кийинган иккита аёл киради.)

Аёллар. Ассалому алайкум! Она. Салом, келинлар. (Кўришади.)

1-аёл. Ҳайбатулло аканинг уйлари шуми?

Она. Бу маҳаллада битта Ҳайбатулло ака бор-да, ўргилай. (Таманно билан, белисанд.) Қани, бу ёққа (аёллар омонат ўтиришади, фотиҳа ўқишади.) Шу уйларда тўй бўлсин, (уй эга-

сига қараб) неварачевара кўринг, омин! (Хонишбек, томоғини қириб, йўталади.)

Аёллар. (Уй эгасига йигитни кўрсатиб.) Уғлингиз Хонишбек бўлса керак?

Хонишбек. Шахсан ўзлари. (Китоб варақлайди.)

Она. Ҳа, ўғлим... Дадалари ўғлим олим, билимдон бўлсин деб отини Хонишбек қўйганлар. Шукур, исми жисмига яраша йигит бўлди. Кўп китоб ўқийди.

1-аёл. Хонишбек, қаерда ўқийдилар?

Она. Уғлим (тўрт бармоғини кўрсатиб) тўртта институтда ўқиган: бир йил ТошМИда, бир йил ОшПИда...

Хонишбек. (Луқма ташлайди.) ОшПИмас, ТошПИ!

Она. Ҳа, ШошПИ йўғ-а, ТошПИ. Қаранг, биров коптовга, биров шахматга ишқибоз бўлади. Менинг Хонишбегим десангиз китоб жинниси. Уззукун қўлидан китоб тушмайди. Эрталаб бир қучоқ китоб қўлтиқлаб кетгунча кечқурун қайтиб келади. Боққа бориб китоб ўқиркан. Худонинг қудрати билан десангиз, болагинам бэшиқда ётган пайтдаёқ жавондеги китобларга жажжи қўлчаларини чўзиб «ти... то...» деб талпинарди (Хонишбек томоғини қириб йўталади.)

2-аёл. «Ти...то...» дегани «титоб — китоб» дегани бўлса керак-да?

Она. Ҳа-да. 1-аёл. Хонишбек, (қўли билан кўрсатиб) хув ануви қанақа китоб?

Хонишбек. Буми? Бу — Насриддин Айнийнинг романи — «Дохунда қул». Қўлда беш сўм.

2-аёл. Ҳозир қайси ёзувчиларнинг китоби модний?

Хонишбек. Шукшин, Мопассан, Есенин, Ремарк, Декамерон, Гомер.

(Жонланиб, илжайиб). Шукшиннинг икки томи қўлда йигирма сўм, Ремарк йигирма сўм, Гомернинг «Одиссея» билан «Илиада»си йигирма беш сўм...

1-аёл. Китобларнинг баҳосини яхши билар экансиз.

Она. Зар қадрини заргар биларди-да, ўргилай.

2-аёл. Қўлингиздаги китоб қизиқ бўлса керак?

Хонишбек. (Қўлидаги китобни кўрсатиб, елкасини қисади). Буни кино қилишганда биламиз. Қўлда баҳоси олти сўм. (Шу пайт уч-тўртта китоб қўлтиқлаган бола киради.)

Бола. Хонишбек ака, (китобларини кўрсатиб) менга сотган китобларингиз кутубхонаники экан, пулимизни қайтариб беринг.

Хонишбек. Бор, бор, сени танимайман.

Йигитча. (Чиқиб кетаётиб.) Танимасангиз энди танитиб қўямиз!

Аёллар. (Ўринларидан туриришади.) Бизга рухсат, борайлик энди.

Она. Вой, уйни кўрмайсизларми? Аёллар. Кўрдик, раҳмат.

Она. Қалай, йигитимиз ёқдимиз, баҳоси қалай?

1-аёл. Чакки эмас. Уғлингизнинг баҳоси кўчада бошқа, уйда бошқа экан.

Она. Тушунмадим? 2-аёл. Хонишбекнинг муқоваси чиройлик экан-у, мазмуни бошқачароқ экан.

Она. Ҳа, ҳа ўғлимнинг хусни ҳам, ақли ҳам жойида.

Хонишбек. Ойи, бўлди қилинг, бошим оғриб кетди. (Аёллар чиқиб кетади, она ҳеч нарсага тушунмай ҳайрон бўлиб қолади.)

Абдулла ҚОЗОҚ



— Курилиш юлдузларини қаердан топсам бўлади?  
— Курмаясизми, ху ўша — юқори-да-да...



— Пиширган сомсаларим қалай, дадаси?  
— Жуда яхши. Қайси сомсапаздан олдинг?




— Холажон, ёрдаилашиб юборайми?


ЗАМОНАВИЙ ТОҲИР-ЗУХРОЛАР...




— Қачон пишасан, хомналла?!



— Бир дам нафас олмай туринг...



— Тоҳиржон, бас қил энди! Зухра-хон, сиз ҳам бир гапдан қолинг, ойингиз қоқиндиқ!..



Келмади, жоним келмади...

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган



— Эртаю неч қорангизни кўрсатмайсиз, тирикчилигингиз нима билан утаётибди?!  
— Газак билан...

## Бургут ва қарға

Ҳайвонот боғида қафасда турган Бургутни қўйворди бир кун одамлар.  
Оппоқ булутларга кўксини урган Чўққи томон учди, кетсин, деб, фамлар.  
Гулистон

Ҳайвонот боғида қафасда турган Қарғани қўйворди бир кун одамлар. Молхона олдига гўнг билан сурган Хашак томон, учди, кетсин, деб, фамлар.

Ҳамроқул РИЗО

## КИЧИК МАСАЛЛАР

### ҚИТМИР

— Қуёш бугун сал хирароқми?.. Ҳавонинг тафти ҳам чатоқроқми? Эсаётган шаббода ҳам сал бошқачароқми? Умуман, дунё сал унақароқми?..  
— Йўқ. Қуёш чарақлаб турибди. Ҳавонинг тафти жойида. Эсиб турган шаббода ҳам ёқимли. Дунё гўзал. Фақат сен қитмирлик қиляпсан, холос!

— Фақат кўзларигина эмас, ўзларини ҳам ўйнатяпман,— деб жавоб қилди Тилла.

### ТУТУН

— Ура! Одамни заҳарладим, энди оламни заҳарлайман!— деб ўзича чапак чалди кашанданинг оғзидан чиқиб ўрлаётган папирос тутуни.

### ПЕШОНА

— Мунча тиришмасанг-а, ажинларингни қара, тарам-тарам бўлиб кетди,— дейишди Пешонага.  
— Халақит берманглар, ишляяпман,— деди Пешона.

### ТИЛ БИЛАН ҚУЛОҚЛАР

— Нега мен биттаману, сизлар иккитасизлар?— деб қолди Тил иккала қулоққа.  
— Камроқ гапириб, кўпроқ тинглаш учун-да,— деб жавоб беришди камтарлик билан қулоқлар.

### ҚУЁШ ВА ЮЛДУЗЛАР

— Тунда-ку чарақлайсиз, нега кундузи кўринмай қоласиз?— деб сўрашди юлдузлардан.  
— Узимиздан нурироқ мавлоно Қуёш олдида одоб сақлаймиз-да,— деб жавоб қилишди юлдузлар камтарона.

### ЎРГИМЧАК ИНИ

— Ҳеч ким менчалик тез, ажойиб ин қура олмайди,— деб қолди Ўргимчак бир куни.  
— Лекин нафсинг йўлида ишлаган ҳар бир макр-ҳийла:г ошиёнингни бузиб ташлаш учун кифоя,— дейишди унга.

### ЕЛВИЗАК

— Кўзга кўринмайман, ҳеч кимнинг назарига кирмайман, лекин бирорта туйнукдан физ этиб кирману, одамларни бошлаб, вой-войлатиб қўяман,— деди ҳиринглаб Елвизак.  
— Ҳе бетинг қурсин, қоч нарига,— деб унинг юзига дарчани таққа ёпишди одамлар.

### ТИЛЛА ДЕЙДИ...

— Ҳа, одамларнинг кўзларини ўйнатиб юрибсанми,— деб сўрашди Тилладан.


Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

### МУҚОВАДА

Биринчи бет: Ажойиб китоб ҳақида ўйлар.  
Н. ШАРИПОВ фотоэюди

Тўртинчи бет: 1. Марказий Помирда —В. И. Ленин чўққисининг жанубий ёнбағрида жойлашган альпинистлар лагери. 2. Ёз ойларида «Дунё томи» — Помир альпинистларнинг сеvimли масканига айланади. 3. Коммунизм чўққиси ёнбағридаги альпинистлар лагери. Бу лагернинг денгиз сатҳидан баландлиги 6100 метрга тенг.

В. МАШКОВ ва А. ГЕРАСИМОВ фотолари



## КРОССВОРД

**Энига:** 1. Машҳур қиличбоз. 3. Созанда. 6. Қиғъа. 8. Натижа. 12. Белги. 14. Ёритқич. 15. Мамлакатимиз шимолидаги кўл. 16. Вазнлар туркуми. 18. Адабий жанр. 20. Хирургияда қўлланадиган дори. 21. Геометрик шакл. 24. Жисмининг таянч қисми. 28. Қайиқ тури. 31. Транспорт воситаси. 32. Маъдан. 33. Қуш. 34. Тожикистондаги шаҳар. 35. Кимёвий элемент. 36. Сўз туркуми.

**Бўйига:** 1. Африкадаги давлат пойтахти. 2. Дарахт. 4. Қатра. 5. Қора мўм. 7. Бадий буюм. 9. Билимлар мажмуаси. 10. Мева. 11. Гиёҳ. 13. Фан. 17. Миллий таом. 19. Ипак газлама. 22. Саҳна асари. 23. Озуқа ўсимли. 24. Электрод. 25. Металл. 26. Халқ достони персонажи. 27. Минерал. 29. Тўгарак, доира. 30. Рўзғор буюми.

Тузувчи К. НАЗИРОВ

Урганч.

### 6-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

**Энига:** 1. Троллейбус. 5. Вомбай. 6. Мензурка. 9. Зағизгон. 12. Хром. 13. Бартольд. 14. Аруз. 17. Чивин. 18. Карам. 19. Тожиқ. 21. Шивит. 24. Цирк. 25. Марҳамат. 26. Чўян. 29. Ялангтўш. 31. Логарифм. 33. Ананас. 34. Анализатор.

**Бўйига:** 1. Тарвуз. 2. Ойбек. 3. Бўйра. 4. Соврин. 6. Механизация. 7. Неон. 8. Айрон. 9. Зулук. 10. Фарб. 11. Нозимахоним. 15. Қиров. 16. Қамиш. 20. Қураш. 21. Шамол. 22. Ўрда. 23. Бўри. 27. Уганда. 28. Галвир. 30. Урама. 32. Офсет.

**Бош редактор МИРМУҲСИН**  
Редколлегия: Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОҲОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Асқад МУХТОР, Ваҳоб РУЗИМАТОВ (бош-редактор ўринбосари), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Ислиддин ҲАЙДАРОВ.

«Гулистон» — ежесемесачный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

Адресимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.


Техредактор А. САИДУМАРОВ

Корректор Н. ЯУЛДОШЕВА


Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди: 21.5.1981 й. Босишга рухсат этилди 24.6.1981 й. Р—07212. Қоғоз 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 266870. Буюртма 1005. Нашр А—114.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000, Тошкент ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.



Гўзаллик зуваласи.



Кулол и. Аблаев иш ўстида.



Устозлар ва шогирдлар.



Ёш rassom С. Султонмуродов.

#### Инсоннинг қўли гул.


Лаган, коса, ваза, чойнак, пиёла ва бошқа хил чинни ҳамда сопол маҳсулотлар бизга ҳамisha асқотади, кундалик турмушимизда ишлатилади. Аммо бу маҳсулотлар фақатгина идишлик, буюмлик вазифасини ўтабгина қолмай, кишиларга эстетик завқ бағишловчи гўзаллик воситалари — уй безаги ҳамдир. Шу сабабли rassomларимиз сопол ва чинни идишларга кўрк бериш учун ўзларининг бутун истеъдодларини ишга соладилар. Ўзбекистон Бадий фонди ҳузуридаги Тошкент Экспериментал-ижодий комбинати ана шундай гўзаллик ижодкорларини бирлаштирган корхонадир.

Кейинги вақтларда кулолчилик маҳсулотлари биноларни безашда ҳам кенг қўлланилмоқда. Тошкент Экспериментал-ижодий комбинатига маъмурий ва жамоат бинолари безаги учун кўплаб буюртмалар тушаётганининг сабаби ҳам ана шундан. Тошкентлик усталар томонидан тайёрланган кулолчиликка оид гўзал, нафис безаклар ганч ҳамда ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари Сочи шаҳридаги «Ўзбекистон» санаториясига, Пенза шаҳридаги «Ўзбекистон», Кишиневдаги «Тошкент» магазинларига кўрк бериб турибди. Шу хилдаги бебаҳо ижод намуналарини Тошкент метроси станцияларида ҳам учратиш мумкин. 1980 йилнинг ўзидагина комбинат бир миллион сўмлик нафис маҳсулотлар ишлаб чиқарди.

Тошкент Экспериментал-ижодий комбинатида машҳур ганчкор, республика халқ rassomi, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Маҳмуд Усмонов, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Комилжон Каримов сингари ўнлаб машҳур санъаткорлар меҳнат қилдилар. Шу туфайли корхонанинг шуҳрати кундан-кунга ошиб бораётир.

А. ВАНШТЕЙН фотолари





1

2

3

